


БЎРИ ЗИЁМУҲАММАДОВ

ПЕДАГОГИКА



БЎРИ ЗИЁМУҲАММАДОВ

ПЕДАГОГИКА

*Педагогик олий ўқув юртлари
учун ўқув қўлланма*

ТОШКЕНТ — 2006

Такризчилар:

Педагогика фанлари доктори, профессор, *Йўлдошев Ж.Ф.*
Педагогика фанлари доктори, профессор, *Усмонов Т.У.*

Зиёмуҳаммадов Б.

Педагогика: Олий ўқув юртлари учун ўқув қўлланма. — Т.: «Турон-Иқбол». 2006. — 112 б.

Ўқув қўлланма биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессиясида қабул қилинган «Таълим тўғрисида» Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» тамойилларидан ҳамда жаҳон педагогика фани тажрибаси ва Шарқ мутафаккирларининг таълим-тарбия тўғрисидаги фикрларидан келиб чиқиб яратилди.

Китоб нопедагогик олий ўқув юртлари учун педагогикадан дарслик сифатида тайёрланган, айни маҳалда амалиётчи педагогларга ҳамда педагогикага ихтисослашган олий ва ўрта махсус ўқув юртларига ўқув қўлланма сифатида ҳам тансия этилади.

ISBN 978-9943-14-003-5

© «Турон-Иқбол» нашриёти, 2006.

КИРИШ

Республикамининг ҳозирги даврдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш тамойиллари жаҳондаги тараққий этган мамлакатлар қаторидан муносиб ўрин олиш учун маънавий салоҳиятимизни ва иқтисодий қудратимизни янада ошириш, уларни XXI аср илмий-техника тараққиёти талабларига жавоб берадиган тарзда қайта қуришни талаб қилади. Бунинг учун халқимиз, айниқса, ёшларимиз дунёқарашини ўзгартириш, уларнинг билим ва маънавиятларини жаҳон андозалари даражасига кўтариш зарур. Бундай мураккаб ижтимоий вазифани ҳал этишда бошқа фанлар қатори илмий асосга қурилган миллий педагогика зиммасига катта масъулият тушади.

Миллий педагогика — муайян давлат Конституцияси, таълим тўғрисидаги қонунлари ҳамда истиқболли ривожланиш дастури, жамият тараққиётининг умумий қонунлари, халқнинг миллий-маърифий мероси ва таълим-тарбия соҳасида эришилган жаҳон миқёсидаги ютуқлар асосида шаклланган ҳамда миллатнинг муайян тарихий ривожланиш жараёнидаги талабларига жавоб берувчи таълим-тарбия назарияси, усул ва услубларни ифодаловчи илм-фан мажмуидир.

Миллий педагогика ўзининг муайян ҳудудий хусусиятлари, аҳолининг менталитетига мослиги, нисбатан янгилиги ва юқори самарадорлиги билан бошқа педагогик тизимлардан фарқланади.

«Таълим тўғрисида»ги Қонунда: «Ўзбекистон Республикаси таълим тўғрисидаги сиёсатини умуминсоний кадриятларни, халқнинг тарихий тажрибасини, маданият ва фан бобида кўп асрлик анъаналарини, жамиятнинг истиқболдаги ривожланишини ҳисобга олган ҳолда юргизади»,¹ — дейилган.

Маълумки, собиқ совет тузуми даврида Ўзбекистоннинг ўқув юртларида коммунизм мафкурасига бўйсундирилган ва фақат Москва педагог-олимлари томонидан ёзилиб, Ўзбекистонда таржима қилинган дарсликлардан фойдаланиб келинган. Натижада ёш авлод ота-боболаримиздан мерос қолган миллий педагогика, миллий маънавият ва маданият хазинасидан бебаҳра бўлиб келди.

Шунинг учун ҳам, шу кундаги педагогикада адиб боридётганимиз

¹ «Халқ таълими» журнали, 1992 й, 10—12-сон, 1-бет.

ҳотлар жараёнида «совет педагогикаси»дан воз кечиб, миллий педагогиканинг назарий ва амалий асосларини яратиш, педагогик фаолиятда унинг тамойиллари ва усулларини қўллашга ўтиш тўғри бўлади.

Шу билан бир қаторда, таълим ва тарбия билан ҳамма, яъни бутун жамият аъзолари шугулланишлари керак эканлигини ҳам ҳаётнинг ўзи кўрсатди. Бу масъулиятли вазифада ўз фаолиятини таълим-тарбия соҳасига бағишлаган кишилар билан бир қаторда жамиятнинг билимли ва обрў-эътиборли аъзолари, олий маълумотли мутахассислар ўз ҳиссаларини қўшиши керак. Чунки улар ўзларининг билимлари ва юқори малакалари билан меҳнат жамоаларида катта эътиборга эгадирлар. Ҳамма жойда уларнинг сўзлари юқори таъсир кучи билан ажралиб туради.

Ушбу фикрдан келиб чиқиб, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 1996 йил 7 августдаги 189-сонли буйруғига биноан халқ хўжалиги мутахассислари тайёрлайдиган барча олий ўқув юртларида педагогика фани ўқитила бошланди.

Педагог бўлмаган олий маълумотли мутахассислар тайёрлайдиган ўқув юртларида педагогика фанини ўқитиш жараёнида талабаларда қуйидаги билим ва кўникмаларни шакллантириш кўзда тутилади:

— ўз ихтисосини ўзлаштириш пайтида ҳамда ижтимоий ва гуманитар фанлар бўйича бериладиган билимларни онгли эгаллаш учун педагогика фанининг назарий асосларини ўрганиш ва ўзларида бу билимларга кўникма ҳамда бошланғич малака ҳосил қилиш;

— Ўрта Осиё ва жаҳон халқларининг педагогик мероси билан танишиб, ўзларида умуминсоний ва миллий гуруҳ ҳосил қилиш;

— индивид, жамият аъзоси, шахс, миллат фарзанди, мутахассис деган тушунчаларни улар абстракт ҳолда эмас, балки уларнинг том маъносига етиб бориб, ўзларида кишиларнинг ижтимоий моҳиятининг такомили ҳисобланган миллий маънавиятни яратишига киришиш;

— ўзларида дарс бериш қобилиятини шакллантириш учун «Дидактика», яъни билиш назарияси тамойиллари билан бирга ўқитишнинг усул ва услубларини эгаллаб, уларни педагогик амалиётда қўллаш кўникмасини ҳосил қилиш;

— илғор педагогик технология тушунчасининг том моҳиятини чуқур англаш, ҳар бир ўтадиган дарсининг лойиҳасини туза олиш ҳамда ўз маънавий камолоти устида тинмай ишлаш кўникмасини ҳосил қилиш, шунингдек, ижтимоий ҳодисаларни бошқариш назарияси ва амалиётига эга бўлиш.

Мазкур ўқув қўлланма бу соҳада дастлабки интилишлар натижасида юзага келганлиги туфайли, унда айрим камчиликлар ва меъёрига етмаган ўринларининг бўлиши табиий ҳол. Муаллиф билдирилган барча танқидий мулоҳаза ва таклифларни миннатдорчилик билан қабул қилади.

1-бўлим. ПЕДАГОГИКАНИНГ ТАРИХИ ВА НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

БУЮК ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИ ҲАМДА ҒАРБ ПЕДАГОГЛАРИНИНГ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯГА ҚУШГАН ҲИССАЛАРИ

Қадимги Ўрта Осиё ҳудудида таълим-тарбия. Энг қадимги замонларда билим ва тарбия беришдан қутилган мақсадни, таълимнинг усулларини, бизгача етиб келган археологик қазилмалар ва ёзма манбалардан билишимиз мумкин. Туркий ва форсийзабон халқларнинг ҳаёт кечирish тарзи, борлиққа амалий муносабатда бўлиш намунаси ифодаланган маънавият ва маданият ёдгорликлари, қадимги юнон тарихчиси Геродотнинг «Тарих», Страбоннинг «География» асарлари, Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону лугатит-турк», «Ўрхун-Енисей битиклари» ва бошқа шу каби адабий ва тарихий манбалар орқали бизга етиб келган.

Маълумки, ибтидоий жамиятда кишилар ўзларининг таълим-тарбияга оид эҳтиёжларини, меҳнат фаолиятлари жараёнида қондирганлар. Уша даврда узлуксиз таълим-тарбия жараёни бир босқичдан иборат бўлиб, оиладан бошланар ва шу ернинг ўзида тугар эди.

Ишлаб чиқариш кучлари тараққий эта бориб, одамлар йирик жамоаларга бирлашиб, уларда ерни ўлчаш, вақтни белгилаш, кун санаш, сув тошқинларининг олдини олиш, кишиларни даволаш, жамиятни бошқариш ва ҳоказо билимларга эҳтиёж орта борди. Жамиятда меҳнатни тақсимлаш жараёни чуқурлаша бориб, тўпланган билимларни кейинги авлодларга қолдириш ва уни бошқаларга ўргатувчи кишиларга эҳтиёж пайдо бўлди. Натижада ёзув ва уни бошқаларга ўргатувчи муаллимлар юзага келди.

Бундан уч минг йиллар илгари Зардуштийлик динининг муқаддас китоби «Авесто»да таълим-тарбия масалаларига катта аҳамият берилгани ҳолда, унинг оташқада-ибодатхоналари қошида мактаблар ташкил этилиб, қоҳинлар томонидан болаларнинг таълим-тарбия тизими ишлаб чиқилган. Бу таълим-тарбия тизими қуйидаги тартибда амалга оширилган: диний ва ахлоқий тарбия, жисмоний тарбия, ўқиш ва ёзишга ўргатиш.

Қадимги Юнонистонда таълим-тарбия. Эрамит бошланишидан олдин Ўрта Осиёнинг жанубий чеккасига яқин бўлган жойда Ўрта денгиз билан Ҳиндистонни бирлаштирувчи қарвон йўли бўлган. Сўнгра Ўрта Осиё орқали Хитойдан Ўрта денгизга томон «Буюк

Ипак йўли» очилган. Нағжада Ўрта Осиё халқаро савдо-сотиқ маркази бўлиб, маданияти равнақ топган. Ўрта Осиёдаги маданият «Буюк Ипак йўли» орқали Ғарб мамлакатлари маданиятининг ривожига таъсир кўрсата бошлаган. Айниқса, Юнонистоннинг географик ўрни ва табиий шароитининг қулайлиги туфайли, ундаги маданият ва маърифат бошқа қадимий мамлакатларга нисбатан яхши ривожлана бошлаган.

Юнонистон унча катта бўлмаган бир қанча қулдорлик давлатларидан иборат мамлакат эди. Унинг энг катта давлатларидан Лакония (пойтахти Спарта) ва Атика (пойтахти Афина) айниқса маданият маркази бўлган. Бу шаҳарларнинг ҳар қайсисида тарбиянинг бошқа мамлакатлардан фарқи алоҳида тизими вужудга келган ва бу тарбия тизимлари шаҳарлар номи билан юритилиб, «Спарта» ва «Афина» усулидаги тарбия деб юритиладиган бўлган.

Юнонистонда маданият ва мактабнинг тез ривожланиши таълим-тарбия назариясининг пайдо бўлишига имкон яратди. Педагогика назариясига файласуфлардан Сукрот, Афлотун, Арасту ва Демокритлар асос солдилар.

Сукрот (э.р.авв.469—699) нинг фикрича тарбиядан кутилган мақсад, буюмлар табиатини ўрганиш бўлмай, балки кишининг билим олишдан мақсади ахлоқни камол топтириш бўлмоғи лозим эди. У яратган ахлоқий этика мактаби киши ахлоқи бир неча фазилатлардан — жасурлик, донолик, мўътадиллик, адолатпарварлик ва бошқалардан ташкил топган.

Афлотун (э.р.авв. 424—347) Сукротнинг шогирди бўлиб, объектив идеализм назариясининг асосчиси эди. Тарбия, — дейди Афлотун, — давлат томонидан ташкил этилмоғи ва ҳукмрон гуруҳларнинг, яъни файласуф ва жангчиларнинг манфаатларини кўзламоғи лозим. Афлотун ўзининг таълим-тарбия тизимида Спарта ва Афина тизимининг баъзи белгиларини бирлаштиришга интилди.

Арасту (э.р.авв. 384—322) таълим-тарбия назариясини яратиш ва уни ривожлантиришга катта ҳисса қўшган аллома олим. У Афлотуннинг шогирди бўлиб, ўз навбатида, македониялик Искандар Зулқарнайннинг устози бўлган. Унинг фикрича, оламда уч хил жон бор: ўсимликдан таркиб топган жон, у озикланишда ва урчиб кўпайишда намоён бўлади; ҳайвондан таркиб топган жон, ўсимлик хоссаларидан ташқари сезгиларда ва истакларда намоён бўлади; ақлнинг ифодаси бўлган жон ўсимлик ва ҳайвонот хоссаларидан ташқари, тафаккур ёки билиш хислатларига ҳам эгадир. Арастунинг фикрича, жоннинг мана шу уч хилига мувофиқ уч хил тарбия — жисмоний тарбия, ахлоқий тарбия ва ақлий тарбия бўлиши керак. Арасту ўз педагогик қарашларида ирода ва фаолиятни асос қилиб олган ҳолда, ақлий тарбия соҳасида кўникма ҳосил қилишга катта аҳамият берган. Арастунинг қайд этишича, ҳар

қандай истак ва фаолиятда камчилик, ортиқчалик ва ўртачилик бўлади. Ҳамма нарсада ўртачилик фойдалидир. Ҳамма нарсада ортиқчалик камчилик каби зиёндр.

Демокрит (эр. авв.460—370) тарбияни табиатга мувофиқлаштириш масаласини биринчи бўлиб илгари суради. «Табиат билан тарбия бир-бирига ўхшайди» деб ёзади у. Демокрит «таълим меҳнат асосида гўзал нарсаларни ҳосил қилади», деб тарбия ишида меҳнатнинг роли жуда катта эканлигини таъкидлайди.

Қадимги Юнонистондаги тарбиявий ишлар шуниси билан ўзига хос эдики, унда болани жисмоний томондан чиниқтириш билан бир қаторда маънавий томондан баркамол бўлишига ҳам катта эътибор берилган. Болаларни мусиқа, ашула ва диний рақслар тушишга ўргатилиб, машғулотларнинг мазмуни жанговар ҳарбий тусда бўларди.

Қадимги замондаги таълим-тарбияни ўрганар эканмиз, ундан қуйидаги хулосаларни чиқарса бўлади:

Биринчидан, муайян мамлакат аҳолисининг таълим-тарбия масалалари хусусий иш бўлмай, давлат тасарруфидаги муассасаларнинг фаолияти бўлиши керак.

Иккинчидан, таълим-тарбияни бочқичма-босқич оддийдан мураккаб томон олиб бориш мақсадга мувофиқ.

Учинчидан, таълим-тарбия жараёни давлатнинг мутасадди кишилари томонидан таҳлил қилиниб, тасдиқланган дастур ва режа асосида амалга оширилиши лозим.

Тўртинчидан, таълим-тарбияни, асосан, унча катта бўлмаган ўқувчилар гуруҳи орқали амалга оширилиши мақсадга мувофиқ.

Бешинчидан, қизлар таълимини ўғил болалар билан бир қаторда олиб борилгани маъқул.

Олтинчидан, таълим-тарбияни меҳнат жараёни билан қўшиб олиб боришлик яхши самара беради.

Еттинчидан, ёшлар тарбиясида жисмоний машқларга катта эътибор берилиши керак.

Саккизинчидан, жисмоний ва ақлий тарбия билан бир қаторда нафосат тарбиясини амалга ошириш лозим.

Тўққизинчидан, таълим-тарбияда доимо меъёр сақлаб борилиши зарур, ортиқча билим кам билим берилгандан ҳам катта зиён етказади.

IX—XV асрларда Шарқдаги маънавий кўтаринкилик. VIII аср ўрталарига келиб араблар Мовароуннахрни забт этишга эришдилар. Араб халифалигида юз берган ижтимоий ўзгаришлар, ягона Ислом динининг таркиб топиши маънавий ва маданий ҳаётга таъсир этди ва унда катта кўтаринкилик руҳини пайдо қилди.

Ўрта Осиёга Ислом дини кириб келиши билан унинг ақидалари ва ҳаёт тарзини ерли аҳоли, даставвал қабул қилмаган бўлсада, кейин маъқул кўриб, исломни нафақат қабул қилдилар, уни

ривожлантириб, бойитдилар ҳам. Натижада танага янги қон қуюлгани каби Ўрта Осиёда ижобий ўзгаришлар содир бўлиб, ижтимоий ҳаётда жонланиш вужудга келди ва илм-фан ривож топди.

Бу даврда илм-фан уч йўналишда тараққий этган.

Биринчи йўналиш — математика-тиббиёт йўналиши бўлиб, буларга математика, астрономия, кимё, геодезия, минералогия, тиббиёт, фармакалогия ва бошқа шуларга ўхшаш фанлар киритилган.

Иккинчи йўналиш — ижтимоий-фалсафий йўналиш бўлиб, бунда фалсафа, тарих, мантиқ, фикҳ, руҳшунослик, нотиқлик ва бошқа ижтимоий фанлар киритилган.

Учинчи йўналиш — таълим-тарбия йўналиши бўлиб, бу соҳада қомусий олимлар ўз қарашларини ижтимоий-фалсафий ва илмий асарлари таркибиде ёки махсус тарбиявий асарларида баён этганлар. Ўша даврда инсон муаммоси илм соҳасидаги асосий масала бўлган. Шунинг учун ҳам барча мутафаккир олимлар ижодида таълим-тарбияга катта эътибор берилган. Яратилган асарларда Шарққа хос бўлган инсоннинг ижтимоий сифатларини, унинг руҳий камолотини улуғлаш етакчи ўрин тутган.

Таълимий рисоалар пайдо бўлиб, ахлоқнинг ҳам назарий, ҳам амалий масалалари таҳлил этилди. «Фозил одамлар шаҳри», «Бахтсаодатга эришув тўғрисида», «Ахлоқ ҳақида рисола», «Ишқ рисоласи», «Кутадғу билик», «Ахлоқи Носорий», «Ахлоқи Жалолоий», «Гулистон», «Бўстон», «Маҳбуб ул-қулуб» каби Форобий, Ибн Сино, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, Тусий, Давоний, Кошифий, Кайкавус, Саъдий, Жомий, Алишер Навоийнинг таълимий асарлари инсон шахсини маънавий шакллантириш муаммосини ҳал этишда соф педагогик асарлар сифатида муҳим аҳамиятга эга.

Мазкур таълимий асарларда инсон шахсини маънавий камолга етказиш юксак хулқ-одоб, илм-фанни эгаллаш асосидагина амалга ошириш мумкин, деган ғоя илгари сурилган. Ҳақиқий билимга асосланган таълимий услуб шаклланди, натижада таълим-тарбия олимлар диққат марказида бўлди. Хоразмий, Фарғоний, Форобий, Беруний ва Ибн Сино бу услубларни асослаб берган буюк мутафаккирлар эди.

Хоразмий билим олишда талабанинг шахсий кузатишларига ҳамда олган билимларидан амалда фойдаланишига катта эътибор берган. Хоразмий билишни сезгидан мантиқий тасаввур орқали фарқ қилиш ҳақида фикр билдиради. Унинг фикрича, «сезги» орқали билиш — қисман билиш бўлса, «мантиқий» билиш эса ҳақиқий билишнинг муҳим томонини намоён этади, деб билиш назариясига салмоқли ҳисса қўшади. У биринчилардан бўлиб, кузатиш-синов усулига асос солди.

Аҳмад Фарғоний жаҳон фани ва маданиятига улкан ҳисса қўшган қомусий алломалардан бири. У Бағдоддаги «Байтул ҳик-

ма»да мударрислик қилиб, табиий соҳада риёзиёт, фалакиёт, география, ҳикма ва бошқа қатор фанларда таълим-тарбияга оид илмий кашфиётлар қилган.

Форобий таълим-тарбияга бағишлаган асарларида инсон такомилда таълим-тарбиянинг муҳимлиги, унда нималарга эътибор бериш зарурлиги, таълим-тарбия усул ва услублари ҳақида фикр юритади. «Фозил одамлар шаҳри», «Бахт-саодатга эришув тўғрисида», «Ақл маънолари тўғрисида», «Ихсо-ал-улум», «Илмларнинг келиб чиқиши» каби маорифий асарларида олимнинг ижтимоий-тарбиявий қарашлари ўз ифодасини топган.

Форобий ўз асарларида таълимни тарбия билан узвий бирликда олиб бориш ҳақида гапирган бўлса ҳам, аммо инсонни камолга етказишда ҳар бирининг ўз ўрни ва хусусияти бор эканлигини алоҳида таъкидлайди.

Форобий таълим-тарбиянинг асосий вазифаси жамият талабларига жавоб бера оладиган ва шу жамият учун хизмат қиладиган етук инсонни етиштиришдан иборат, деб билади.

Берунийнинг билимларни эгаллаш йўллари ҳақидаги фикрлари ҳозирги давр учун ҳам долзарбдир. Ўқувчига билим беришда: уларни зериктирмаслик; бир хил нарсани ёки фанни ўргатавермаслик; узвийлик; изчиллик; янги мавзуларни қизиқарли, асосан, кўргазмали баён этиш ва ҳоказоларга эътибор бериш кераклиги уқтирилади. Олим билим олувчиларга қалбни ёмон иллатлардан, инсон ўзи сезиши мумкин бўлмаган ҳолатлардан, қотиб қолган урф-одатлардан, ҳирсдан, беҳуда рақобатдан, очкўзликдан, шон-шўхратдан сақланиш зарурлигини айтади. Беруний инсон камолотида уч нарса муҳимлигини таъкидлайди. Бу — ҳозирги замон педагогикаси ҳам эътироф қилувчи ирсият, муҳит ва тарбиядир.

Ибн Сино инсонларни камолотга эришишнинг биринчи мезони саналган билим эгаллашга даъват этади. Билимсиз кишилар жоҳил бўлади, улар ҳақиқатни била олмайдилар, улар етук бўлмаган кишилар, дейди. Ибн Сино билим олишда болаларни мактабда ўқитиш зарур деб билиб, таълимда қуйидаги талабларга риоя этиш зарурлигини таъкидлайди: болага билим беришда бирданига китобга банд қилиб қўймаслик; таълимда енгилдан оғирга бориш орқали билим бериш; олиб бориладиган машқлар болалар ёшига мос бўлиши; ўқитишда жамоа бўлиб ўқитишга эътибор бериш; билим беришда болаларнинг майли, қизиқиши ва қобилиятини ҳисобга олиш; ўқитишни жисмоний машқлар билан олиб бориш. Талабаларга билим бериш ўқитувчининг масъулиятли бурчидир, деб Ибн Сино ўқитувчининг қандай бўлиши кераклигини ҳам кўрсатиб беради.

Айнан шу даврда исломнинг суннийлик мазҳаби эркин фикрли оқим доирасида руҳ тарбияси билан машғул бўлувчи гасаввуф (суфийлик) таълимотини юзага келтирди. Бу таълимот бутун Шарқ

маънавий ҳаётида комил инсон ҳақидаги гояларнинг шаклланишида муҳим роль ўйнади. Анъанавий зоҳирий билимларга эга бўлиш билан бир қаторда руҳни ишлатиб, ботиний билимларга эга бўлиш усул ва услублари яратилди.

Ўрта аср Ғарбий Европада таълим-тарбия. Ўрта аср Ғарбий Европа мамлакатларида икки гуруҳга бўлинган ва етти фанни ўз ичига олган таълим дастури мавжуд бўлган. Биринчи гуруҳ учта фандан иборат бўлиб, унга латинча «тривиум» номи берилган. У грамматика, риторика ва диалектикани ўз ичига олган. Иккинчи гуруҳ тўрт фандан иборат бўлгани учун уни латинча «квадриум» дейиларди. Унга арифметика, геометрия, астрономия ва мусиқа кирар эди.

Ҳамма фанларнинг тожи деб, теология ҳисобланар эди. Ўрта асрларда бериладиган таълим дастури черков мактаблари орқали амалга оширилар эди. Ўрта асрлардаги Европада хотин-қизлар, айниқса, меҳнаткашларнинг қизлари ёппасига саводсиз эдилар.

Европада биринчи университетлар XIII асрнинг иккинчи ярмида Италияда (Балония шаҳрида), Англияда (Оксфорд шаҳрида), Францияда (Парижда) ташкил қилинди.

Университетларнинг вужудга келишида ўша даврдаги кўп европаликларнинг Шарқ маънавияти ва маданияти билан танишуви қатта таъсир кўрсатди.

Араблар томонидан VIII аср бошларида истило қилинган Испанияда ташкил қилинган араб олий ўқув юртлири Европа университетлари учун маълум даражада намуна бўлди ва Европада «Уйғониш» даври юзага келди.

«Уйғониш» давридаги таълим-тарбия. Европа «Уйғониш» даври ер юзига ўнлаб маориф олимларини етиштириб берди. Шунларнинг энг машҳури, педагогика назариясига салмоқли ҳисса қўшган аллома олим **Ян Амос Коменский (1592—1670)**. 1632 йили Коменский «Буюк дидактика» деган қатта педагогик асарни ёзган. Ундан ташқари «Она мактаби» деган мактабгача тарбия қўлланмаси ва бошқа бир қанча китоблари дунё юзини кўрди. Коменский ўзининг педагогик назариясида тарбиянинг табиатга уйғун бўлиши тўғрисидаги тушунчани илгари суради. «Буюк дидактика»да ўқитиш табиийликка бўйсунishi керак дейилган. Боланинг ақлий ва жисмоний ўсиш жараёни табиатдаги ўсиш жараёнига ўхшаш бўлади. Шунинг учун ўқитувчи болани тарбиялаганда, боғбон дарахтнинг биологик ўсиш қонуниятини ҳисобга олгани каби, ундаги табиий билиш хусусиятини ҳисобга олиши шарт. Коменский ўқишга ҳамманинг тортилишини, ҳамма умумтаълим олиши кераклигини уқтиради. У биринчи бўлиб синф-дарс тизимини ишлаб чиқди. «Буюк дидактика»да ўқитишнинг дидактик принциплари берилиб, дарс жараёнида ўқитувчи уларга суяниши кераклиги уқтирилади. Мактабда ўқув йили ва уни чорак-

ларга бўлиш, таътиллар берилишини, ўқув кунини она тили мактабида 4 соат, латин мактабида 6 соат қилиб белгилаб беради. Ўқувчилар бир вақтда мактабга қабул қилиниб, ўқиш кузда — сентябрда бошланиши керак, деб ҳисоблайди.

Иоган Генрих Пестолоцци (1746—1827) 1774 йилда Нейгофда «Камбағаллар муассасаси»ни очиб, етим ва боқимсиз болалардан 50 га яқинини шу муассасада ўзи ўқита бошлайди. Пестолоцци ҳамма одамлар таълим олиш ҳуқуқига эга бўлиши лозим, деб мактаблар жамиятни ижтимоий жиҳатдан ўзгартиришнинг муҳим воситаларидан бири бўлиши кераклигини таъкидлайди. Пестолоццининг фикрича, меҳнат одамни тарбиялаш ва ўстиришнинг энг муҳим воситаси, меҳнат одамнинг жисмоний кучинигина эмас, ақлини ҳам ўстиради, унда ахлоқни ҳам таркиб топтиради. Элементар таълим назарияси Пестолоццининг педагогик тизимининг ўзагидир, бу назарияга кўра тарбиялаш энг оддий элементлардан бошланиб, аста-секин мураккаброқ даражага кўтарилиб бориши лозим. Болаларда ёзув малакасини ҳосил қилиш учун Пестолоцци дастлаб ҳарф элементларини, тўғри ва эгри чизиқларни машқ қилишни тавсия этган.

Роберт Оуэн (1771—1858) ўзининг 1813 йилда нашрдан чиққан «Жамиятга янгича қараш ёки инсонда характерни таркиб топтириш тўғрисидаги тажриба» деган асариди одамнинг характери, уни ўраб турган ижтимоий муҳит шароити билан таркиб топади, деб таъкидлайди. Унингча, одамларнинг иллатлари ва хатти-ҳаракатлари улар яшаб турган ижтимоий муҳит вазиятига боғлиқдир. Одам, — дейди Оуэн, — ўз характерини ҳеч қачон ўзи яратган эмас ва уни яратиши мумкин ҳам эмас. Унинг фикрича, агар биз муҳит шароитини ва тарбияни ўзгартирсак, ҳар қандай характерни таркиб топтиришимиз мумкин. Роберт Оуэн болаларга бир ёшдан бошлаб ижтимоий тарбия бериш ғоясини олға суриб, уни асослаб берди ва амалда синаб кўрди. У жаҳонда биринчи бўлиб ишчилар болалари учун мактабгача тарбия муассасаси барпо этди. Унинг таълим муассасасида ақлий ва жисмоний тарбия берилиб, болалар жамоа руҳида тарбияланар эдилар.

Иоган Фридрих Гербард (1776—1841) ўзининг «Тарбия муассасаларидан келиб чиққан умумий педагогика», «Психология дарслиги», «Психологияни педагогикага татбиқ қилиш тўғрисидаги хатлар», «Педагогикага доир лекциялар очерки» деган китобларида педагогика назариясига доир фикрларни баён қилиб берди. Гербард тарбия ишида ақлий таълимга катта аҳамият берди. У педагогика назариясига тарбияловчи таълим тушунчасини киритди ва таълимсиз тарбия бўлмайди, деди. Гербард таълим қизиқишларнинг хилма-хиллигига асосланиши лозим деб, қизиқишларни олтига мустақил турга бўлади. У таълим босқичлари на-

зариясини ишлаб чиқди, бу назария ҳамма мамлакатлар педагоглари орасида кенг тарқалди. Гербард ахлоқий тарбиянинг ўзига хос воситалар тизимини ҳам ишлаб чиққан.

Европа ва АҚШда классик ўрта мактаблар кўп жиҳатдан Гербард педагогикасига асосланган. Гербарднинг болаларни бошқариш тизими кенг ёйилди. Бу тизим болалар ташаббусини бўғишга ва уларнинг катталарнинг обрўсига ҳеч сўзсиз бўйсундиришга қаратилган. Бу эса Форобий, Ибн Сино ва Ян Амос Коменскийларнинг ғояларига зид эди.

Адольф Дистерверг (1790—1866) такомиллашиб боровчи таълим дидактикасини яратди, бу дидактиканинг асосий талабларини таълимнинг 33 қонун ва қондаси тариқасида баён қилиб берди. Дистерверг таклиф қилган кўрсатмали таълим «яқиндан узоқда», «оддийдан мураккабликка», «маълумдан номаълумга» ўтиш керак, деган қоидалар билан боғлиқ таълимдир. Дистерверг ўқитувчи ўрганиб олган нарсаларини унутиб қўймаслиги учун уни тез-тез такрорлаб туришни маслаҳат беради. Дистервергнинг фикрича, «ёмон ўқитувчи ҳақиқатни айтиб бериб қўя қолади, яхши ўқитувчи эса ҳақиқатни топишга ўргатади».

Россия худудида таълим-тарбия. Россияга ҳам XIX аср бошларида «Уйғониш» даври етиб келиб, бир неча кўзга кўринган педагог олимлар етишиб чиққан. Шулардан бири машҳур рус педагог олими **Константин Дмитриевич Ушинский** (1824—1870). Унинг педагогика соҳасидаги асосий назарий асари «Киши тарбия предмети сифатида» деган педагогик антропологиядан тажрибаси бўлиб, у икки жилдан иборат бўлган. Ушинский рус педагогикасининг ўзига хослигини, миллий хусусиятларини ҳимоя қилди, шунингдек, тарбия халқчил бўлиши лозим, деб ҳисоблади, болаларни меҳнат орқали тарбиялашга катта эътибор берди. Таълимнинг мазмуни, тамойиллари, шакл ва усулларини ишлаб чиқишда ҳам кўп ишлар қилди. У таълимнинг кўргазмалилиги, онгли ва узвий олиб бориш масалаларини ишлаб чиқди, ўқитишнинг шакл ва усулларининг ранг-баранглилигига эришишни талаб этди.

Лев Николаевич Толстой (1858—1910). У ўз замонасидаги мактабларни, чоризмнинг мактаб ишларидаги тазйиқни қаттиқ танқид қилди. Болаларни ўқитиш ва тарбиялаш ишларини эркин равишда олиб боришга, болаларнинг ёшлигини иззат-ҳурмат қилишга чақирди. Толстой ўқитишдаги расмиятчилик, такаббурлик ва болаларни бир томонлама ҳамда пассив тарбиялашнинг ашаддий душмани эди. У ўз даври учун илгор ва ўзига хос таълим-тарбия тизими — умуминсоний характерда бўлган ўқитиш ва тарбиялаш услубини жорий этди. Толстой савод ўргатиш учун грамматикани яхшилаш устида кўп ишлади, ўз замонасининг кўпгина афзалликларга эга «Алифбо», «Ўқиш китоби» ва «Арифметика» дарсликларини гузди.

Ўрта Осиёда XIV—XIX асрларда таълим-тарбия. Темур ва темурийлар даврида илм-фан ва маърифат тез тараққий этиб, жаҳондаги етакчи ўринларни эгаллаб олди. Айниқса, **Мирзо Улуғбек** (1394—1449) даврида илм-фан, адабиёт ва санъат, маърифат тез ривожланди. Улуғбек даврида ўқитишнинг синф тизимлари, болаларни ёши бўйича табақалаштириб ўқитиш, ўқув-тарбия ишларининг аниқ бир муддатини белгилаб қўйиш, таълимнинг босқичма-босқич: бошланғич ва ўрта, олий босқичлар орқали амалга оширилди. Жумладан, Улуғбек ўқув муддатини қатъий 8 йил қилиб белгилаб қўйди. Дарс бериш индивидуал усулидан жамоа усулига ўтказилди. Бунда ҳар бир гуруҳда 15—20 ўқувчи бир вақтда сабоқ олар эди. Бу дарс ўтишнинг синф тизимига яқинлашиш бўлган.

Алишер Навоий фан ва санъатнинг турли соҳалари: адабиёт, тил, тарих, мусиқа, хаттотлик, тасвирий санъат, меъморчилик ва бошқа билимларни ривожлантириш билан бирга уларни ўқитишни такомиллаштиришга ҳам катта эътибор берган. У ўзининг «Хамса», «Мабу бул-қулуб», «Муножат», «Вақфия», «Мажолус ун-нафоис», «Муҳокамат ул-луғатайн» каби йирик асарларида тарбияга оид ўз қарашларини ифода этган. У инсон камолотидаги илм-фаннинг ўрни, ахлоқий ва ақлий тарбиянинг аҳамиятини ёритиб берди. У билимни узлуксиз ўрганиш зарур дейди ва таълим тизими-ни ҳам белгилаб беради.

Умуман, Ўрта Осиёда яшаб ижод этган аллома-ю фозиллар, мутафаккир уламолар маърифий асарларни яратиб бердилар. Улар қаторига Абдураззоқ Самарқандий, Абдурахмон Жомий, Жалолiddин Девоний, Ҳусайн Воиз Кошифий, Заҳирiddин Муҳаммад Бобур ва кўплаб бошқалар кирадилар.

Темурийлар салтанатидан кейин Турон тоғ-тахт учун олиб борилган феодал урушлар майдонига айланди. Шу давр ичида илм-фан, маданият ва маърифат ҳам таназзулга йўл тутди. Шунда ҳам Тошкент, Қўқон, Самарқанд, Бухоро, Хива ва бошқа шаҳарларда кам бўлса-да, мадрасалар қад кўтариб, талабаларга диний ва дунёвий билимлар берилди. Бу даврда ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида диний мафкура ҳукмрон бўлиб, Ислом дини бидъатларга тўлиб кетган эди. Мадрасаларда асосан илоҳий таълим асослари ўқитилар, ўқитиш усул ва услублари ниҳоятда мураккаб ва қийин бўлганлиги учун мадрасаларни ҳамма ҳам муваффақиятли тугата олмасди. Бу даврда кўпроқ адабиёт, тарих, меъморчилик, тасвирий санъат ривожланди. Бу даврда Абулғозийнинг «Шажарайи турк», «Шажарайи тарикима», «Манофесъ-ул-инсон», Сўфи Оллоёрнинг «Сирож ул-ожизин», «Сабот ул-ожизин», «Мурод ул-офарин», «Махзон ул-муштайн», «Нажот ул-толибин» каби асарлари машҳур бўлди.

XIX асрга келиб Ўзбекистон ҳудудида таълим-тарбия муаммолари билан махсус шуғулланувчи мутахассислар камайиб кетган-

ди. Лекин даврнинг илғор кишилари, шоир ва уламолари ўз маърифий қарашлари асосида таълим-тарбияни маълум даражада ривожлантириб келганлар. Улар таълим-тарбиянинг моҳияти, ижтимоий роли, мақсад ва вазифалари сингари масалалар ҳақида ўз фикрларини билдирганлар.

Темурийлардан кейин, Ўрта Осиёда давлатчилик инқирозга юз тутгач, бу ўлкани қўлга киритиш учун жаҳоннинг кўпгина мамлакатлари ҳаракат қилдилар. Ана шулардан бири Чор Россияси эди.

Туркистон ўлкаси Россия томонидан босиб олингач, Чор маъмурияти минглаб рус оилаларини Ўрта Осиёга кўчириб келди. Рус муҳожирлари Туркистон генерал губернаторининг фармониغا биноан ўлкада рус мактаблари, рус-тузем маҳаллий халқ болалари учун мактаблар, гимназия каби ўқув юр்தларини очиш ва бу мактабларни кенгайтириш ҳисобига маҳаллий мактаб ва мадрасаларни сиқиб чиқариш мақсадида маориф ислоҳотини ўткази бошладилар.

Бироқ Чор Россиясининг ўлкада рус-тузем мактабларини очиб, рус тилини ўргатишга бўлган саъй-ҳаракатлари оммавий тус олмади. Шу боис 1917 йил 9 майдан 14 майгача Тошкент шаҳрида ўлка ўқитувчиларининг биринчи қурултойи бўлиб ўтди. Бу қурултойда бир овоздан қурултой раиси қилиб сайланган Мунавварқори Абдурашидхон ўғли анжуманда Туркистон мактаб ишларини ислоҳ қилиш тўғрисида маъруза қилди. Қизғин баҳslashувлардан сўнг Туркистонда миллий мактаб очиш ҳақида қарор қабул қилинди.

XIX асрнинг бошларида Бухородаги маърифатпарвар мусулмон руҳонийлари ва зиёлилари орасида мактаб ва мадрасалар тизимига ҳамда исломга кириб қолган бидъатларни ислоҳ қилиш фикри пайдо бўла бошлади. Бундай ислоҳ тарафдорларини жадидлар, яъни янгилик тарафдорлари деб аташ бошладилар.

Жадидчилик ҳаракатининг бошида бухоролик мударрис ва тарихчи олим Маржоний, гиждувонлик домла Фозил Мўминжон Вобкандий, мулло Худойберди Бойсуний ва бошқа мударрислар туришган.

Ислоҳотчилар раҳнамоси Маржоний ўзининг дастурида қуйидаги олти масалани қўйган:

1. Қуръони каримдаги ҳар қандай диний масала юзасидан кишилар билган ҳолда ўзлари эркин фикр юритсинлар.

2. Бировнинг бировга кўр-кўрона эргashiши қатъий ман қилинсин.

3. Мадрасаларда ўқитиладиган ҳошия ва ширқ каби қуруқ мазмунга эга бўлган, мадраса ўқувчилари учун фойдасиз бўлган ҳамда уларнинг 8—10 дақиқа вақтини бекорга олувчи дарслар дарс жадвалларидан олиб ташлансин.

4. Мадрасаларда Қуръони карим, Ҳадиси шариф, уларнинг таржималари ва ислом тарихи каби дарслар ўтилсин.

5. Арифметика, тарих, жўғрофия, табиат, ҳандаса, мантиқ, фалсафа ва бошқа дунёвий фанларни ўқитишга қаршилиқ кўрсатилмасин.

6. Ҳар бир ишда мусулмончилиқни Муҳаммад алайҳиссалом давридаги қадимий ислом маданиятига қайтариш кўзда тутилсин.

Уша даврнинг жадидлари бўлган Маржоний ва унинг тарафдорлари мусулмон тараққийпарварларидан бўлиб, улар мадрасаларда диний дарслар билан бир қаторда қадимий ислом маданияти давридагидек дунёвий дарсларни ўқитишни шарт қилиб қўйдилар.

Жадидчилик жамиятни тўнтариш йўли билан эмас, ислохотлар йўли билан ривожлантиришни ўзининг асосий вазифаси деб билган. Бу вазифасини адо этишда фақат аҳолининг бир табақасига суянмади. Умуман, жадидчилик Европадагидек жамиятни синфларга бўлиб ташлаш тарафдори эмас эди. Жадидлар ҳатто қадимчилар билан ҳам иттифоқ тузиб, халқ ва келажак манфаати йўлида бирга ишлаш, бугунги кун ифодаси билан айтганимизда, турли сиёсий қарашларга эга бўлган халқ қатламларининг тинч-тотув яшаши ва ишлаши ғоясини кўтариб чиқдилар.

Жадидлар 1906 йилдаёқ «Тараққий» деб номланган газета нашр эттириб, ўз ғояларини тарқата бошладилар, орадан кўп ўтмай, «Хуршид», «Шухрат» сингари янги газеталар дунё юзини кўрди. Марказий Осиёнинг турли шаҳарларида жадид мактаблари бодрокдек кўпайиб, уларда диний билимлар ҳам кенг тарғиб қилинди. Жадидлар нима ҳақида гапирмасин, ҳаммаси янги нафас, янги ғоя эди.

Жадидларнинг ҳаракат дастури қуйидаги масалаларни ҳал қилишга қаратилган эди:

1. Диний фанатизмга қарши кураш.

2. Диний ақидаларга асосланган ўрта аср мактаблари ўрнига дунёвий илмларни она тилида ўқитишга мосланган янги усулдаги мактабларни ташкил этиш, феодал давр маорифини ислоҳ қилиш.

3. Жадидчилик ғояларини кенг халқ оммасига етказиш ниятида янги ўзбек адабий тилини ишлаб чиқиш, матбуот эркинлиги учун кураш, халқ оммасига тушунарли адабиёт ва театр яратиш.

4. Хотин-қизларни паранжидан чиқариш ҳамда жадид мактабларига қатнашишларини таъминлаш йўли билан улар тақдирини ўзгартириш ва оилада ислохот ўтказиш.

5. Маҳаллий бойлар ва савдогар аҳлининг сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан рус буржуазияси билан бир ҳуқуқда бўлиши, маҳаллий амалдорларнинг чор ҳукмдорлари томонидан сиқувга олишга қарши кураш. Шу йўл билан мустамлакачилик сиёсатини ислоҳ қилиш.

Асосий талаблари ана шулардан иборат бўлган жадидлар учун билим ва маърифат ягона қурол бўлиб, улар шу қурол ёрдамида ўлкада ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва маданий тараққиёт учун курашмоқчи бўлдилар.

Жадидчиларнинг эзгу амаллари, покиза ниятлари, илғор ғояларини мана 90 йилдан кейин амалга ошириш имконияти пайдо бўлди. Бу имкониятни қўлдан бой бермай, миллий мактаб ва унинг янги даражасида дарс бериш усул ва услубларини яратиш вақти келди.

Яқин ўтмишимиздаги ижтимоий тузум, шу кундаги тузумдан ўзининг ғоялари, қадриятлари ва қонун-қоидалари билан тубдан фарқ қилган. Демак, аввалги тузумга хизмат қилган педагогикани ҳам ислоҳ қилиб, истиқлол ғояларига ҳамда бозор муносабатларига жавоб берувчи миллий педагогикани яратиш керак. Аммо йиллар давомида совет педагогикаси шароитида тарбияланиб, унинг тамойил ва қонун-қоидаларини сув қилиб ичиб юборган педагог олимлар ўрганган нарсаларидан осонликча воз кечолмай, совет педагогикасини тубдан ислоҳ қилиш ўрнига, уни сал-пал ўзгартирган ҳолда педагогик амалиётда унинг ўрнини сунъий равишда сақлаб келмоқдалар.

Совет даври педагогикаси. Совет педагогикасининг тараққиёт жараёнини шартли равишда уч даврга бўлиб ўрганиш мантиқан тўғри бўлади.

Биринчи давр, II жаҳон урушигача бўлган даврни ўз ичига олиб, уни Н.К.Крупская даври деса бўлади. Бу даврда Крупская Ян Амос Коменский ғояларини совет ҳокимияти таълим-тарбия тизимига сингдириб, талайгина муваффақиятларга эришилган давр.

Иккинчи давр, урушдан кейинги давр бўлиб, у 1962 йилгача давом этган. Бу даврда Крупская яратиб кетган педагогика ўзининг такомиллигига етиб, таълим-тарбия соҳасида анча муваффақиятларга эришилган эди.

Учинчи давр, 1962—1991 йиллар орасини ўз ичига олади. Бу даврда Коменскийнинг асосий ғоялари ва дидактиканинг тамойиллари бузилиб, Крупскаянинг савий-ҳаракатлари йўққа чиқарилди. Натижада социализм жамияти инқироз сари юз тутиб, шўролар тузумини нурашга олиб келди. Бу давр турғунлик даври деб аталди.

Совет педагогикасининг таълим ва тарбия усуллари барча одамлар бир хил қобилиятга, бир хил дунёқарашга, бир хил эҳтиёжга эга деган ижтимоий ҳаёт қонунига зид «тақлид қилиш» усулига асосланган эди. Шу билан биргаликда, иқтисодий қудрати етмай турган шароитда, ўқишга ҳаммани жалб қилиш мақсадида дидактиканинг асосий принципига зид ҳолда синфдаги болалар сони 40 ва ундан оширилиб ўқитишга ҳаракат қилинди. Натижада дарсларнинг ижро бўлмаслигига, ёш авлод эса «мактабга бориб келувчилар», «битирувчилар» ва ҳеч нарсани билмайдиган кишилар тоифасига айлантира борилди. Охир-оқибатда, бундай таълим-тарбия тизимига эга мамлакат бўҳронга учраб, парчаланиб кетди. Парчаланиб кетган қизил империя ҳудудида бир қатор мустақил давлатлар пайдо бўлди. Мустақил давлатлардаги таълим-тарбия-

нинг назарий асосларини зудлик билан тузиш лозим. Бунинг учун замон ва макон талабига жавоб берувчи миллий мактаб ва унда ишлайдиган миллий педагогикани яратиш керак.

Мавзу бўйича назорат саволлари


1. Қадимги Ўрта Осиё худудида таълим-тарбия қандай амалга оширилган?
2. Қадимги Юнонистонда таълим-тарбия қандай бўлган?
3. X—XV асрларда Шарқда таълим-тарбия қандай олиб борилган?
4. Ўрта аср Фарбий Европада таълим-тарбия тизими қандай бўлган?
5. Ян Амос Коменскийнинг педагогика назариясига қўшган ҳиссаси?
6. XIX асрда Россияда таълим-тарбия?
7. Жадидлар ким ва улар нимани исташган?
8. Совет даври педагогикасига таъриф беринг.
9. Миллий педагогикани яратиш зарурияти нимада?

**ПЕДАГОГИКАНИНГ ИНСОН ВА ЖАМИЯТ
ТАРАҚҚИЁТИДАГИ ЎРНИ**

Республикамиз тараққиётининг ҳозирги босқичида жамиятимиз ҳаётининг барча жабҳаларида туб сифат ўзгаришлар амалга ошириляётгани билан белгиланмоқда. Бу улкан вазифани ҳал этиш фуқароларимиз ақлий салоҳиятини ошириб бориш билан боғлиқ ҳолда амалга оширилиши инкор қилиб бўлмайдиган ҳақиқатдир. Бу эса, таълим ва тарбияни тўғри йўлга қўйиш билан чамбарчас боғлиқ. Бунинг учун, биринчи навбатда, таълим-тарбиянинг назарий асосларини тартибга тушириб олиш талаб қилинади.

Таълим-тарбиянинг назарий асосларини тартибга тушириш учун қуйидаги саволларга жавоб топишимиз керак: 1. Инсон ўзи қандай мавжудот? 2. Инсоннинг ижтимоий моҳиятини нима ташкил этади? 3. Киши ижтимоий моҳиятини шакллантирувчи манбалар қайсилар? 4. Расмий таълим-тарбия тизими деб нимага айтилади? 5. Расмий таълим-тарбия тизимининг асосий босқичлари ва уларда иштирок этадиган элементлар тавсифи. Дарслигимиз мазмуни ушбу саволларга жавоб тарзида баён қилинган.

Навбатдаги сатрларни педагогикада кам ишланган, аммо таълим-тарбия назариясини ўрганишда ҳамда педагогик амалиётда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган педагогиканинг фалсафий жабҳаларини таҳлил қилишга бағишлаймиз. Педагогиканинг фалсафий жабҳалари деб, муайян фаолият жамиятдаги қайси глобал муаммоларни ечишга, қандай энг умумий саволларга жавоб беришга йўналтирилганлигини очиб беришликка айтилади. Бизнинг мисолда: педагогика фан сифатида ва амалиётда инсониятнинг қандай талаб ва эҳтиёжларини қондиради. Миллий таълимнинг олиб борганда нима устида ва ниманинг нимаси устида бош қотиради.



бу тадқиқотлардан кутилган пировард мақсад нималардан иборат, мақсадларнинг асосий кўрсаткичлари қандай ва бошқа бир қатор умумий характерга эга бўлган саволларга жавоб беришдир.

Педагогиканинг бутун илм-фан ва амалий фаолиятининг натижаси шу саволларнинг жавобига боғлиқ. Шунинг учун қуйида аниқланадиган билимларни механик равишда қабул қилиб, эслаб қолишдан ўзингизни тийиб, бериладиган билимларнинг моҳиятига етиб боришга ҳаракат қилинг. Моҳиятига етилган билимни тушуниш ва эслаб қолиш осон бўлади. Бунинг учун ўзингиздаги абстракт (мавҳум) тафаккурни ишга солишингиз лозим бўлади.

Умуман, фалсафа ёки маълум бир фаолиятнинг фалсафий жабҳаларини ўрганишда, оддий тафаккур етарли бўлмай, мавҳум тафаккурни ишга солиш керак бўлади. Абстракт тафаккур деб, муайян воқелик ва конкрет нарсалардан узилиб туриб, нарса ва ҳодисаларни бир бутунликда кўра олишликка айтилади. Абстракт тафаккурни ишга солганда, киши ўзини авом ҳолатдан хос ҳолатга солиши лозим бўлади. **Хос ҳолатда киши бўлаётган ҳодиса ва ундаги ўзининг ўрнини четдан туриб кузата олади.**

Ҳар бир шахс, халқ ва миллатнинг ўзига хос орзу умидлари, моддий ва маънавий бойликка бўлган талаб ва эҳтиёжлари мавжуд. Улар орасида таълим ва тарбияга бўлган эҳтиёж етакчи ўринни эгаллайди. Чунки ҳар қандай соғлом инсонда тинмай билим олиш эҳтиёжи мавжуд. Билим инсоннинг маънавий озуқаси деган гап ҳам бор. **Педагогика жамиятнинг таълим ва тарбияга бўлган эҳтиёжини қондиришга йўналтирилган илм-фан ва амалий фаолият соҳасидир.**

Инсоннинг билим даражаси ва эгаллаган билимларини маънавиятига айлантириб улгурганлик ҳолатидан муайян давлатнинг иқтисодий, маданий ва ижтимоий тараққиёти белгиланади.

Инсон биоижтимоий мавжудот сифатида. Қадимдан инсоннинг лотинча атамаси «Хомасапиенс», яъни «Ақлли жонзот» деб юритиб келинмоқда. Бир қараганда бу тушунча тўғрига ўхшайди, у маълум даражада тўғри ҳам. Аммо чуқурроқ фикр юритиб кўрганда ҳамма одамларда ақл бор, бири уни кўп ишлатса, бири жуда кам ишлатади. Юқоридаги таърифга қараганда, буларнинг барчаси ақлли жонзот бўлиб чиқмоқда. Бу адолатдан эмас, албатта. Ундан ташқари, таърифлар назариясидан келиб чиқадиган бўлсак, ҳар қандай таъриф, таърифланувчи нарсанинг энг умумий хусусиятларини ифода этгани ҳолда, уни муайян бир ўлчамга сола олиши керак. «Хомасапиенс» тушунчаси одамнинг энг асосий хусусиятини ифода этган, аммо инсонийлик даражасини, яъни бу таъриф бўйича таърифланувчи шахс қанчалик ақл юритишини ўлчаб бўлмайди.

Фикр юритиб кўрайликчи, одам ақлини юритиши натижасида унда нима содир бўлади? Киши ақлини ишлатиши натижасида билмаган нарсасини билиб олади. Демак, одам ақлий фаолият

натижасида билимга эга бўлар экан. Киши ақлини қанчалик кўп ишлатса, шунчалик билими кўпайиб бораверади. Шунга кўра, инсон ақлини қанчалик юритганлигини унинг тўплаган билимлар ҳажми билан ўлчаса бўлади, деган хулосага келсак бўлади.


Билимларнинг тури жуда кўп — диний, ахлоқий, табиий, техникавий, касбий, фалсафий, сиёсий, иқтисодий ва ҳоказо. Бу билимларнинг ҳар бирининг ҳажми ундан ҳам кўп. Одам билим турларининг ичидан хоҳлаганини ва керакли ҳажмда олиши мумкин. Бу иш кишининг фаоллигига боғлиқ. Натижада, саъй-ҳаркат қилган кишида турли-туман билимларнинг анчагина ҳажми йиғилиши, дангасалик қилиб юрган бошқа бировда эса билимлар тури ҳам, ҳажми ҳам оз бўлиши табиий. Кишидаги йиғилган билимларнинг ҳажми ва туридан қатъи назар, бу йиғиндини бир сўз билан қандай ифодаласа бўлади? деган саволга, **кишининг ақлий фаолияти натижасида тўпланган билимлар йиғиндисини унинг ижтимоий моҳияти дейилади**, деб жавоб берамиз.

Биологиядан бизга маълумки, инсоннинг биологик моҳияти мавжуд. Унга инсон танасининг ўлчамлари, қадди-қоматининг шакл-шамойиллари, терисининг ранги, юз-кўз тузилиши, қонининг иссиқлик даражаси, кимёвий таркиби ва бошқа кўплаб биологик кўрсаткичлари киради.

Демак, инсоннинг биологик кўрсаткичлари билан бир қаторда, унинг ижтимоий кўрсаткичлари, яъни уни тўплаган билимлар тури ва ҳажми ҳам бор экан. Одамни шартли думалоқ бир бутунлик қилиб олсак, умумбиологик моҳиятини горизонтал чизиқлар билан белгилаймиз («А» доира), ижтимоий моҳиятини эса вертикал чизиқлар билан («Б» доира), иккаласини бирлаштирсак тўрсимон думалоқ шакл пайдо бўлади. Бу инсоннинг интеграллашган моҳиятидир («Д» доира) (1-расм).

Ер юзида бирон-бир шу кўринишга эга маҳлуқот мавжуд эмас. Барча жонзотлар фақат горизонтал чизиқли («А» доира) кўринишга, яъни фақат биологик моҳиятга эгадирлар, холос. Инсонни интеграллашган ҳолатидаги кўринишини нима деб атасак бўлади? Бундай қўшма моҳиятга эга жонзотни «**Биоижтимоий мавжудот**» (**Биосоциум**) дейилмоқда.

Инсон ижтимоий моҳиятнинг таркиби. Фикримизни давом эттирадиган бўлсак, инсон биоижтимоий мавжудот экан, унинг ижтимоий моҳиятини нима ташкил қилади? Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, бу саволга, албатта, **билим** деб жавоб берса бўла-



1-расм.

ди. Бу билимларни инсон қандай қилиб ва қаёқдан олади, деган саволга, ақлини ишлатиб, объектив борлиқдан ёки «билимлар сандиғи» деб аталувчи турли фанлардан, китоб ва журналлардан олади, десак хато қилмаган бўламиз.

Инсон нима учун билим эгаллайди? деган навбатдаги саволга, ҳаётда қўллаш учун дейиш мумкин. Инсон билимни ҳаётда ишлатиш учун эгаллар экан, у ақлий фаолияти орқали эгаллаган билимини ҳаётда бир уринишда қўллай оладими? деган саволга, албатта, қўллай олмайди, деб жавоб бериш мумкин. Чунки, унинг вужудида янгидан эгалланган билим ёрдамида қилинадиган ҳаракатларга ҳали кўникма шаклланмаган. Янгитдан эгалланган билим асосида ҳаракат қилиш кўникмасини ҳосил қилиш учун киши иродасини ишга солиб, тарбиячи иштирокида ҳар бир ҳаракатини эгаллаган билимида кўрсатилган тартиб бўйича, маълум бир мақсад йўналишида бир неча бор такрорлаши шарт бўлади. Шунда бу билимларга унда кўникма ҳосил бўлади.

Киши эгаллаган билимларини амалиётда намоён қилишининг бир неча даражали босқичлари мавжуд.


Биринчи босқич. Одам эгаллаган билимларини амалиётда қўллаётганида ортиқча куч ва вақт сарфласа ҳамки мақсадга етса ва иш бажарилса, олинган билим кўникмага айланган деб ҳисобланади. Бу босқичда инсон тафаккурида пайдо бўлган ва тасаввури орқали ўз тасдиғини топган билим жисмоний ва ақлий ҳаракатлар орқали киши вужудига сингиб, унинг кўникмасига айланган бўлади.

Иккинчи босқич. Киши ўз билимларини ҳаётда қўллайвериши натижасида мақсадга йўналтирилган ҳаракатлари ортиқча куч ва вақт сарфламай раво амалга оширилишига малака дейилади. Бунда вужудга сингиган ҳаракатлар автоматлашган ҳолатга етиб, тафаккур фақат кишининг мақсадли ҳаракатини назорат қилиб туради, холос.

Учинчи босқич. Инсон она қорнидан бошлаб, ҳаёти давомида орттирган фойдали билимларини амалда қўллайвериши натижасида ундан ҳосил бўлган ҳаракатлар кўникма ва малака босқичларидан ўтиб, руҳига сингиган ва ҳаёт тарзида намоён бўладиган ҳаракат ҳолатини маънавият дейилалади (2-расм).

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, маънавият тушунчасига қуйидаги умумлашган таърифни берсак бўлади. Маънавият — бу кишининг эгаллаган фойдали билимлари ҳаётида синалавериб, кўникма ва малака босқичларидан ўтган ва руҳига сингиб, ҳаёт тарзида намоён этадиган ижобий-ижтимоий сифатлар мажмундир.

Эътибор беринг, инсон маънавиятига фақат фойдали билимлар орқали шаклланган ижтимоий сифатлар киради. Инсон фойдали билимлар қаторида, билиб-билмаган ҳолатда, фойдасиз ва ўзининг саломатлиғига, обрўи ва атрофдагиларга зарар этадиган билимларни ҳам эгаллаши мумкин. Бундай билимлардан ташкил



2-расм.

топган ҳаёт тарзи бемаънилик ҳисобланиб, инсон ижтимоий моҳиятини тараққий эттириш ўрнига, унда салбий-ижтимоий сифатларнинг ривожланишига асос бўлади. Бу ҳолни **ижтимоий ҳасталаниш** дейилади.

Киши ижтимоий моҳиятини шакллантирувчи манбалар. Инсон бошқа мавжудотлардан ўзининг ижтимоий моҳияти билан ажралиб туриши ва ижтимоий моҳият негизини билимлар ташкил қилиб, улар фойдали ва фойдасиз билимларга ажралишини билдик.

Фойдасиз ва киши ижтимоий ҳаётига зарарли билимларга ёлғон сўзлаш, ўғирлик, тухмат, мақтанчоқлик, зино, ғайрлик, ичкиликбозлик, нашавандлик, гиёҳвандлик, очкўзлик ва бошқа разил ижтимоий сифатлар киради. Буларнинг келиб чиқиши ҳам ижтимоий, чунки улар ҳам тафаккур маҳсули. Бундай разилликларни ҳайвон қила олмайди. Шунинг учун ҳам Алишер Навоий «Одам борки одамларнинг нақшидир, одам борки ҳайвон ундан яхшидир» деган. Улар инсон маънавиятини пасайтириб, ижтимоий ривожини тубанликка қараб тортади. **Жамият ва шахс ривожини учун фақат фойдали билим (ҳикмат)лар керак.**

Фойдали билимларни эгаллашдан мақсад, аввало, ўзига, сўнг яқин кишиларига ва бутун жамиятга наф келтиришдир. Киши муайян фойдали билимларни эгаллаб олиб, уни ҳаётида кўп маротаба ишлатиши натижасида бу билим секин-аста руҳига сингиб, маънавиятига айланиб кетади. Кўп билим эгаллаб, уларнинг ҳаммасини маънавиятига айлантириб улгурган одамни маънавияти бой инсон дейилади.

Зарарли билимларни эгаллаш ва уларни ҳаётда қўллаш жараёни ҳам худди шундай кечади. Зарарли билимларни анчагина эгаллаб, уларни ҳаётда кўп мартаба қўллаб, руҳига сингдирган одамни бемаъни одам дейилади. Бемаъни бўлгандан маънавиятли бўлган кўп мартаба афзал бўлгани учун, фақат фойдали билимларни эгаллашга киришиш лозим.

Билимнинг туридан қатъи назар, инсон уни ўз атрофидагилардан, яъни ота-онаси, ака ва опалари, қариндош-уруғи ҳамда бошқа жамият аъзоларидан ўрганиши мумкин. Шу билан бир қаторда, инсон билимларни мустақил равишда атроф-муҳитни ўрганиб, ёки китоб ва журналларни ўқиб, ёки оммавий ахборот воситалари — радио ва телевидениядан олиши ҳам мумкин. Бунинг учун ҳар бир инсон, билим эгаллаётганда бу билимдан кимга фойда-ю, кимга зарар эканини англаб етиши шарт. Билимлар уммони ичидан жамиятга зарарлисини қўйиб, фақат фойдалисини олиш керак бўлади. Бироқ ҳаётда фойдали билимни фойдасизидан ажратиш ниҳоятда қийин. Шунинг учун талабаларга бу масалани ижобий ҳал қилишда таълим-тарбия билан машғул бўлувчи мураббий ва ўқитувчилар кўмаклашади.

Инсоннинг ижтимоий моҳиятини жамият талабига жавоб берадиган тарзда шакллантирувчи асосий манба узлуксиз расмий таълим-тарбия тизими ҳисобланади.

Расмий таълим-тарбия деб, жамият эҳтиёжидан келиб чиққан ва жамиятнинг муайян эҳтиёжини қондиришга йўналтирилган ҳамда давлат томонидан ташкил қилинган ҳамда унинг моддий таъминотини кафолатлаб берувчи давлат таълим-тарбия тизимига айтилади. Муайян давлатнинг таълим-тарбия тизими, шу давлатнинг буюртмасини бажаради. Давлат буюртмаси, Давлат таълим стандартларида ўз ифодасини топган бўлади.

Расмий узлуксиз таълим-тарбия тизимининг босқичлари. Расмий таълим-тарбия боғчадан бошланади. **Мактабгача таълим босқичига** қўйиладиган талаблар тизими ҳам мавжуд бўлиб, улар жамиятнинг етук шахс сиймосига қўйилган талабларидан келиб чиқиб, мактабгача таълим стандартларида ўз ифодасини топган бўлади. Мактабгача таълим узлуксиз таълим тизимининг биринчи босқичи ҳисобланади. Мактабгача таълим жараёни мажмуида: тарбия берувчи — мураббий ва боғча мудири ҳамда тарбия олувчи боғча боласи деган элементлар қатнашадилар.

Бошланғич таълим босқичи 1—4-синфларни ўз ичига олиб, асосан, болаларга ёзиш, чизиш, тўрт амал ёрдамида ҳисоблаш ва уларни амалга оширишнинг қонун-қоидаларини ҳамда мустақил билим олишни ўргатади. Мактабгача таълим жараёнида болаларда, билим олишнинг ўрни (катлавани) тайёрланса, бошланғич таълимда киши ижтимоий моҳиятининг фундаменти (асоси) яратилади. Бошлан-

ғич таълим жараёни мажмуи: устоз деб номланувчи (ўқитувчи) ва ўқувчи деган элементларнинг ўзаро мулоқотидан иборат. Ҳаётдан ташқари бошланғич мактабда илмий мудир ва директор ҳамда махсус фанлар (чет тили, жисмоний тарбия ўқитувчиси) деган элементлар таълим-тарбия жараёнига ҳал қилувчи таъсир ўтказди.

Умумтаълим босқичи. Умумтаълим 5—9-синфларни ўз ичига олиб, асосан, дунёда мавжуд фанлардан умумий билим бериш билан шуғулланадилар. Умумтаълим мактабларида дунёда мавжуд фанлардан умумий билимларни бериш билан баробарда ёшларнинг шахс сифатида шаклланишига ҳам алоҳида эътибор берилди. Ёшларни замон талабига жавоб берадиган тарзда ахлоқий тарбиялаш билан **фан ўқитувчилари, синф раҳбари, мактаб директори, илмий ва тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосарлари** шуғулланадилар.

Махсус таълим босқичи. Ёш авлодимиз боғчада ахлоқ ва ододдан таълим олиб, ўзида билим олиш учун замин тайёрлаб олганидан кейин, бошланғич мактабда ёзиш, чизиш ва ҳисоблаш қонун-қоидаларини ҳам эгаллаб, мактабгача бўлган таълимдан олган ахлоқ ва одод билимларини чуқурлаштириб олганидан кейин, умумтаълим мактабида илгари олган ахлоқ ва одод билимларини чуқурлаштиради, шу билан бирга дунёда мавжуд фанлар асосини ўрганиб, **шахс сифатида шаклланишига замин яратади.** Умумтаълим мактабида ўқиши жараёнида бола, фанлар ичидан бир турига ўзида мойилликни намоён қилади. Бунинг учун умумтаълим мактабларида ҳамма шароитлар мавжуд. Умумтаълим мактабини битираётганда болалар фанга ёки муайян касбга бўлган мойилликлари бўйича сараланадилар ва ўқишнинг кейинги босқичини қаёқда давом эттириш тўғрисида тавсия оладилар.

Умумтаълим мактабини битирганидан кейин бола ўз мойиллигидан келиб чиқиб ё ўзи танлаган касб-ҳунар коллежига, ёки ихтисослашган академик лицейга ўқиш учун, яъни ижтимоий моҳиятини такомиллаштириш учун йўл олади. Махсус таълим босқичидаги ёшлар талаба деб номланади.

Академик лицейлар муайян фанлар (ижтимоий-гуманитар, математика, табиий фанлар ва ҳоказо) туркумидан келиб чиқиб, ёшларга шу фанлардан чуқур билим бериш билан шуғулланадилар. Ундан ташқари, академик лицейда болалар боғчада, бошланғич ва умумтаълим мактабларида олган ахлоқ-одод билимини такомиллаштириб, уни ҳаёт тарзига айлантириб улгуришлари шарт бўлади.

Академик лицейларда болаларнинг ахлоқ тарбияси билан барча фан ўқитувчилари, синф раҳбари, директор ва унинг ўринбосарлари шуғулланадилар.

Касб-ҳунар коллежлари ҳам маълум бир касблар туркумига ихтисослашган бўлиб, уларга болаларни муайян бир касбнинг мала-

кали ишчиси қилиб тайёрлаш вазифаси юклатилган. Болаларни ҳунарга касб устаси, яъни талабанинг устози ўргатса, ахлоқ нормаларига риоя қилишни синф раҳбари, коллеж директори ва унинг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари ўргатади.

Академик лицейда ҳам, касб-ҳунар коллежида ҳам болалар махсус фанлардан ва муайян касбдан олган билимларидан ташқари, жамиятда қабул қилинган ахлоқ ва одоб норма билимларини ўзларида чуқурлаштириб, уларни малака ва маънавиятига айлантириш билан шуғулланадилар.

Махсус таълим босқичини тамомлаган талаба, ўз маънавияти устида тинмай ишлаши натижасида, ё олий ўқув юртида ўқиш учун, ёки ишлаб чиқариш соҳасида меҳнат қилиш учун тайёр деб ҳисобланади.

Олий таълим босқичи. Бу босқичда ёшлар академик лицей ёки касб-ҳунар коллежларидан олган билимларини кириш имтиҳонлари орқали, яна бир мартаба синовдан ўтказадилар. Кириш имтиҳонларидан муваффақиятли ўтганлар олий ўқув юртлари талабаси мақомига эга бўладилар.

Олий ўқув юртларида талабалар, аввалги таълим-тарбиянинг барча босқичларида олган билимларини чуқурлаштириб, уни бир неча бор бойитадилар. Энг асосийси, олий ўқув юртларида талабалар мустақил билим эгаллашга ўрганадилар. Ахлоқ ва одоб бобида эса, олий ўқув юртини битирган талаба жамиятнинг илғор кишиси бўлиб, ахлоқ ва одобда барчага намуна бўлиш даражасига эришади.

Олий ўқув юртларида ассистент, катга ўқитувчи, доцент ва профессор унвонига эга кишилар дарс берадилар. Олий ўқув юртларида ҳам талабалар ахлоқи ва ўқишдаги муваффақиятларини назорат қилувчи гуруҳ мураббийси, маънавият бўйича ректор ўринбосари каби шахслар бор.

Олий таълим икки босқичдан иборат бўлиб, унинг биринчиси **бакалаврият** деб номланса, иккинчиси **магистратура**дир.

Бакалавриятни муваффақиятли битирган шахс тугалланмаган олий маълумотли мутахассис деб ҳисобланиб, ўз ихтисослиги бўйича ишлаб чиқаришда ўз касби бўйича кичик раҳбар бўлиб ишлашга тайёр ҳисобланади.

Бакалавриятда ўқиши жараёнида алоҳида иқтидорини ва муайян фанга кучли қизиқишини намоён қила олган талаба магистратурада ўқишга ҳақли деб ҳисобланади.

Магистратурани битиришда талаба мустақил равишда тадқиқотлар олиб бориб, магистрлик диссертациясини ёзади ва уни ҳимоялайди. Ҳимояни муваффақиятли ўтказганидан кейин у магистр илмий даражасига эга бўлади ва ўз соҳасида етук олий маълумотли мутахассис ҳисобланади.

Олий таълимдан кейинги ёки юқори таълим босқичи. Бу босқичда магистратурани битирган шахс аспирантурага кириш имтиҳонларини топшириб, ўқишга киради ва илмий даражаси бор олим раҳбарлигида, мустақил равишда тадқиқот олиб боради. Фан номзоди илмий тадқиқотлари устида ишлаётган мутахассис аспирант деб номланади. Тадқиқотлар натижаси юзасидан номзодлик диссертациясини ёзиб, уни Ихтисослашган илмий кенгашда ҳимоялайди. Ҳимоядан кейин бу шахс фан номзоди илмий даражасига эга бўлади.

Фан номзоди бўлиб, бир неча йил тадқиқотлар олиб бориши натижасида фанда бир катта янгилик ёки янги йўналиш ярата олган инсон докторлик диссертациясини ёзиб, уни Ихтисослашган илмий кенгашда ҳимоялайди ва фан доктори илмий даражасига эга бўлади. Докторлик диссертацияси устида тадқиқотлар олиб бориш жараёни, асосий ишдан узилган ёки узилмаган ҳолда бўлиши мумкин. Докторлик диссертациясини ёзаётган фан номзоди докторант деб номланади.

Фан номзодига эга бўлган инсон номзодлик ҳимоясидан кейин бир қатор илмий ва услубий рисоалар ёзиб, доцент унвонига даъвогар бўла олади. Фан доктори бўлган олим докторлик ҳимоясидан кейин бир неча монографик асарлар ва дарсликлар ёзган бўлса, профессор унвонига даъвогар деб ҳисобланади.

Малака ошириш босқичи. Олий ўқув юртини битирган ва ўз фаолиятини ишлаб чиқаришда ёки илмий тадқиқот йўналишида олиб бораётган мутахассис тўрт-беш йилда малакасини ошириб туриши шарт. Чунки фан бир жойда тўхтаб турмайди, унинг билим сандигига билимлар қўшилиб келаверади. Улардан беҳабар қолган мутахассис ўз малакасини йўқота боради. Замон талабига жавоб берадиган мутахассис бўлиш учун доимо билимларини янгилаб, тўлдириб туриши шарт. Малака оширишга борган мутахассислар тингловчи мақомига эга бўлиб, уларга маъруза ўқийдиган педагог, доцент ва профессорлар маърузачи деб номланадилар.

Маъруза бўйича назорат саволлари

1. Инсон қандай мавжудот?
2. Киши ижтимоий моҳиятини ташкил қилувчи унсурлар?
3. Киши ижтимоий моҳиятини шакллантирувчи манбалар?
4. Расмий таълим-тарбия деганда нима тушунилади?
5. Узлуксиз таълим-тарбия жараёнининг асосий босқичлари?
6. Олий таълим неча босқичдан иборат?
7. Олий таълимдан кейинги таълим босқичи қандай ва неча босқичдан иборат?
8. Билимли инсоннинг жамият тараққиётидаги ўрни?
9. Узлуксиз таълим-тарбия жараёнининг малака ошириш босқичи қандай вазифани бажаради?


**ПЕДАГОГИК ФАНЛАР МАЖМУИ ВА ПЕДАГОГИКАНИНГ
БОШҚА ФАНЛАР БИЛАН АЛОҚАДОРЛИГИ**

Таълим-тарбия соҳасини тадқиқ этувчи илм соҳасининг тадқиқот объекти, предмети ва мақсади. Инсон таълим-тарбияни она қорнида эканлигидан бошлаб, то қабрга киргунга қадар олиши керак. Демак, таълим-тарбия биринчидан, жараён, иккинчидан, у узлуксиз, шунинг билан бир қаторда у бир бутун. Айнан шу узлуксиз таълим-тарбия жараёнини педагогика илми ўрганadi. Шу сабабдан умумий педагогика илмининг **тадқиқот объекти** расмий узлуксиз таълим-тарбия жараёнидир (3-расм).

Умумий педагогиканиннг тадқиқот объекти расмий узлуксиз таълим-тарбия жараёни экан, унинг тадқиқот предмети нима бўлиши мумкин? Илмшунослик фани бизга ҳар қандай илмнинг тадқиқот предмети уни тадқиқот объектини бир бутун қилиб турувчи қисмлари орасидаги алоқадорликлари бўлади, деб ўргатади.

Шу қоидадан келиб чиқиб фикр юритадиган бўлсак, умумий педагогика илмининг **тадқиқот предмети** педагогик жараёнини бир бутун қилиб турувчи асосий элементлари бўлган таълим берувчининг ўқув дастур ва дарслик, ўқитишнинг усул ва услублари ҳамда ўқитишнинг техник воситалари ёрдамида таълим олувчи, яъни ўқувчи ва талабалар билан билим бериш ҳамда билим олиш майлида кечадиган муносабатлардир. Улар *педагогик муносабатлар* дейилади (4-расм).

Умумий педагогиканиннг тадқиқот объекти



3-расм. Расмий Узлуксиз таълим-тарбия жараёни.

Умумий педагогика илмининг тадқиқот предмети



4-расм. Дарснинг бир бутунлиги.

Педагог ва талаба орасида кечадиган педагогик муносабатларни тадқиқ қилувчи илм-фанни алоҳида ном билан *дидактика* дейилади. Дидактикага дарслигимизнинг кейинги саҳифаларида батафсилроқ тўхталамиз.

Педагогиканинг таълим берувчилар ва таълим олувчилар орасидаги муносабатларни тадқиқ қилишдан ягона мақсад, бундай муносабатларнинг кечиш қонуниятларини аниқлашдир. Педагогик муносабатларнинг кечиш қонуниятларини билгандан кейин, бу қонуниятлардан келиб чиқиб, дарс бериш усул ва услублари яратилади. Педагогиканинг бу томонини эса унинг методика (услубият) деган тармоғи тадқиқ қилади. Умумпедагогик усул ва услубларни муайян фанга мослаштириб, унинг таълим ва тарбия бериш хусусий усулларини яратувчи яна фан тармоқлари мавжуд. Натижада педагогика фанларининг мажмуи пайдо бўлган. Бу масалага кейин батафсил тўхталамиз.

Педагогика ўз тадқиқотларини олиб бориш жараёнида қуйидаги анъанавий тадқиқот усуллари ҳисобланувчи — тарихий ва илмий адабиётларни таҳлил қилиш; ўқув-услубий ҳужжатларни ўрганиш; фанлардан билим бериш амалиётини кузатиш; педагогик тажрибалар олиб бориб, уларнинг яқинини синтезлаш; мақсадли суҳбат; қиёсий тасниф; таққослаш; статик ва бошқа усуллардан фойдаланади. Шу билан биргаликда, педагогика тадқиқотнинг нисбатан янги ҳисобланувчи — мажму ёндашув; моделлаштириш, шу жумладан, математик моделлаштириш; графоаналитик; социологик тадқиқот усуллари ва бошқалардан унумли фойдаланади.

Энди илм-фанда нисбатан янги бўлган мажму ёндашув усули билан азиз талабаларни таништириб чиқамиз.

Йигирманчи аср ўрталарига келиб объектив борлиқ тўғрисидаги маълумотлар шу даражада ортиб кетдики, аср бошида гўёки, шаклланиб битган, деб ҳисобланган фан тармоқлари тараққий этиши натижасида уларнинг турлари қарийб ўн баравар кўпайди. Ўрганиш объекти ва тадқиқот усуллари жиҳатидан, уларнинг фанлараро интегратив турлари вужудга кела бошлади. Билим ҳажми, тури ва сифати ортиб бораверди. Бу билимларни кенг оммага етказиш ва уларнинг тафаккурига сингдириб, хотираларида сақлаб қолишлари учун дунёни бошқача тушуниш тартиби пайдо бўла бошлади. Объектив борлиқни чексиз кўп, содда ва мураккаб, катта ва кичик, жонли ва жонсиз, тикланувчи ва тикланмайдиган, бир томонга йўналтирилган ҳамда кўп томонли ва ҳоказо хусусиятларга эга бўлган мажмулар сифатида идрок қилиш шу тараққиёт маҳсулидир. Нарса ва ҳодисаларга мажму сифатида ёндашиш ривожлана бориб, қисқа муддат ичида ўзининг хусусий қонуниятларига, атама ва тушунчаларига эга бўла бошлади. Натижада мажмулар назарияси вужудга келди. Мажмулар назарияси жуда ҳам тараққий этган назария бўлиб, ўз қонуниятларига, категория аппаратига ва уларни оммага етказувчи махсус журнал ва илмий нашрига эга. Мажмулар назариясини яхши эгаллаган инсон махсус фикр юритиш услубига эга бўлади.

Мажмулар назариясига тўлиқ асосланувчи олий математиканинг бўлими, кибернетика, космонавтика, робототехника каби илм-фан тармоқлари мавжуд.

Мажмулар назариясидан дунёни англаш усули сифатида фойдаланувчи фанлар кундан-кунга ортиб бормоқда. Бугун муайян фаннинг тараққий этганлик даражаси ва ҳар бир олимнинг етуклиги улар мажмулар назариясидан нақадар унумли фойдаланганлиги билан белгиланмоқда. Мажмулар назарияси педагогикага XX асрнинг 70-йилларида кириб келиб, педагогик технология бу жараённинг маҳсулидир.

«Мажмулар назарияси» (теория систем), «Мажмули ёндашув» (системный подход) ва уларга тегишли бўлган тушунчалар Ўзбе-

кистонга нисбатан яқинда кириб келди. Бу тушунчалар Ўзбекис-тон олимлари томонидан турлича талқин қилиниб, илмий жамоатчилик орасида «мажмуали ёндашув», «тизимли ёндашув» ва «мажму ёндашув» каби атамалар билан қўлланиб келинмоқда. Илмдаги ғоят мураккаб ушбу ижтимоий воқеликни бу тушунчаларнинг ҳаммаси ҳам тўла ифода этмайди.

«Мажмуалар назарияси» ва «Мажмуали ёндашув» деган сўз бирикмаларидаги «Мажмуа» тушунчаси биз ўрганаётган воқеликни мутлақо ифода этмайди. Чунки «мажмуа» (эътибор беринг, «мажму» сўзидан «а» ҳарфи билан фарқланади) сўзи русчадан «комплекс» деган тушунчани билдиради. Бундай ёндашув ҳам аслида мавжуд. Унда баъзи бир хусусият ва жиҳатлари, масалан, ёши, ранги, шакли, товуши ва ҳоказолар ўхшашлигига қараб бирлаштирилган нарса ва ҳодисалар йиғиндисига айтилади.

«Тизимли ёндашув» деган тушунча, мажму (система)ни классик ёки арифметик талқинни ифодалайди. Ҳолбуки, мажмудар назарияси (яъни, теория систем)да «тизим» тушунчаси тизимли мажму (яъни, «линейная система») мазмунини бериб, мажмунинг минг туридан бир турини ифодалайди холос. «Мажму» деб, ўзаро функционал алоқадорликда бўлиб, бир бутунликни ташкил қилувчи қисмлар бирикмасига айтилади. «Функционал алоқадорликда бўлган» деб, мажмуни ташкил қилувчи қисмларнинг тадрижий ривожини натижасида уларнинг ички заруриятидан келиб чиққан боғлиқликларга айтилади.

Ҳар қандай мажму икки ва ундан ортиқ қисмлардан ташкил топган бўлиб, айна вақтда, ўзи ҳам ўзидан юқори поғонадаги мажмуга қисм бўлиб киради. Унинг қисмлари ҳам бир поғона пастдаги мажмулар ҳисобланиб, улар ҳам бир неча қисмлардан иборат бўладилар. Бу ҳодиса чекли бўлиши ва чексиз давом этиши мумкин.

Масалан: одамнинг кўзи бир бутун нарса — мажму. У кўз олмаси, гавҳари, киприклар, қовоқ ва ҳоказо бир неча қисмлардан ташкил топган. Кўз олмаси ёки киприги, ўз навбатида, мажму бўлиб, бир неча қисмлардан ташкил топади. Кўзнинг ўзи мустақил мажму бўла туриб, ўзидан бир поғона юқори турган юз деган мажмуга қисм бўлиб киради ва ҳоказо. Ёки автомашинанинг филдирагини олиб кўрсак, у бир бутун нарса — мажму бўлиб, ўзаро функционал боғлиқ бўлган бир неча қисмлардан иборат, шу билан бирга ўзи машинанинг бир бўлаги, қисми ҳисобланади. Ижтимоий ҳодисалардан мисол келтирадиган бўлсак, «тўй» деган мажму бир бутунликни ташкил қилиши билан бирга, бир неча — тўй тараддуди, тўйнинг боши, авжи ва охири деган ўзаро функционал боғлиқ қисмлардан иборат. Бу қисмларнинг ҳар бири мажму ҳисобланиб, ўз навбатида, бир неча қисмлардан ташкил топади. Шу билан бир-

галикда тўйнинг ўзи миллий урф-одатлар ва анъаналар деган ижтимоий ҳодисанинг бир қисмидир ва ҳоказо. Ер юзи ҳамда Қоинотдаги барча нарса, электрондан тортиб, самодаги Сомон йўлигача ҳамда бутун ҳодисалар, оддий кайфиятингиздан тортиб, жаҳон урушигача мажму сифатида ёндашиш лозим. Шунинг ичига, аввал кузатганимиздек, таълим-тарбия жараёни ҳам киради. Юқорида қайд қилинганидек, мажмуни ташкил қилувчи қисмлар деб, фақат ўзаро узвий, яъни функционал алоқадорликда бўлган қисмларга айтилади. Чунки нарса ва ҳодисаларда функционал алоқадор бўлмаган боғлиқликлар ҳам жуда кўп. Илмнинг вазифаси ана шу функционал алоқадорликларни бошқа турдаги боғлиқликлардан ажратиб беришдан иборат. Функционал алоқадорликлар нарса ва ҳодисанинг тадрижий ривожининг ички заруриятдан келиб чиқиб, мажмуни ташкил қилувчи қисмларидан бирининг хусусияти ўзгарса, бошқа қисмларининг ҳам хусусияти ўзгаришга учрайди. Буни *функционал алоқадорлик* дейилади. Мажмулар замон ва маконда мавжуд бўлиб, вақт ўтиши билан мажмунинг баъзи бир хусусиятлари ҳам ўзгаради. Мажмуларнинг ҳар бири фақат ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, бир-биридан шу хусусиятлар йиғиндиси билан ажралиб туради. Мажмунинг хусусияти фақат мажмулар билан алоқаларда намоён бўлади. Алоқадорлик деб, мажму хусусиятини пайдо қилувчи узвийликка айтилади. Боғлиқлилик эса фақат уларнинг намоён бўлишидир. Ҳар қандай боғлиқлик замирида алоқадорлик ётавермайди. Янги хусусиятни яратувчи алоқадорлик *функция* дейилади. Нарса ва ҳодисаларнинг функцияга бўлган нисбати функция намоён бўлишининг асоси, мажмунинг ажралмас қисмидир. Функциялар орқали мажмулар ҳолати аниқланади. Мажму ҳолатининг кетма-кет намоён бўлиши *жараён* дейилади. Мажму, уни ташкил қилувчи қисмлар, фақат ўз поғонасидаги мажмулар орасидаги алоқадорликларда намоён бўлади.

Бир мажмунинг ташкил қилувчи қисмларнинг биронтаси ўз поғонасидаги мажму қисмлари билан баробар бошқа поғонадаги мажму қисмлари билан алоқадорликда бўлса, у бир вақтнинг ўзида бошқа мажмуни ташкил қилишда иштирок этган бўлади. Чунки ҳар қандай мажму асосини алоқадорлик ташкил қилади деб айтилди. Алоқадорликлар нарса ва ҳодисаларнинг табиий тадрижидан келиб чиқиб, киши ихтиёридан ташқарида мавжуддир.

Субъектив, яъни инсон хоҳиш-истагидан келиб чиққан ва киши тасаввурида намоён бўладиган сунъий алоқадорликлар ҳам мавжуд. Бундай алоқадорликлар *антропоген алоқадорликлар* дейилади. Бундай алоқадорликка асосланиб шаклланган мажму ҳам сунъий бўлади.

Сунъий алоқадорликлар объектив қонуниятлардан келиб чиқиб, қисмлар тадрижини ички заруриятдан пайдо қилинган бўлса, улар

амалиётда ҳақиқийга айланади. Ҳар қандай оддий машина ва иморатдан тортиб, мураккаб ҳаракатларни бажарувчи робот ва космик кемалар бунга мисол бўла олади. Аксинча, сунъий алоқадорликлар ва улар асосида шакллантирилган нарса ва ҳодисалар объектив қонуниятларга зид ҳолда яратилган бўлса, улар амалиётда ўз тасдиғини топа олмай, инсон тафаккурида хаёлий нарса ёки ҳодиса бўлиб қолаверади. Уни мажбурий равишда амалга оширилса, у муваффақиятсизликка учрайди. Бунга битгандан кейин қулаб тушган иншоот ҳамда хаёлий ғояларга асосланиб қурилган ва кейин инкирозга учраган коммунизм жамияти мисол бўла олади.

Мажмулар ўз асосларига, функционал алоқадорликлар проекцияси шаклига кўра қуйидаги гуруҳларга ажралади: **тартибли ва тартибсиз**. Масалан, муайян дарахт баргининг тузилиши ёки арифметик рақамлар тартиби, баргларнинг дарахт шохларига жойлалиши тартибсиз; **тезликка эга ва суст** — мисол учун жонли нарсалар тезликка эга, тоғу тош суст мажмуларда; **икки қарама-қарши ва кўп томонлама** — масалан, дарё икки қарама-қарши томонли, кўл эса кўп томонлама мажму; **нуқтавий ва тизимли** — бир ҳужайрали микроорганизмлар нуқтавийга, йўл, рақамлар тартиби тизимликка мисол бўлади; **тикланувчи ва тикланмайдиган** мажмулар: доим аввалги ҳолига қайтиб келадиган — кеча-кундуз, фасллар ва ҳоказо тикланувчи; вақт, умр эса тикланмайдиган мажмуларга мисол бўла олади; **оддий ва мураккаб** — водород, кислород, тоза сув, соф темир, соф олтин оддий; жинслар, эритмалар, қотишма, полимер ва жонзотлар мураккабларига киради; **марказлашган ва марказлашмаган** — агар мажму қисмлари орасидаги боғлиқлик векторларининг ҳаммаси бир асосий қисмда кесишса, ундай мажмулар марказлашган бўлади. Мисол учун Шарқда оилада ҳамма ишлар ота билан боғлиқ, у билан барча оила аъзолари боғлиқликда. Ёки дарс деган мажмуни мисол қилиб оладиган бўлсак, у ўқитувчи, ўқувчи, дастур, дарслик ва дидактик материаллар, ўқитишнинг усул ва услублари ва ўқитишнинг техник воситалари, деган қисмлардан иборат. Улар ўзаро боғлиқликда бўла туриб, барча алоқалар ўқувчи деган қисмда кесишади, ўқувчи-талаба мажмуни марказида. Шунинг учун бу мажму марказлашган. Мажмудаги қисмлар тенг ҳуқуққа эга бўлиб, бир-бири билан бошқа қисм орқали эмас, тўғридан-тўғри боғлиқликда бўлса, марказлашмаган мажму бўлади, мисол учун, дўстлар давраси. Бир ва кўп поғонали қамиш, жўхори пояси, қаватли уйлар, давлат қурилмаси кўп поғонали мажму, оила бир поғонали ва ҳоказо.

Яна мажмуларни ҳолатига қараб қуйидаги гуруҳларга ажратса бўлади: **бирламчи** мажмулар муайян хусусиятларга азалдан эга бўлганда; **иккиламчи** мажму бўлиб шаклландан кейин муайян хусусиятга эга бўлганда; **тугалланган ва тугалланмаган** мажмулар —

туғаллангани ўзига янги қисмлар қўшилишига йўл қўймайди, туғалланмагани бунга йўл қўяди; **иммонент ва иммонентсиз** мажмулар — биринчи тури ўзини ташкил қилувчи қисмлар билан узвий алоқадорликда, иккинчиси шу билан баробар бошқа мажмулар қисмлари билан ҳам алоқадорликда бўлишга йўл қўяди; **минимал** мажмулар ҳам бўлади, улар ўзини ташкил қилувчи қисмларнинг биронтаси йўқ бўлганда ўзи ҳам йўқ бўлиб кетади; **турғун ва турғун бўлмаган** мажмулар — тузилишига ўзгаришлар киритилганда ўзгармайдиган мажмулар турғун, ўзгариш киритилганда ўзгариб кетадиганлари турғун бўлмаган ҳисобланади; **гомоген** мажмулар деб, бир хил хусусиятли қисмлардан иборат мажмуларга айтилади; **гетероге** мажму деб, ҳар турли хусусиятларга эга қисмлардан иборат мажмуларга айтилади; **қайтарилиб турувчи** ва **қайтарилмайдиган** турлари ҳам мавжуд, уларнинг биринчиси — мажму бир қонуният асосида ўзгариб, яна аввалги ҳолатига қайтиб келиб туради, иккинчиси — тинмай ўзгариб, аввалги ҳолатига ҳеч қайтиб келмайди; **қадрли ва қадрсиз** мажмулар, биринчисининг ташкил қилувчи қисмларини ҳар бирининг бошқа қисмлар билан алоқадорлиги иккитадан ошмайди, иккинчи туриники ошади; **чала ва тўлиқ** — чала мажмуда алоқадорликда турган объектлар билан уларнинг ҳамма хусусиятлари ўзаро алоқалар ўрнатмаган бўлади; **тўлиқ** мажмуда унинг акси — алоқадорликда бўлган қисмларнинг ҳамма хусусиятлари орасида узвий алоқалар ўрнатилган бўлади; **вариатив** мажмулар деб, алоқадорлик фақат муайян мажмуни ташкил қилувчи қисмлар орасида мавжуд бўлмай, бошқа мажмулар қисмлари билан ҳам узвий алоқалар ўрнатишга йўл қўйилган мажмуларга айтилади; **вариативсиз** деб, бошқа мажмуларнинг қисмлари билан алоқадорликка йўл қўймайдиган мажмуларга айтилади. Кўриб турганимиздек, мажмулар назарияси анча мураккаб ва яхши тараққий этган назарий билимлар мажмуи. Бу ерда биз, фақат мажмуни энг умумий белгиларига қараб гуруҳлаштирдик, холос. Бу бизнинг мақсадга, яъни ўқув жараёнини ифода этишга мос келади. Космонавтика, кибернетика, астрономияда мажмулар назарияси жуда мураккаб тус олган. Мажмулар назариясидан умумий тушунчангиз бўлиши учун ундан бир шингил билим берилди, холос.

Ҳар бир ишда мажмулар назариясидан келиб чиқиш, биринчидан, ишни бир неча ўн баробар осонлаштиради ва тезлаштиради. Баъзи мураккаб ишларда, масалан — кибернетика ва космонавтика мажмулар назариясини эгалламай туриб, ўша ишни бажариб ҳам бўлмайди; иккинчидан, улар ҳар қандай фаолиятни тўғри амалга ошириш гарови бўлиб хизмат қилади; учинчидан, муайян нарса ва ҳодисани бошқаларга тушунтиришни осонлаштиради ҳамда берилган билимни тез ва тўғри ўзлаштириб олишга хизмат қилади. Чунки инсон онги ва тафаккури мажмулар назарияси қонуниятларига мос равишда шаклланган. Бироқ нотўғри билим бериш ва тарбия нати-

жасида объектив борлиқни мажму сифатида кўришни унутиб юборганмиз. Мажму ёндашув қонун-қоидалари инсон учун янги эмас, уни билиб олиш аслиятга, яъни тўғри фикрлашга қайтиш демакдир.

Ҳар қандай ишда мажмулар назариясидан келиб чиқиб ҳаракат қилишни мажмули ёндашув тамойили дейилади.

Ўқув жараёнига мажму сифатида ёндашадиган бўлсақ, у ўзининг асосига кўра (проекция шаклига) тартибли, чунки у аввалдан режалаштирилади, дарсни ташкил қилувчи қисмларининг аниқ жойлари мавжуд; икки қарама-қарши томонга эга — таълим берувчи ва таълим олувчи; тезликка эга — у доимо ривожланиб, такомиллашиб, ўзгариб туради; чизиқли — аниқ мақсадга йўналтирилган; тикланувчи — муайян дарсни истаган вақтда қайтариб ўтса бўлади; мураккаб — иккитадан органик қисмлардан иборат; гетероген — ҳар турли хусусиятга эга қисмлардан иборат; марказлашган — барча қисмларининг вектор чизиқлари ўқувчи деган қисмда кесишади; кўп поғонали — дарс боши, авжи ва хулоса деган поғонали модуллардан иборат.


Уни ҳолатига қараб қуйидагича тавсифласа бўлади: ўқув жараёни иккиламчи, тугалланмаган, иммонентсиз, турғун, кучли, гетероген, қайтарилиб турувчи, қадрсиз, тўлиқ ва вариатив мажмудир. Энди педагогика фанлар мажмуи масаласига қайтиб келамиз.

Педагогика фанлар мажмуи. Педагогика туркумига кирувчи барча фанларни 4 йирик гуруҳга ажратиб ўрганиш мақсадга мувофиқ. Булар: барча педагогикага оид фанларга асос бўлган гуруҳ — педагогика тарихи ва назарияси. Бу гуруҳга педагогика тарихи, дидактика ва умумий педагогика киради.

Умумий педагогика гуруҳи — узлуксиз таълим жараёнининг ҳар бир босқичидаги педагогик жараённинг ўзига хослигини асослаб берувчи — оила педагогикаси, мактабгача тарбия педагогикаси, мактаб педагогикаси, касб-ҳунар таълими педагогикаси, олий таълим педагогикаси ва катталар педагогикаси деган тармоқларга бўлинган. Ундан ташқари, сезги аъзоларининг бирон-бир тури ишламайдиган кишиларга билим беришнинг ўзига хос томонларини ўрганувчи махсус педагогика гуруҳига — сурдопедагогика, тифлопедагогика ва олигафренопедагогикалар киради.

Бутун педагогик жараёни амалга ошириш йўл-йўриқларини кўрсатиб берувчи услубият (методика) фани ҳам, ўз навбатида, мактабгача таълим услубияти, умумтаълим услубияти, ҳунар таълими услубияти, махсус таълим услубияти, олий таълим услубияти ва малака ошириш услубияти, деган тармоқлардан иборат. Бу педагогик фанлар ўзаро узвий боғлиқ бўлиб, бири бирини тақозо этади, бири бирини тўлдирадилар (5-расм).

Педагогика тарихи ва назарий асосини ташкил қилувчи биринчи гуруҳнинг учта педагогик фан тармоқларига умумий тас-



5-расм. Педагогик фанлар мажмуи.

ниф берадиган бўлсак, буларнинг учаласи бошқа педагогик фан тармоқларига асос бўлиб, ўзаро узвий боғлиқдирлар.

Дидактика ва умумий педагогикада ишлаб чиқилган асосий принциплар, қоидалар ва махсус тушунчалар мактаб ҳамда махсус педагогика гуруҳларидаги педагогик фан тармоқлари, дидактика принциплари ва умумий педагогикадаги қонун-қоидаларни, таълим-тарбия беришнинг ўзига хослигидан келиб чиқиб ўзгартирадилар ва ўз соҳасига мослаштирадилар.

Педагогик фан тармоқлари тўрт йирик гуруҳининг бири услубиятни оладиган бўлсак, у ҳам махсус ва таълим босқичларидаги педагогикалар каби, таълимнинг ўзига хос туридан келиб чиққан ҳолда, дидактика принциплари ва умумий педагогикадаги қонун-қоидаларни ўз соҳасига мослаштиради ва соҳа услубиятини яратади.

Педагогиканинг бошқа фанлар билан муносабатлари. Педагогика фанлари туркумидан ташкил топган педагогика фанлар мажмуи, аввалом бор, **фалсафа** билан чамбарчас боғлиқ. Фалсафа барча педагогик фанларнинг методологик асосини ташкил этибгина қолмай, таълим-тарбиянинг мақсади, киши дунёқарашининг шаклланиши, комил инсон сиймоси ва шу каби умумий масалаларни педагогикага ечиб беради.

Педагогика бола тарбиясида унинг ёш, индивидуал ва ҳудудий хусусиятларини ҳисобга олади. Шу боис у **психология, социология** ва **социал география** билан узвий алоқада иш олиб боради.

Таълим-тарбия жараёнида педагог ўқувчи ва талабаларнинг диний эътиқодини, сиёсий қарашларини, миллий хусусиятларини ҳам ҳисобга олиши керак. Ундан ташқари, болаларнинг ҳар турли диний оқимларга, айниқса, диний эстремистик оқимларига кириб кетмаслиги учун педагогика диншунослик билан ҳам узвий боғлиқ.

Инсон биологик эволюциянинг маҳсули бўлганлиги туфайли ва тарбияланувчининг биологик хусусиятларини билиш зарурияти педагогикани **одам анатомияси ва физиологияси** деган фанлар билан боғлайди.

Педагогика **тарих, этнография** ва **этнопедагогика** билан ҳам узвий боғлиқ.

Кейинги вақтларда педагогиканинг **кибернетика** билан боғланиши кўзга ташланмоқда. Бу ҳолни кибернетиканинг умумий ғояларидан таълим-тарбияда фойдаланиш тажрибаларини педагогик технология мисолида кўриш мумкин (6-расм).



6-расм. Педагогиканинг бошқа фанлар билан алоқадорлиги.

Маъзу бўйича назорат саволлари

1. Инсоннинг ҳозирги замондаги илмий атамаси қандай?
2. Инсон ижтимоий моҳиятини нима ташкил қилади?
3. Инсон ижтимоий моҳиятининг шаклланишига таъсир этувчи омиллар тизимини кўрсатинг.
4. Узлуксиз расмий таълим-тарбия деб қандай таълим-тарбияга айтилади?
5. Расмий узлуксиз таълим-тарбия тизимининг босқичлари ва уларда иштирок этадиган қисмларининг номлари?
6. Педагогиканинг тадқиқот объекти, предмети ва мақсади?
7. Педагогик фанлар мажмуи ва уларни бошқа фанлар билан муносабатларини кўрсатиб беринг.
8. Педагогиканинг фалсафа билан қандай алоқадорлиги бор?
9. Педагогиканинг одам анатомияси ва физиологияси билан алоқадорлигини кўрсатиб беринг.

ПЕДАГОГИКАНИНГ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

Инсон ақлини нақадар ишлатганлигининг белгиси, унинг эгаллаган билимининг ҳажми билан аниқланади, деб юқорида айтилди. Киши қанча ақлини кўп ишлатса, билими шунча кўп ва ижтимоий моҳияти юқори бўлади. Ундан ташқари инсон бошқа маҳлуқотлардан кўпгина иккиламчи хусусиятлари билан ҳам ажралиб туради. Инсоннинг бошқа мавжудотлардан иккиламчи фарқларидан бири, унинг маълум бир мақсад сари ҳаракат қилишидадир. Киши мақсадга етишиш жараёнида бир қатор табиий ва сунъий тўсиқларни босиб ўтади. Бу тўсиқларни бартараф қилиш учун у бир қанча тadbир ва чораларни қўллайди. **Мақсадга етишишда муайян тўсиқни енгиб ўтиш учун қўлланиладиган тadbир-чоралар мажмуи усул (русча — метод) дейилади.** Мақсадга етишишда, киши бир неча, гоҳо ўнлаб, юзлаб тўсиқларни енгишига тўғри келади. Бу тўсиқларни енгиш учун тегишли усулларни маълум бир тартибда қўллайди. **Мақсадга етишишдаги қўлланиладиган усуллар тизимини услуб ёки йўл (русча — методика) дейилади.**

Усулларнинг маълум бир тартибда қўлланиш жараёнида ҳар бир ҳаракат мақоми кишининг олдига қўйилган мақсад кўрсаткичлари ҳамда ўша жараёнда ҳукм сурувчи қонуниятлардан келиб чиқиб, амалга оширилади. **Киши мақсад сари қилган ҳаракатида унга таъмоил бўлиб хизмат қиладиган мақсад кўрсаткичлари билан шу ҳаракат давомида амал қилиши шарт бўлган қонуниятлар мажмуига методологик асос дейилади.** Масалан: фароз қилайлик, сиз ўзингизга кўйлак тикиб кийишни мақсад қилиб қўйдингиз. Бунинг учун, аввал матони харид қиласиз бу мақсадга етишнинг биринчи усули, сўнг уни бичиб, тикиш, дазмоллаш ва кийиш деган усулларни қўллашингиз керак бўлади. Бу усуллар маълум бир кетма-кетликда, яъни маълум бир йўл, услуб, яъни методика орқали амалга оши-

рилади. Аммо услубнинг усуллари ичидаги тadbирларни бажаришда, сиз ҳар бир ҳаракат мақомингизни кўйлакнинг фасонидан, ўлчамларидан ҳамда тикувчиликда мавжуд қонун-қоидаларга бўйсунган ҳолда амалга оширасиз. Буни *ҳаракат методологиясига бўйсунishi* дейилади. Бундай мисолларни кўплаб келтиришимиз мумкин. Аммо ҳаммасида ҳам усуллар, усуллар тизими — услуб қўлланилиб, унинг методологияси бўлади. Методологиянинг **энг умумий, умумий** ва **хусусий** деган турлари мавжуд.

Одамлар фаолият кўрсатиш жараёнида энг умумий, умумий ва хусусий методологиялардан бирдай келиб чиққан ҳолда ўз ишларини амалга оширадilar, акс ҳолда ҳаракатлари зое кетиши мумкин.

Одам туғилиши билан ўзида ижтимоий сифатларни шакллантира бошлайди. Бу сифатлар шахсий характер, мижоз, ҳиссиёт, диққат, идрок ва хотира таъсиридан ўтиб, шахсий сифат тусини ола бошлайди. Инсон секин-аста шахс деган мақомга эга бўлади. Шахслар эгаллаган билимлари ҳажми ва одамлар тақдирини ўзгартира олиш доирасига қараб оддий, кучли ва буюк шахслар тоифасига бўлинадилар.

Шахснинг камолотга эришиш жараёни мураккаб бўлиб, у кишининг ирсий бирикларидagi дастури (тақдири азал), шахсий шижоати ва ташқи табиий ва ижтимоий муҳит ҳамда мақсадга йўналтирилган таълим-тарбия жараёнлари таъсири остида кечади.

Инсон биоижтимоий мавжудот сифатида ижтимоий ривожланиши давомида сифат ўзгаришларига дуч келиб, биологик тур вакилидан шахс даражасигача кўтарилади. Бунда ижтимоий ривожланишни ҳаракатга келтирувчи куч ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Инсон ижтимоий ривожланишини ҳаракатга келтирувчи куч деб, киши эҳтиёжлари таъсирида юз берадиган объектив омилларни, одамларнинг оддий, биологик ва жисмоний (моддий) эҳтиёжларидан бошлаб, олий (маънавий ва руҳий) эҳтиёжларига қадар бўлган эҳтиёжлар мажмуи ҳамда уларни қондириш имкониятлари орасидаги муносабатларга айтилади.

Эҳтиёжлар у ёки бу фаолиятнинг сабабларини вужудга келтиради. Ўзининг эҳтиёжларини қондириш учун киши восита ва манбалар қидиради. Эҳтиёжни қондириш имкониятлари мавжуд бўлганда, киши ўзини бахтиёр ҳис этади. Акс ҳолда, ўзини бахтсиз деб билиб, унда ҳаракатлантирувчи куч пайдо бўлади.

Агар одамнинг ахлоқий тарбияси тўғри бўлса, у ижтимоий ривожланади. Ахлоқий тарбияси носоз одамнинг ижтимоий сифатлари нурай бошлайди ва ижтимоий иллат (ўғрилиқ, нашавандлик, ёлғон сўз, фирибгарлик ва ҳоказо) ларга дучор бўлади. Ахлоқий тарбияси яхши одам эҳтиёжини қондиришнинг тўғри йўлларини излайди ҳамда одамлар билан мулоқотда бўлиб, яхши ижтимоий сифатлари такомиллашиб боради.

Бундай ўзаро таъсирлардан пайдо бўлган кучдан самарали фойдаланиш учун йўналтирилган тарбиявий таъсирнинг муваффақиятли бўлиши етакчи ўринни эгаллайди.

Ёшларни ҳаётга тайёрлаш учун мутасадди кишилар (шулар жумласига ўқитувчилар ҳам киради) балоғатга етмаганлар дунёқарашини шакллантиришда жамият олдида масъул ҳисобланадилар.

Ҳар қандай жамият аъзоларининг энг умумий мақсади бўлади деб юқорида қайд қилиб ўтган эдик. Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг энг асосий мақсади ҳуқуқли ва демократик давлат қуриш ҳамда адолатли ва фуқаролар жамиятини шакллантиришдир. Бундай давлат ва жамиятнинг кўрсаткичлари мажмуи бўлади. Уни *миллий мафкура* дейилади. **Миллий мафкура мамлакатнинг барча фуқароларининг ҳаракатига энг умумий методологик асоснинг биринчи қисми бўлиб хизмат қилади.**

Шу билан биргаликда ҳар қандай ижтимоий гуруҳларнинг ўзига хос мақсадлари ҳам мавжуд. Бу мақсад кўрсаткичлари шу соҳада фаолият кўрсатаётганларга **умумий методологик асоснинг биринчи қисмини ташкил қилади.**

Ҳар бир шахсда турли ижтимоий сифатлар ва шунга яраша эҳтиёжлар тизими бўлганлиги сабабли одамларнинг шахсий мақсадлар йиғиндиси ҳам турличадир. Улар шу шахснинг ҳаракати учун **хусусий методологик асоснинг биринчи қисми ролини ўйнайди.**

Мақсадга йўналтирилган таълим-тарбияни амалга оширишда жамият олдида қўйилган олий мақсад методологик асос вазифасини ўтар экан, жамиятнинг кўпчилик аъзолари ўзаро мақсад қилиб олган ва эришиши шарт бўлган маълум ғоялар мажмуига *Олий мақсад* дейилади. Ҳар қандай миллатда Олий мақсаднинг асосий кўрсаткичлари бўлади.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, бутун тарихий тараққиёт даврини, халқимизга мансуб ва ажодларимиз томонидан эъзозланган миллий ғояларни, шунингдек, ҳозирги ривожланган мамлакатлар қадриятларини ўрганиб, истиқболга мўлжалланган миллий Олий мақсад ва мафкурани ишлаб чиқди.

Мақсадимиз Ўзбекистон ҳудудида ҳуқуқий ва демократик тамойилларга асосланган буюк давлат қуриш ҳамда эркин ва фаровон фуқаролик жамиятини барпо қилишдир. Бу Олий мақсаднинг ҳар бирининг аниқ кўрсаткичлари бўлиб, уларнинг йиғиндиси миллий мафкурани ташкил қилади. Миллий мафкура, аввал айтганимиздек, Ўзбекистондаги барча фуқаролар ҳаракати методологик асосининг биринчи қисмини ташкил қилади.

Бугунги кунда бутун дунёда Арасту ва Форобий айтиб кетган ва Гегель томонидан ривожлантирилиб, фалсафанинг энг умумий

қонуни сифатида эълон қилинган диалектиканинг уч асосий қонуни тан олиниб, ўзининг ҳаракат жараёнига, энг умумий методологик асоснинг иккинчи қисми сифатида қабул қилганлар.

Аслида диалектика ривожланиш маъносини билдиради, бутун борлиқ — табиат, жамият ва онг тинмай ҳаракат жараёнида бўлиб, бир турдан иккинчи бир турга ўтиб туради.

Бундай ривожланишни ҳаракатга келтирувчи куч қайқдан пайдо бўлади? деган табиий савол туғилади. Гегель бу куч қарама-қарши томонлар бирлиги ва қурашидан пайдо бўлади, деди ва уни *диалектиканинг асосий қонуни* деб номлади.

Дарвоқе, бутун борлиқ, аввал қайд қилиб ўтганимиздек, чексиз катта ва чексиз кичик, келиб чиқиши жиҳатидан турли-туман мажмулардан ташкил топган бўлиб, ҳар бир мажму ўзининг антиподига, яъни қарама-қарши томонига эга. Мутлақо ёлғиз ва бир томонлама мажмуни, яъни нарса ва ҳодисани топа олмаймиз. Бу қарама-қарши томонлар бир-бирига тинмай интилиб, бир бутунни ташкил қилади. Шу билан биргаликда улар қарама-қарши томон, яъни қарама-қарши куч бўлиб қолаверади.

Бу воқелик нарса ва ҳодисалар (тадрижи)нинг ички заруриятдан келиб чиққан қонуният бўлиб, бутун борлиқ шу қонуниятга бўйсунди.

Шунинг учун ҳам уни ривожланишнинг энг асосий қонуни деб юритилади. Бу ҳолни ҳар қадамда кўришимиз, сезишимиз мумкин. Масалан, атом қарама-қарши кўрсаткичларга эга бўлган электрон ва протонлардан иборат ёки кеча-кундуз, оқ-қора, паст-баланд, оғир-енгил, ўнг-чап, яхши-ёмон, аёл-эркак ва ҳоказо. Булар чексиздир. Бу ҳол жамики нарса ва ҳодисаларда ўз ифодасини топган. Бундай қарама-қарши томонлар бир вақтнинг ўзида бир-бирига интилиб, шу вақтнинг ўзида бир-бирига қарши куч бўлиб қолаверадилар. Бундай ички тортилиш ва итарилиш натижасида нарса ёки ҳодиса ичида кучланиш пайдо қилади. У маълум бир вақтдан кейин, миқдор жиҳатидан меъёрига етганда, нарса ёки ҳодисада ҳаракат пайдо бўлади ва ўзининг аввалги ҳолатини ўзгартириб, янги бир ҳолатга ўтади. Бу ҳолатларни ифодаловчи диалектиканинг яна икки қонуни бор. Булар — миқдорнинг сифатга ўтиши ва инкорни инкор қонунларидир. Бу қонунлар борлиқнинг ҳар бир мажмуида ўз кучини кўрсатганлиги учун ҳар бир ишда, жумладан, таълим-тарбия ишида ҳам бу қонунларни ҳисобга олмаслик ва улардан энг умумий методологик асоснинг иккинчи бўлаги сифатида келиб чиқмаслик, ҳаракат жараёнимизни нотўғри ташкил қилганимизни билдиради ва бундай ҳаракат мақсадга олиб бормайди. Чунки бу ғайритабиийдир.

Бу қонунларнинг маърифий жараёнда намоён бўлишини кўриб чиқамиз.

Педагогик жараёни кўз олдимишга келтирсак, у бир бутунлик, яъни таълим-тарбия мажмуидан иборат бўлгани ҳолда икки қарама-қарши — «таълим-тарбия берувчи» ва «таълим-тарбия олувчи» томонлардан, бошқача айтганда, қарама-қарши кучлардан ташкил топганлигини кўрамиз. Диалектика қонунларига биноан, улар бир вақтнинг ўзида бир-бирларига интиладилар ва бир-бирларидан қочадилар.

Маърифий жараёни ҳосил қилиш учун бу қарама-қарши томонларнинг бир-бирига интилиш кучини ошириб, бир-бирига қарши кучларни сўндириш йўлидан бориш керак. Сўндирганда ҳам зўрлаб эмас, муроса ва муомала йўли билан сўндириш керакли натижани беради. Зўрлаб қарама-қарши кучларни сўндириш ёки улар мавжуд бўлса-да, кўриб кўрмасликка олиш қарама-қарши кучларнинг кучайишига ва маърифий жараёнинг тўхташига, баъзан унинг тескари самара беришига олиб келади.

Таълим-тарбияда ёшларнинг берилаётган билимга қизиқиши бир-бирига интилувчи куч бўлиб хизмат қилади. Шунинг учун педагогиканинг асосий қонунларидан бири ҳам берилаётган билимга қизиқтириш йўли билан болалар диққатини дарсга жалб этиш ҳисобланади.

Таълим-тарбия берувчи таълим олувчига бераётган билим моҳиятини очиб, қизиқтириб, тушунтириш пайтида миқдор йиғилиб сифатга ўтиши учун уни тарбияланувчига бир неча бор такрорлаши шарт бўлади.

Илмий тадқиқотлар шуни кўрсатдики, берилган билим таълим олувчининг мия қобигида ўз аксини топиши учун уни камида 3—5 мартаба, мураккаб мавзуларни ўтаётганда ёки диққати суст болалар билан ишлаётганда эса 7—9 мартаба такрорлаш керак экан. Шундагина миқдор сифатга ўтиб, талабалардаги «билмаслик» ҳолати «билди» ҳолати билан алмашинади. Миқдор сифатга ўтади. Бола аввалги «билими йўқ» ҳолатини инкор қилиб, «билимли» деган сифатга эга бўлди. Бу — диалектиканинг қонунлари ишлади, деганидир.

Дарс беришда, бу қонунларга амал қилмаслик маърифий фаолиятнинг энг умумий методологик асосининг иккинчи қисмига суянмаслик бўлиб, ҳаракатдан кўзланган мақсаддан чекинишга олиб келади.

Энг умумий методологик асосдан ташқари таълим-тарбия жараёнида яна умумий ва хусусий методологиялар ҳам мавжуд эканини айтган эдик.

Таълим-тарбия тизими олдига қўйилган мақсад кўрсаткичлари билан дидактика тамойиллари педагогик фаолиятнинг умумий методологиясидир.

Ўзбекистон жаҳондаги иқтисодий тараққий этган, халқининг маънавияти юқори мамлакатлар қаторидан ўрин олиши учун бу-

тун аҳолисининг касбий ва ахлоқий маънавиятларини кўтариш йўлидан бориши лозим. Чунки яқин ўтмишимизда ишлаб чиқариш воситалари иш кучидан бегоналаштирилиб, ишчининг ишлаб чиқарган маҳсулотига эгаллик қила олмаслиги ҳамда меҳнаткашларнинг иш ҳақлари улар сарф қилган ақлий ва жисмоний кучларидан анча паст миқдорда белгиланганлиги ва бошқа бир қанча сабабларга кўра аҳоли ўз ишига лоқайд, ҳеч нарсага қизиқмайдиган, ялқов ва ёлғонни кўп ишлатадиган кишиларга айланиб қолган. Мустақилликка эришгач, бу ҳол ўзгариб, ишлаб чиқариш воситалари ер, сув ва бошқа табиий бойликлар, иш қуроллари, кўчмас мулк улар билан тинмай алоқада бўладиганлар кўлига, яъни асл эгасига топширилди. Ишлаб чиқарган маҳсулотни қаерда, кимга ва қайси нархда сотиш тамойили ва бошқа бир қанча иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий ўзгаришлар одамларни жонлантириб, ҳаракатга солиб қўйди. Айниқса, ернинг деҳқонга берилиши, тadbиркорлик ва ҳунармандчиликка кенг йўл очилиши, қишлоққа саноатнинг кириб бориши, ўрта ва кичик бизнесга эътибор қаратилиши одамларда мулкка муносабатни, қолаверса, тафаккурда ижобий силжишларни бошлаб берди.

Аmmo бу демократик тамойил ва бозор муносабатларига мос маънавиятни одамларда ёшлигидан шакллантира бориш зарур. Бу шўролар даврида яратилган таълим-тарбия тизими ва мазмунини тезроқ ислоҳ қилишни тақозо этади. Айнан мана шу мақсадда Республика Олий Мажлиси ўзининг тарихий IX сессиясида «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастур»ини қабул қилди. «Дастурнинг асосий мақсади — дейилган ушбу ҳужжатда, таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, уни ўтмишдан қолган мафкуравий қарашлар ва сарқитлардан тўла халос этиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида, юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлаш миллий тизимини яратишдир». Сўнг ушбу дастурнинг мақсадини рўёбга чиқариш бўйича ҳал қилиниши лозим бўлган вазифалар ва бу вазифаларни амалга ошириш тadbир-чоралари аниқлаб берилган. Бундай тadbирлардан бири — «Кадрлар тайёрлаш тизимини ва мазмунини мамлакатнинг ижтимоий ва иқтисодий тараққиёти истиқболларидан, жамият эҳтиёжларидан, фан-маданият, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқларидан келиб чиққан ҳолда қайта қуриш ҳақида»ги тadbир ишлаб чиқилди. Бу тadbирларни муваффақиятли амалга ошириш учун Ўзбекистоннинг аҳолиси XXI асрдаги қандай маънавиятга эга ва қайси фазилатлар соҳиби бўлишлари керак? деган саволга жавоб топишимиз зарур. Яъни мустақил мамлакат аҳолисининг ахлоқ кодексини яратиш лозим. Чунки бу ахлоқ кодекси жамиятнинг таълим-тарбия тизимига қўйган буюртмаси бўлиб, таълим-тарбия билан

шуғулланувчилар умумий методологиясининг биринчи қисмини ташкил қилади. Дарсликнинг кейинги саҳифаларида бу масалани ечиш учун алоҳида мавзу ажратилган.

Таълим-тарбия соҳаси умумий методологиясининг 2-қисмига дидактиканинг умумий тамойиллари киради. Буларга педагогик жараёнда ҳар бир билимни илмий асослаб бериш; билим беришда таълим олувчининг имконияти ва ёш хусусиятларидан келиб чиқиш; мумкин қадар кўпроқ кўргазма воситаларидан фойдаланиш; мунтазамлилик ва давомийликни сақлаш; меҳнат жараёнида ўқувчиларнинг фаоллиги ва онглилигини таъминлаш; таълим ва тарбиянинг тизимли, изчил бўлиши ва унинг бирлиги принциплари киради.

Билим беришнинг илмийлик тамойили деб, бериладиган ҳар бир билимни, авваллари бир неча бор тажрибадан ўтган ва ўқувчиларга яхши маълум бўлган билимлардан келиб чиққан ҳолда тушунтиришга айтилади. Бу тамойилда, янги берилаётган билимни илмий асослаб бериш билан бирга унинг мантиқи, тарихийлигини ҳам изоҳлаш, таҳлил этиш талаб қилинади.

Таълим олувчилар имконияти ва ёш хусусиятларини ҳисобга олиш тамойили. Физиология ва руҳшунослик илмларининг таъкидлашларича, инсон ҳеч қачон бирдай иқтидорли бўлиб туғилмайди, унинг билимларни қабул қилиш, тушуниш ва хотирасида сақлаб қолиш қобилияти ҳар турли бўлади. Бундай имкониятлар ҳар кимда ҳар хил бўлиб, улар ёш қўшилиши билан ўзгариб, махсус машқлар орқали уларни такомиллаштира бўлади. Шу фикрлардан келиб чиқса, дарс беришдан олдин ҳар бир ўқитувчи таълим олувчилар руҳиятида кечаётган жараёнларни яхши билиши шарт. Ундан ташқари, у ҳар бир боланинг билимларни қабул қилиш ва хотирасида сақлаб қолиш қобилиятини, шу кунгача тўплаган билимларининг тури ва ҳажмидан хабардор бўлиши лозим. Шундагина унинг ўқувчиларга кўрсатган педагогик таъсири самара беради.

Таълим ва тарбияда кўргазмалилик тамойили. Бу тамойилга амал қилинганда кишининг эшитиш аъзолари билан бир қаторда кўриш аъзолари ҳам иштирок этади. Жаҳон олимларининг тадқиқотларига кўра, инсоннинг сезги аъзолари орқали олинадиган билимларнинг хотирада сақлаб қолиш даражаси қуйидагича: эшитиш аъзолари орқали олинган билимларнинг 15—20 фоизи эсда қолса, кўриш орқали олинган билимларнинг 80—85 фоизи эсда қолар экан. Шунинг учун ҳам кўргазмалилик тамойили ўқув-тарбия жараёнининг энг асосий тамойилларидан бири ҳисобланади. Халқимизнинг «юз марта эшитгандан бир марта кўрган афзал» деган мақоли ҳам буни тасдиқлайди. Аммо кўргазмалилик яхши самара беради деб, унинг меъёри бузилса, яъни кўргазма материаллари ҳаддан зиёд кўп бўлиб кетса, таълим олувчилар диққати ёйилиб, уларнинг фикри дарснинг асосий мазмунидан чалғийди.

Мунтазамлилик ва давомийлик тамойили. Бу таълим ва тарбиядаги зарур физиологик-психологик қонуният ҳисобланиб, билимни мантиқий боғлиқликда ўрганишни таъминлаб беради. Бу тамойил ҳар бир фан бўйича тузилган ўқув режа ва дастурларда, дарслик ва услубий тавсияномаларни яратишда татбиқ этилади. Амалиётчи ўқитувчи ўқув режа ва дастурдан четга чиқмаслиги лозим. Бу қонуният тушунчалар, далиллар ва бошқа фикрлар орасидаги, уларнинг тадрижидан келиб чиққан алоқадорликлар — қонун ва қоидалар билан амалий ишларни бажариш ўртасидаги мантиқий боғлиқликларни ўрнатиш орқали амалга оширилади. Бу қонуният ўқиш фаолиятини ташкил этишнинг асоси ҳисобланади. Унга амал қилмаслик ўқувчилар тафаккурида ўзаро боғлиқ бўлмаган узук-юлуқ билимларнинг пайдо бўлишига олиб келади. Бундай билимлардан кишининг ижтимоий моҳиятига наф бўлмайди, улар тафаккурни чарчатади, холос.

Таълим-тарбияни ҳаёт билан боғлаш тамойили, деб тарбияни ҳаёт билан ва ишлаб чиқариш амалиёти билан боғлаб олиб боришликка айтилади. У дидактиканинг асосий ва етакчи қоидаларидан бири бўлиб, билим фаолиятининг руҳий асосларидан келиб чиққан.

Бу тамойил таълимнинг бошқа тамойиллари билан, жумладан, илмийлик тамойили билан ҳам узвий боғлиқдир. Ўқиш жараёнида олинган назарий билимлар амалий эҳтиёж туфайли кашф қилинганлигини англаб етишга қаратилган.

Таълим билан амалиёт бирлиги тамойили — ўқув фанининг мазмуни ва ўзига хос хусусиятларига боғлиқ ҳолда ўқитиш жараёнида амалга оширилади. Бу бирлик билимларни пухта ўзлаштириш ва уни амалда қўллай олиш, шунингдек, уни мустаҳкамлаш каби руҳий ҳодисалар билан бир бутун таълим-тарбия жараёнини ташкил қилади.

Таълимда онглилик ва фаоллик тамойили. Ўқувчилар олаётган билимини ҳаётда қўллай билишлари учун таълим бериш жараёнини фаол фикрлашга айлантириш керак. Бунда ўқитишни шундай ташкил этиш керакки, таълим олувчилар билимларни машғулотларда онгли ва фаол қатнашиб эгаллаб олишсин. Шунда талабаларда онг ўсиб, ижодий ташаббускорлик ва ўқув фаолиятида мустақиллик таркиб топади.

Таълим-тарбиянинг онглилик тамойили ўқувчиларда таъриф, тушунча ва қоидаларни ёдлаш ва эсда сақлаш билан уларни эгаллаш эмас, балки бу билимларни ҳаётий ҳодисалар, жараёнлар билан боғлиқ бўлган мазмунини ҳам тушунишларини талаб этади.

Билимларни онгли равишда ўзлаштириш ўқувчиларда билимларга нисбатан маълум муносабат ҳосил қилишни, ҳиссий кечинмалар уйғотишни ҳам ўз ичига олади.

Бу тамойил тафаккурни шакллантирувчи қоида бўлганлиги учун муаммони мустақил ҳал қилиш мақсадида дарсда ўқувчиларга муаммоли вазиятлар яратишни тақозо этади.

Таълим-тарбиянинг тизимли ва изчиллик тамойили. Таълим-тарбияда қатъий изчилликка риоя қилиш керак, токи бугун ўрганилган билимлар кеча ўрганилганларидан келиб чиқсин, уларни мустақамласин ва эртага ўрганиладиганларига замин ҳозирласин.

Тизимли ва изчиллик тамойили ўқитиш жараёнида дидактиканинг умумийдан хусусийга ва хусусийдан яна умумийга қондасини ҳамда ўқув фанларининг бир-бири билан узвий боғлиқ бўлишини ҳам таъминлайди.

Таълим ва тарбиянинг бирлиги тамойили — кишиларга билим бериш ва бу билимларни ҳаётда қўллаш олишга ўргатиш ҳамда ўқувчиларнинг умумий ривожланишларини бир бутунликда амалга оширишни тақозо этади.

Бир бутун таълим-тарбия жараёнида икки ўзаро боғлиқлик — билим бериш ва бу билимлар асосида ҳаракат қилишга ўргатиш, бу объектив борлиқдаги қонуниятни билиш ва унинг амалий муносабатини таркиб топтиришда намоён бўлади. Бу жараёнда таълим етакчилик қилади. Чунки билим бермай туриб, инсонни бу билимларни ҳаётга татбиқ қилишга ўргатиб бўлмайди. Билим беришдан мақсад ҳам бу билимни ҳаётда қўллашликдир. Шунинг учун таълим бериш кетидан, албатта, бу билимни амалда ишлатишга ўргатиш, яъни тарбия жараёни ҳам бўлиши шарт.

Таълим-тарбия соҳасининг энг умумий ва умумий методологик асосидан ташқари хусусий методологияси ҳам бор деб бир неча бор таъкидлаганмиз. Бундай методологик асосга ҳар бир дарснинг олдига қўйган мақсади ва муайян мавзунини ўтиш қоидалари хизмат қилади. Чунки таълим-тарбия жараёнида улардан келиб чиқиш шарт.

Мавзу бўйича назорат саволлари

1. Инсоннинг бошқа жонивотлардан иккиламчи фарқи нимала?
2. Усул тушунчасини таърифлаб беринг.
3. Усулб нимани билдиради?
4. Методология тушунчасини шакллантириб беринг.
5. Энг умумий методология нима?
6. Педагогик фаолиятнинг умумий методологияси қайсилар?
7. Педагогик фаолиятнинг хусусий методологиясини кўрсатинг.
8. Инсоннинг шахс сифатида шаклланишига таъсир этувчи омиллар?

2-бўлим. ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ЖАРАЁНИ

УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ЖАРАЁНИ ВА ПЕДАГОГИКАНИНГ АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАРИ

Расмий таълим-тарбия боғчадан бошланиб, малака ошириш билан тугаши бизга аён бўлди. Ўзини ҳақиқий инсон ва замон талабига жавоб берадиган мутахассис сифатида ижтимоий моҳиятини йўқотиб қўймаслиги учун, ҳар бир одам ўзини узлуксиз таълим-тарбия жараёнида доимо тутиб туриши керак бўлади.

Расмий таълим-тарбия давлат томонидан ташкил қилиниб, моддий томондан қамқолатилган ҳисобланади. Бу таълим-тарбия тизимининг бошқа таълим-тарбиялардан асосий фарқи, у жамият талабидан келиб чиққан асосий мақсадга йўналтирилган бўлиб, давлат томонидан тасдиқланган дастур ва ишчи режа асосида амалга оширилади. Расмий таълим-тарбиянинг бирламчи асоси дарс ҳисобланади.

Дарс, ўз навбатида, бир бутунлик бўлиб, қуйидаги қисмлардан ташкил топган: **таълим-тарбия берувчи; таълим-тарбия олувчи; дастур ва дарслик, ўқув-услубий қўлланма ҳамда дидактик материаллар; педагогик усул ва услублар; ўқитишнинг техник воситалари.** Дарснинг бу беш қисми ўзаро функционал боғлиқликда бўлиб, бир бутунлик, яъни дарс деган мажмуни ташкил қилади. Бирининг мавжудлиги бошқасининг мавжудлигини тақозо этиб, бирининг йўқ бўлиши бошқа барча қисмларининг фаолиятини йўққа чиқаради. Бу қисмларнинг ҳар бири, ўз навбатида, бир бутунлик (мажму) бўлиб, бир неча қисмлардан ташкил топган.

Узлуксиз расмий таълим-тарбия жараёнини амалга оширувчи дарсни бир бутун қилиб турувчи қисмлар таснифини **таълим-тарбия берувчидан** бошлашимиз мантиқан тўғри бўлади. Узлуксиз таълим-тарбия жараёнининг босқичларида таълим-тарбия берувчи, аввал ҳам айтиб ўтганимиздек, турлича аталиб **мураббий, устоз, ўқитувчи, педагог, ассистент, катта ўқитувчи, доцент, профессор ва маърузачи** деб юритилади.

Буларнинг вазифаси давлат томонидан тасдиқланган дастур асосида дарсни **ташкил этиш** ва ишчи режада кўрсатилган билимларни, таълим олувчиларга дидактиканиннг барча тамойилларидан келиб чиқиб, бир қатор педагогик усуллардан ва ўқитишнинг техник воситаларидан фойдаланиб етказиб беришдир.

Ҳозирги кундаги узлуксиз расмий таълим тизимида таълим-тарбия синф-дарс шаклида олиб борилади. Инсоният тарихига назар ташлар эканмиз, таълимни ташкил этиш шакллари жамиятнинг тараққиёт босқичларига мос равишда амалга оширилганини кўрамиз.

Дастлабки даврларда таълим бериш ишлари фақат одамларнинг меҳнат фаолияти, кундалик турмуши билан узвий боғланган ҳамда билим бериш, ўргатиш яқка тартибда олиб борилган. Таълим-тарбиянинг бундай йўналиши ҳозир ҳам оила шароитида олиб борилади.

Давр ўтиши билан кўпчиликка билим бериш эҳтиёжи пайдо бўла бошлаган. Таълим тизимининг мазмуни, билимларнинг мураккаблашуви, болаларни гуруҳ-руруҳ қилиб ўқитишни тақозо қилгани ҳолда, таълим билан шуғулланувчи мутахассислар, ўқитувчиларни тайёрлаш зарурияти келиб чиққан. Шу даврда ўқитишнинг ташкилий шакллари пайдо бўла бошлади. Бунинг натижасида синф-дарс тизими пайдо бўлган. Халқ ичида ҳаётий тажрибага, билим ва тарбияга эга кишилар мураббий, ўқитувчи бўлиб фаолият кўрсата бошладилар.

Ўрта Осиё тарихига назар солар эканмиз, эрамиздан илгариги мингинчи йилларда Зардуштлиқ оташхона-ибодатхоналарида ёшларни тўплаб, қоҳинлар томонидан уларга билим бериш билан шуғулланганликлари «Авесто» ва бошқа тарихий манбалардан бизга маълум. Шунга ўхшаш болаларни тўплаб ўқитиш қадимги Юнонистонда ҳам олиб борилганлигини дарслигимизнинг аввалги саҳифаларидан билдик. Аммо қадим даврларда таълимни қатъий чегараланган вақтда, бир хил ёшдаги болалар билан олиб бориш, таълим мазмунини босқичма-босқич бериш масалаларига аниқлик киритилмаган эди.

Таълимнинг ташкилий масалалари Ал-Фаробийнинг «Фан ва ақл-заковат» асарида ўқув фанларини гуруҳларга бўлиб ўқитиш, уларнинг тарбиявий моҳиятини очиш масалаларига эътибор берилган. Бу масалалар Улуғбек даврида ҳам кўтарилиб, маълум даражада амалга ҳам оширилган.

Педагогика тарихида, таълим-тарбияни ташкил этишнинг асосий шакли синф-дарс тизимини биринчи бор чех педагоги Ян Амос Коменский (1592—1670) ишлаб чиққан ва амалиётга жорий этган.

Дарс — аниқ мақсадни кўзлаб, берилган вақтда бир хил ёшдаги ўқувчи-ёшлар билан ўқитувчи раҳбарлигида олиб бориладиган машгулот.

Дарснинг мақсади, мазмуни, ҳажми таълим стандартлари (ўқув дастури, режа, дарслик) асосида белгиланади. Ўқитувчи учун дарс ўқув ишларининг асосий ташкилий шакли экан, у бу жараёнда:

1) ҳар бир синфда ўқувчиларнинг ёши ва билим даражаси бир хил бўлишига;

2) дарс қатъий жадвал бўйича белгиланган аниқ муддатда олиб борилишига;

3) дарс ўқитувчи раҳбарлигида бутун синф билан ва алоҳида ўқувчилар билан ишлаш шаклида олиб борилишига;

4) дарс ўқув фанининг характери, ўтилатган материалнинг мазмунига қараб турли усуллар ва воситалар ёрдамида олиб борилишига ва узлуксиз таълим тизимининг бир қисми сифатида туғалланган билим берилишига ва навбатдаги билимларни ўзлаштириш учун замин яратишига қаттиқ риоя қилиши шарт.

Шуни унутмаслик керакки, ўқув юртларида таълим-тарбия ишлари фақат синф-дарс шаклида олиб борилмай, балки амалий машғулотлар, тажриба ишлари шаклида ҳам амалга оширилади. Бу машғулотлар синфдан ва мактабдан ташқарида бўлиши ҳам мумкин.

Дарс — таълимнинг асосий шакли экан, у илмий, тизимли, тушунарли, онгли ва фаол бўлиши, билимлар мустақкам ўзлаштирилиши, ўқувчи-талабанинг шахсий хусусиятлари эътиборга олинган ҳолда ташкил этилиши шарт.

Педагогика фани дарс олдига бир қатор дидактик талабларни кўяди. Жумладан:

1. Ҳар бир дарс аниқ мақсадни кўзлаган ҳолда пухта режалаштирилмоғи ёки лойиҳаси тузилмоғи лозим. Бу жараёнда ўқитувчи дарснинг таълимий ва тарбиявий мақсадини белгилайди. Дарс босқичларини, яъни қандай бошлаш, янги материални қандай ўтиш, қандай тамомлаш, кўргазмали ва бошқа дидактик материаллардан қандай фойдаланиш кабиларни олдиндан ҳал қилиб олади.

2. Ҳар бир дарс аниқ гоявий изланишга эга бўлиши лозим.

3. Ҳар бир дарс мактабнинг ижтимоий муҳит имкониятини ҳисобга олган ҳолда амалиёт билан боғланмоғи, кўргазмали воситалар билан жиҳозланмоғи лозим.

4. Ҳар бир дарс, дарс характериға мос усул ва услублардан самарали фойдаланилган ҳолда ташкил этилиши лозим.

5. Дарс учун ажратилган вақт ва унинг дақиқаларидан тежамкорлик ва унумли фойдаланиш лозим.

6. Дарс жараёнида ўқитувчи ва ўқувчи ўзаро фаол муносабатда бўлиши шарт, ўқувчи-талаба пассив тингловчига айланмаслиги керак.

7. Машғулотлар бутун синф билан ва ҳар бир ўқувчи билан, уларнинг шахсий хусусиятларини эътиборга олган ҳолда олиб борилиши юқори самара беради.

8. Дарснинг мазмуни ва характериға қараб халқимизнинг бой маънавий меросидан унумли фойдаланиш мақсадға мувофиқдир.

9. Ўтилатган мавзунинг мазмуниға боғлиқ ҳолда мустақил Ўзбекистондаги ўзгаришлардан ўқувчи ва талабаларни хабардор этиш лозим.

Дарс болаларга билим бериш ва берилган билимни уларнинг кўникмасига айлантиришда асосий роль ўйнайди. Шу сабабли ўқув машғулотларида ажратилган вақтнинг асосий қисми дарс ўтиш учун сарфланади.

Таълим тизимида тажрибадан ўтган дарс турлари қуйидагилардан иборат:

1. Янги билимларни баён қилиш дарси.
2. Ўқув материалларини мустаҳкамлаш дарси.
3. Такрорлаш ва билимларни умумлаштириш дарси.
4. Ўқувчиларнинг ўзлаштиришини назорат қилиш ва баҳолаш.
5. Уйғунлашган дарслар.

Таълим жараёнида энг кўп қўлланиладиган дарс янги билимларни баён қилиш дарсидир. Бу дарснинг тузилиши қуйидагича:

- дарсни ташкил этиш;
- янги билимларни баён қилиш;
- янги билимларни мустаҳкамлаш;
- янги билимлар устида машқ ўтказиш;
- янги билимларга боғлиқ уй машғулотларини бериш.

Дарсни ташкил қилиш. Уй вазифасининг бажарилишини назорат қилиш ва баҳолаш. Янги мавзунини баён қилиш. Янги мавзунини мустаҳкамлаш. Уйга топшириқ бериш. Дарсни якунлаш.

Таълим тизимида, такрорлаш ва билимларни мустаҳкамлаш дарслари ҳам кўп қўлланилади. Бундай дарслар ўқитувчи дастурнинг маълум бир қисмини, йирик мавзуларни ўтиб бўлганидан сўнг уюштирилади. Бу дарс билимларни оралиқ назорат орқали баҳолашда ҳам хизмат қилади. Ҳар бир дарснинг муваффақияти кўп жиҳатдан машғулотни тўғри ташкил қилишга боғлиқ. Бу даврда синфнинг тайёргарлигини синчиклаб кузатиш, болаларнинг дарсни тинглашга руҳий жиҳатдан тайёр эканлигини ўрганиш даркор. Шундан сўнг, маҳоратли педагог фурсатни қўлдан бермай, ўқувчилар диққатини чалғитмай, дарснинг асосий қисмини бошлаб юборади. Чунки ўқувчиларининг тезлик билан машғулотга фаол киришишлари таъминланмаса, дарс самарали ўтиши амри маҳол. Дарс янги материални баён қилишга қаратилган бўлса, дарс мавзуси эълон қилинади. Режада мўлжалланган ўқув материали ўтиб бўлингач, у албатта якунланиши, хулосалар чиқарилиши керак. Дарс ўқитувчи ва ўқувчининг ижодий ҳамкорлигига асосланиши лозим. Шундагина ўқувчилар мустақил фикрлай оладилар, иродалари тарбияланади, нутқ маданияти ривожланади.

Ўқув машғулотларининг синфдаги шаклидан ташқари яна қўшимча қатор таълим шакллари мавжуд: амалий-тажриба машғулотлар, қўшимча дарслар, факультатив дарслар, экскурсия каби-лардир. Булар дарсда берилган билимларни тўлдириш, мустаҳкамлаш, амалиёт билан боғлаш, кўникма ва малакаларга айлантириш учун хизмат қилади.

Булардан ташқари, ўқув юртлири тажрибасида фан тўтараклари, ишлаб чиқариш амалиёти, ўйин шаклидаги машғулотлардан ҳам фойдаланилади. Бу турдаги машғулотлар даредан олган билимларини малака ва маънавият даражаларига кўтаришда ас қотади. Узлуксиз таълимнинг ҳамма босқичларида таълимнинг ўзига хос ташкилий шакллари мавжуд. Жумладан: икки босқичли олий таълим тизимида ўзига хос таълим шакллари мавжуд бўлиб, маърузалар, семинар ва амалий машғулотлар, кафедра ўқитувчиларининг очиқ маърузаларида қатнашиш, маъруза матнини тайёрлаш ва муҳокама қилиш каби-лар шулар жумласига кирази. Олий таълим тизимида маъруза ўқув жараёнининг ҳам усули, ҳам шакли ҳисобланиб, у орқали талабаларга фан асосларини оғзаки, узвий ва мунтазам сингдиришга хизмат қилади. Маъруза орқали талаба шу фаннинг моҳиятини тушуниб боради ҳамда мустақил фикрлашга ва улар устида ўйлашга мажбур этади. Шу сабабли маъруза илмий тафаккурни ривожлантиришнинг ўзига хос мактабига айланган. Маърузани шундай ўқиш лозимки, болаларда миллий эътиқод ва миллий мафкура асослари шакллансин. Бунинг учун ўргатувчи ҳар бир маърузанинг мазмунини ҳаётдаги ва фандаги янгиликлар билан бойитиши лозим. Маъруза ижодий ҳамкорликда ташкил қилингандагина самара беради. Бунинг учун маъруза жараёнида ҳам таълимий, ҳам тарбиявий вазибаларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Бунинг йўлларида бири ўқитувчи билан талабалар ўртасида дўстона муносабатларнинг тиклаб олинишидан иборат. Бунинг учун эса, талабаларнинг ўқув жараёнидаги руҳий ҳолатини ҳисобга олиш лозим бўлади.

Таълимни самарали ташкил этишда дарс маъруза ва ўқитишнинг бошқа шаклларида ўринли фойдаланишлари учун, шубҳасиз, ўқитувчининг педагогик савияси, педагогик маданияти, ўз предметини пухта билиши ва ўқувчи талабаларни психологик ҳолати билан таниш бўлиши ҳамда улар билан тил топа олишлиги гоят қатта аҳамиятга эга.

Дарс деган бир бутунликни ташкил этувчи асосий қисмининг бири **таълим-тарбия олувчилар**, яъни ўқувчи ва талабалардир. Таълим-тарбия жараёни самарали ўтиши учун таълим олувчилар куйидаги нарсаларни билиб олишлари шарт:

Биринчидан, ўқишдан мақсад ёшлар ўзларининг Конституциявий ҳуқуқларидан, яъни ақлий-амалий имкониятларини рўёбга чиқариш, ижодий қобилиятини намоён этиш, интеллектуал ривожини таъминлаш, ўзи хоҳлаган касбни танлаш ва уни мукамал эгаллаб, шу соҳада бахтиёр фаолият кўрсатиш учун ижтимоий моҳиятини шунга яраша ривожлантириш имкониятидан тўла фойдаланиш.

Иккинчидан, ўқувчи ўқув муассасасига келганида амал қилиши шарт бўлган қоидаларни яхши билиши ва уларга риоя қилиши шарт. Бу қоидаларга: мактабда, синфда, лабораторияларда,

спорт зал ва майдонларида ўрнатилган махсус тартибларга тўла риоя қилиш; ўрганиш субъекти сифатида билиш жараёнида фаол қатнашиш; ўқитувчи дарсда берган билимидан ташқари ўзи мустақил равишда билим олишга машқ қилиш ва ўрганиш; кутубхонадан фойдаланиш ва китоб ўқишга меҳр қўйиш; мактабдошлари ва ўқитувчилари билан хушмуомалада бўлиб, уни тарбиялаб, мактаб ёшига етказган ота-онасига раҳматлар келтириш.

Учинчидан, ҳар бир ўқувчи ва талаба ўқиш давридаги бурч ҳамда масъулиятини билиши керак. Улар қўйидагилардан иборат: ўқиш жараёнидаги муқаррар қийинчиликларни бартараф этиш ва уларни енгишдан қувониш; ҳамма фанлар бўйича муваффақиятли ўқишнинг шахсий аҳамиятини тушуниб етиш ва унга амал қилиш; ўқиш ва ўрганиш жараёнида билимни кўникмага ва кўникмадан малакага айлантиришнинг моҳиятига етиб бориш ва кундалик амалиётда фойдаланиш; дарс ва семинар машғулотлари давомида сўзга чиқиб, ўзида нутқ маданиятини ўстириш; ўқитувчи дарс давомида фан бўйича келтириб чиқарган муаммоли вазиятлардан чиқиб кетишга ҳаракат қилиб, мустақил фикр юритишга ўрганиш; ўқитувчи томонидан амалга ошириладиган жорий, оралиқ ва якуний назоратларда бор иродасини ишга солиб, рейтинг баҳоларини юқорига олиб чиқишга фаол қатнашиш (камтарлик қилиш ва уялиш бу ерда ўринсиз); ўқитувчининг педагогик усул сифатида қўллаган мақтов ва даяда беришларига талтаймаслик; айб иш қилиб қўйганда ўртоқлари ёки ўқитувчилари, ёхуд ота-онасидан узр сўрашга тайёр туриш; қилиб қўйган гуноҳ ишларига тавба қилиб, уларни бошқа қайтармасликка тиришиш.

Дарсни бир бутун қилиб турувчи қисмларидан бири — бу намунавий ўқув дастури, ишчи ва тақвимий режалар ҳамда дарслик, ўқув қўлланма ва дидактик материаллар. Бутун дунёда буни *кур-рукльюум* дейилади.

Намунавий ўқув дастури Педагогик илмий тадқиқот институтларида ёки ўқув муассасаларидаги йирик олимлар томонидан ишлаб чиқилади. У олий ўқув юртини битирувчиларга қўйиладиган касбий таснифидан келиб чиқиб, юз фоиз Давлат стандарти асосида тузилади. Уни тузишда дидактиканинг барча тамойилларидан фойдаланиб, у фаннинг ўқитилишидан кўзланган асосий мақсадга мос равишда бўлади.

Ишчи дастур — намунавий дастурдан келиб чиқиб, муайян олий ўқув юртининг касбий йўналишидан ҳамда ушбу фанни ўқийдиган педагогнинг имкониятидан келиб чиққан ҳолда, педагог томонидан тузилади ва аввал институтнинг Илмий кенгаши, сўнг тармоқ вазирлиги тасдиғидан ўтади.

Тақвимий режа — олий ўқув юртида тузилган жадвал ва ишчи дастурида кўрсатилган мавзулар асосида тузилиб, педагогнинг дарс

ўтиши ёки маъруза ўқиш ва амалий машғулотларни олиб боришининг ой ва кунлар бўйича тартибини кўрсатади.

Дарслик — юқори малакали ва тажрибали олим ва педагоглар томонидан тузилиб, юз фоиз намунавий дастурдаги ғоялардан ҳамда дидактика тамойилларидан келиб чиқиб яратилади. Дарслик ўқитувчи педагогларга ва талабаларга асосий ўқув қуроли ҳисобланиб, оддий ва ҳаммага тушунарли адабий тилда ёзилади. Дарслик барчага умумий ёки олий ўқув юртининг хусусиятларидан келиб чиқиб махсус бўлиши мумкин.

Ўқув қўлланмалар, асосан, тажрибали педагоглар томонидан ёзилиб, фақат ўқитувчи ва педагогларга қўшимча ўқув қуроли бўлиб хизмат қилади.

Дидактик материаллар, педагог томонидан ҳар бир дарсга алоҳида тайёрланган бўлиб, у дарс мазмунини тўла ифодалаш ва ўқувчи-талабалар дарс мазмунига яхши тушуниб етишлари учун хизмат қилади. Буларга ҳар турли кўргазмали қуроллар, турли муаммоли вазиятларни яратувчи мосламалар, ўйинлар ва ҳоказолар киради. Дидактик материаллар ҳам дидактиканинг тамойилларига мос равишда яратилади.

Дарс жараёни фақат педагогик усул ва услублар орқали амалга оширилиб, дарснинг ажралмас қисми ҳисобланади. Педагогсиз ва талабасиз ҳамда ўқув дастур ва режасиз дарс ўтиб бўлмагани каби, педагогик усуллар ва услубларсиз дарсни амалга ошириб бўлмайди.

Таълим усуллари — ўқитувчи ва ўқувчининг тартибга солинган ўзаро алоқадаги фаолиятidir. Усул деб, таълим-тарбия жараёнида қўлланиладиган чора-тадбирлар тушунилса, услуб деганда шу таълим-тарбия усуллариининг қўлланиш тартиби тушунилади.

Таълим-тарбия фаолиятини ташкил қилиш ва амалга ошириш жараёни узатиш, қабул қилиш, англаш, ўқув ахборотни эсда сақлашни ҳамда олинган билим ва кўникмаларни амалиётда қўллай олишни назарда тутати.

Таълим жараёни ўқув ахборотни ва уни мантиқий ўзлаштиришни англашни ташкил қилишни кўзда тутати. Билимни узатиш ва уни кўникмага айлантириш усулларида ташқари, ўқув фаолиятини рағбатлантириш ҳамда таълимга бурч ва масъулиятни асослаш усуллари ҳам мавжуд.

Шу билан бир қаторда, таълим жараёнини назорат қилиш ва таълим-тарбия жараёнини бошқариш усуллари ҳам мавжуд бўлиб, уларсиз ҳам таълим-тарбияни амалга ошириб бўлмайди.

Ва ниҳоят, ўқитувчи томонидан етказиб берилган билимлар, ўқувчи ва талабаларнинг қанчалик ўзлаштириб олганлигини аниқловчи усуллар бўлиб, уларни дарслигимизнинг навбатдаги саҳифаларида батафсил кўриб чиқамиз.

Ёшларни тарбиялаш жараёнида маънавий-интеллектуал ривожланиш сифатларини аниқлашнинг аниқ мақсад ва вазифалари ишлаб чиқилган. Ўқувчи ва талабаларнинг маънавий-интеллектуал шаклланиш сифатларидаги ютуқ ва камчиликларини рағбатлантириш, тузатиш, тарбия мазмунини, усул, услуб ва ташкилий шакллари яхшилашга мос тузатишлар киритилиши кўзда тутилади.

Ўқувчи ва талабаларнинг билимини, ақлий камолотларини назорат қилиш ва баҳолаш давлат миқёсидаги муҳим масала ҳисобланади. Шу билан бирга, назорат ва баҳолаш жараёни ўқувчи билимини бойитишга, улар шахсини ривожлантиришга ва тарбиясига катта таъсир кўрсатади.

Билимларни назорат қилишда қўйиладиган балл ва баҳолар ўқувчи ва талабада қандай таассурот қолдирганини, ўртоқларининг ўқишидаги ютуқ ва камчиликларига қандай муносабатда бўлишларини доим кузатиб бориш учун керак. Ўқувчи ва талабалар билимини назорат қилиш ҳамда баҳолаш ўқув йили давомида ҳар доим ва мунтазам амалга оширилиши учун рейтинг тизими жорий қилиниб, тартибли ва доимий баҳолаш учун имкониятлар очиб берилди.

Педагогика фани билимларни ўз вақтида назорат қилиш ва баҳолашнинг учта вазифаси борлигини кўрсатади:

1. Ўзлаштиришни назорат қилиш ва баҳолаш натижаларига қараб Давлат таълим стандартлари қандай бажарилаётганини назорат қилиб, таҳлил этиш ва вазифаларни белгилаш.

2. Билимларни назорат қилиш ва баҳолаш натижасида ўқувчи ва талабаларда билимлар янада кенгаяди. Бу билан ўқув юртлари олдида турган таълимий мақсад бажарилади.

3. Таълим соҳасидаги яхши натижалар ёшлар тарбиясига ҳам таъсир кўрсатади. Уларда кўтаринки руҳ, ўз кучига бўлган ишонч ва қизиқишлар пайдо бўлади. Шунинг учун ҳам ўзлаштиришни назорат қилиш таълим тизимининг ажралмас қисмидир. Назорат жараёнида ёзма, оғзаки ва амалий усуллардан фойдаланилади.

Бу жараёнда оғзаки сўраш орқали ўзлаштиришни назорат қилиш, айниқса, мактабларда кенг тарқалган. Бу асосан савол-жавоблар орқали олиб борилади. Бунда яқка сўраш, фронтал сўраш каби турлардан фойдаланилади.

Бу турдаги назорат усули жуда кўп вақт талаб қилганлиги сабабли, назорат жараёнини фаоллаштиришда кам вақт ичида кўп сонли талабаларни назорат қилиш мақсадида бир қанча рационал услублар, жумладан, техник воситалардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Чет эл тажрибалари ва ўзимиздаги кўплаб тажрибалар натижасида **рейтинг услуби** бугунги куннинг назорат мезони деб қабул қилинган.

Рейтинг — баҳолаш, тартибга келтириш, таснифлаш, бирор ҳодисани олдиндан белгиланган шкала бўйича баҳолаш. Рейтинг ёрдамида социал-психологик объектларни (ўқувчи-талабаларни)

улар учун умумий бўлган хусусиятларнинг ёрқин даражасига қараб дастлабки таснифлаш амалга оширилади.

Шкалалаш — аниқ жараёнларни рақамлар тизими ёрдамида моделлаштириш. Уларнинг турли услублари — сифат, тавсиф миқдорий услубларидан иборат. Рейтинг назоратида тест ҳам самарали қўлланилади.

Тест деганда, аниқ вазифани такомиллашганлик даражасини аниқлашда сифат ва миқдорий ўлчамларини белгилаш имконини берадиган, фаолликнинг бирон шаклини, бирон аниқ топшириқ шаклидаги синов қуроли тушунилади.

Тестнинг афзаллиги қуйидагилардан иборат:

- назорат учун кам вақт сарфланади;
- назарий ва амалий билимлар даражасини объектив шароитда аниқлаш имконини беради;
- кўп сонли талабалар билан бир вақтнинг ўзида назорат олиб бориш мумкин;
- билим натижалари ўқитувчи томонидан тезкорлик билан текширилади;
- барча талабаларга бир хил қийинликдаги саволлар берилиб, бир хил синов ўтказилади.

Ҳозирги кунда узлуксиз таълимнинг умумий таълим, ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим босқичларида ўқувчи-талабалар билими рейтинг тизимида баҳоланади. Баҳолашнинг бундай шакли ўқувчи-талабаларнинг бутун ўқиш давомида ўз билимларини ошириш учун мунтазам ишлашни ҳамда ўз ижодий фаолиятини такомиллаштиришини рағбатлантириш ғоясига асосланади.

Рейтинг назорат тизими асосида ўқув режасига киритилган ҳар бир фан бўйича талаба ўзлаштиришининг сифат кўрсаткичларини баллар билан баҳолаш ётади.

Ҳар бир чорак ва семестрдаги фанлардан тўпланган баллар йиғиндиси талабанинг курс рейтингини ташкил этади.

Ҳар бир фан бўйича ўқувчи ва талабанинг ўзлаштиришини баҳолаш чорак ва семестр давомида мунтазам равишда олиб борилади ва қуйидаги назорат турлари орқали баҳоланади: жорий назорат, оралиқ назорат ва якуний назорат.

Жорий назорат — бу ўрганилаётган мавзуларни ўқувчи ва талабалар томонидан қандай ўзлаштирилаётганлигини мунтазам равишда дарс жараёнида назорат қилишдан иборат. Бу назорат ўқитувчи томонидан ўтказилиб, талабанинг билим даражасини шу фаннинг ҳар бир мавзуси бўйича аниқланиб боришини кўзда туттади. Бу эса ўқувчининг узлуксиз билим олиши ва натижасини муттасил назорат қилиб боришни назарда туттади.

Оралиқ назорат — бу мазкур фан бўйича ўтилган бир неча мавзуларни ўз ичига олган бўлим ёки қисм бўйича талабанинг билимини аниқлаш демак. Оралиқ назорат дарсдан ташқари вақтда

ўтказилади ва талабаларга ўзлаштириш кўрсаткичларини ошириш имконини беради.

Якуний назорат — бу назорат семестр учун белгиланган мавзулар тўлиқ ўқитилиб бўлингач, ўтилган мавзулар бўйича олинади. Семестрдаги рейтинг баҳоси жорий, оралиқ ва якуний назоратларда тўпланган баллар бўйича аниқланади.

Ҳар бир фан бўйича максимал рейтинг бали шу фан учун ўқув режасида ажратилган умумий дарс соатлари миқдорига тенг деб ҳисобланади.

Максимал баллнинг 70 % миқдори жорий ва оралиқ назорат жараёнида, 30% миқдори якуний назоратда тўпланиши тавсия этилади.

Семестр давомида мазкур фан бўйича тўпланган баллар талаба билимига нисбатан қуйидагича баҳоланади:

86 — 100 % — «аъло»;

71 — 85 % — «яхши»;

56 — 70 % — «қониқарли»;

50 ва ундан ками «қониқарсиз».

Ниҳоят, дарс деб аталган бир бутуннинг ажралмас қисмларидан яна бири, ўқитишнинг техник воситаларидир. Ўқитишнинг техник воситаларига: ўқув биноси, синф ва аудиториядаги талабалар ўтириндиги, доска ва ўқитувчининг стол-стули, ўқитишнинг замонавий техник воситаларидан эпидеяскоп, кодоскоп, телевизор, компьютер ва бошқалардан тортиб, лаборатория ва устахоналарнинг жиҳозлари киради.

Педагогиканинг асосий тушунчалари. Педагогика ҳам бошқа фаолият соҳалари сингари ўзининг махсус тушунчаларига эга, илмий тилда уни *категориялар* дейилади.

Маърифат (педагогика) — бу таълим ва тарбияни амалга оширувчи инсоннинг фаолият соҳаси. Билимга эга ва уни бошқаларга ўргатиш истаги бўлганлар «таълим-тарбия берувчи»лар — боғча тарбиячиси, ўқитувчи, педагог, катта ўқитувчи, ассистент, доцент, профессор, маърузачи деб номланади. Билимга талабгорлар — «билим олувчилар» — боғча болалари, ўқувчилар, талабалар, тингловчилар ва шогирд деб аталади. Таълим-тарбия муассасаларига боғча, мактаб, академик лицей, коллеж, институт, университет, академия кабилар киради. Кўриб турибсизки, педагогиканинг бир қатор тушунчалари мавжуд экан. Бу ижтимоий воқеликнинг асосий мақсади **билим бериш** — таълим ва тарбия жараёнида амалга оширилади. Шундай экан, махсус педагогик тушунчаларга таъриф беришни айнан ана шу атамадан бошладик.

Билим — бир бутунликни ташкил қилувчи қисмлар орасидаги уларнинг тадрижий ривожининг ички заруриятидан келиб чиққан **алоқадорлик**. Уни қонуният деб ҳам юрйтилади. Бу зарурий

боғлиқлик нарса ва ҳодисаларнинг табиатидан келиб чиқиб, бизнинг ихтиёримиздан ташқарида. Уни ўзгартириб бўлмайди. Билиб, унинг хусусиятидан келиб чиқиб, иш юритилади. Билим кишидан кишига маълумот (ахборот) орқали ўтади. Билимлар тушунча, таъриф ва тавсифлар орқали ўзини намоён қилади.

Маълумот — у икки маънода ишлатилиб, иккиси ҳам педагогикага оид. 1. Хабар — ўқиш жараёнини амалга оширувчи восита. Билимли кишининг вазифаси билимини унга талабгор бўлганларга етказиш, маълум қилиш, тил ва кўргазмалар ёрдамида муайян алоқадорлик (билимни бошқаларга билдириш) дан иборат. 2. Билим даражаси, ўқиш, билиш, яъни борлиқдаги объектив қонуниятларни ҳис қилиш натижасида олинган билимлар йиғиндиси. Масалан, паст маълумотли, ўрта ва юқори маълумотли ва ҳоказо.

Таълим — маълумот, билимни маълум бир тартибда бериш ва уни олиш жараёни. Бу жараён бир қатор педагогик усул ва услублар орқали амалга оширилади. Таълим турлари кўп: ахлоқ-одоб таълими, табиий билимлар бўйича таълим, техник таълим, касб-ҳунар таълими, олий таълим, сиёсий таълим, ҳуқуқий таълим ва ҳоказолар.

Тарбия — кенг қамровли тушунча бўлиб, унинг уч хил талқини мавжуд.

1. Болани боқиб, вояга етказиш.
2. Парвариш-қаров.
3. Олинган билимларни амалиётда қўллашга ўргатиш.

Педагогикага унинг учинчи талқини мос келади. Масалан: одоб ва ахлоққа ўргатиш ахлоқий тарбия; касб-ҳунарга ўргатиш ҳунар тарбияси; ислом ақидалари ва шарият қоидаларига ўргатиш диний тарбия ва ҳоказо. Тарбия таълимсиз амалга ошмайди. Таълим (билим) беришдан мақсад, унинг кетидан тарбия беришдир, яъни таълим орқали эгаллаган билимларни амалиётда қўллай олишга ўргатиш. Таълим ва тарбия тушунчалари ўзаро узвий боғлиқ. Таълим — билим бериш ва уни эгаллаш билан боғлиқ бўлса, тарбия олган билими бўйича ҳаракатлар қилиб, уни кўникмага айлантиришдир.

Шахс шаклланиши — инсон биоижтимоий мавжудот бўлганлиги туфайли, биологик ривож билан бир қаторда у ижтимоий ривожланиб ҳам боради ва камолотнинг маълум бир босқичида шахсга айланади. Кишида бир қатор ижтимоий сифатлар таркиб топиб, илмий асосланган мустақил фикр шаклланади.

Ижтимоий тараққиёт — ташқи ва ички, бошқариладиган ва бошқарилмайдиган омиллар билан кишига ижобий таъсир этиш, яъни шахснинг шаклланиш жараёни. Инсоннинг ижтимоий тараққиётида мақсадга йўналтирилган таълим-тарбия етакчи ўринни эгаллайди.

Педагогик фаолият — жамиятнинг таълим-тарбияга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида умуминсоний сифатлар ва мил-

лий фазилатларни шакллантиришни илмий асосланган режа-дастурга мувофиқ амалга ошириш, яъни авлодни ҳаётга тайёрлайдиган ижтимоий зарур фаолият тури.

Педагогик жараён — ўқитувчи ёки тарбиячи, ўқувчи ёки тарбияланувчи орасидаги билим бериш ва билим олиш, ўргатиш-ўрганиш, тарбиялаш майлида кечадиган муносабатлар тизими.

Педагогик тамойил (принциплар) — ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги муносабат орқали бериладиган билим тури, ҳажми ва мазмуни, шунингдек, ўқув қуроллари ва тарбияланувчиларнинг руҳий хусусиятлари ўртасидаги зарурий боғлиқликлардан келиб чиққан қонуниятга амал қилиш.

Педагогик тажриба — таълим-тарбия берувчи томонидан педагогиканинг тамойиллари ва таълим-тарбия беришнинг муайян усул ва услубларини тўлиқ ўзлаштириб ҳамда уларни амалда қўллашдаги реал шарт-шароитларни, болалар жамоаси ва ҳар бир боланинг ўзига хослигини ҳисобга олган ҳолда амалиётда татбиқ этиш.

Илгор педагогик тажриба — ўқитувчи томонидан педагогика тамойиллари ҳамда таълим-тарбия беришнинг усул ва услубларини яхши ўзлаштириб, уларга ижодий ёндашган ҳолда, нисбатан самаралироқ усул ёки услуб яратиш.

Шахснинг ҳар томонлама камолга етиши — маълум бир тарихий шарт-шароитлардаги индивид қобилияти ва иқтидори, унинг биоижтимоий моҳиятларини ташкил қиладиган ҳамма кучларни тўлиқ ривожлантиришдан иборат.

Педагогик муҳит — таълим-тарбия мақсадларига мувофиқ равишда тузилган шахслараро (ўқитувчи-ўқувчи ҳамда ўқувчилар орасида) муносабатлар мажмуи.

Ижтимоий муҳит — киши шахсини шакллантирувчи ижтимоий муносабатлар мажмуи. Ижтимоий тафаккур, турмуш тарзи ва шахслараро, гуруҳлараро ҳамда миллат ва халқаро муносабатларнинг ўзаро мувофиқ келиши ва бир-бирини бойитиш.

Ички муҳит — кишининг ўзига хос ҳаётий фаолияти, характерининг ўзига хослиги, ҳаётий тажриба ва ирсий тафаккур кўникмалари мажмуи, одатдаги руҳий ҳолатларда ўзини намоён этадиган таъсирчанлик ва воқеликка муносабатларнинг ўзаро бир-бирига мувофиқ келиши, бир-бирини тўлдириши ва бойитиши.

Ирсийлик — кишининг ўзига хослигини белгилаб берадиган анатомик, физиологик, психологик, ташкилий жиҳатлар, ота-она томонидан ирсий бирликлар орқали ўтадиган белгилар.

Руҳият — шахснинг субъектив қиёфаси, кишининг вужуди ва юқори даражада ташкил этилган материя — онги ҳамда руҳнинг биргаликдаги ҳаракат маҳсули.

Ўз-ўзини англаш — кишининг ўзига ва ўз фаолиятига бир жамоа ёки бутун жамият нуқтан назаридан баҳо бера олиш.

Фаолият — қандайдир шахсий, гуруҳий, миллий ёки умуминсоний эҳтиёжларга жавоб берувчи мақсад сари йўналтирилган ҳаракат.

Таълим-тарбиянинг инсонийлиги — педагогик жараёни, яъни таълим-тарбия берувчи билан ўқувчи орасидаги педагогик муносабатлар оқимини ўта инсоний (ўзаро иззат-ҳурмат ва муҳаббат) руҳда амалга ошириш.

Таълимни демократлаштириш — муайян жамият ва конкрет шахс эҳтиёжи ва имкониятидан келиб чиқиб, маълум билимлар тури ва ҳажмини эркин ҳолда танлаб олиш.

Мақсад — ҳар қандай ҳаракатни бошлашдан олдин ҳаракат якунида эришиладиган нарса ёки ҳодисанинг бутунлигича ҳамда унинг асосий кўрсаткичлари билан киши тасаввурида пайдо бўлиши. Мақсад реал ва хаёлий бўлиши мумкин. Реал мақсад илмий асосланган бўлиб, объектив борлиқда содир этиладиган нарса ва ҳодисаларни ўзида намоён этади. Хаёлийси унинг акси.

Ақлий тарбия — табиатдан берилган ақлий куч, сезги, руҳий ҳолат, билувчанлик ва фаолият эркинлигини ривожлантириш натижасида инсонда мустақил фикр юритиб, олдига мақсад қўя олиш ҳамда кўзлаган мақсадига етиш қобилиятини шакллантириш.

Ахлоқий тарбия — оилада, меҳнат жамоаси ҳамда кенг жамоатчилик ўртасида, умуман, ҳамма ҳудудда, миллатда, давлатда қабул қилинган қонун-қоида ва тартибларга бўйсунган ҳолда уларга риоя қилиш ҳамда умуминсоний қадриятларга асосланган ахлоқ ва одоб қоидаларини ўзлаштириш.

Жисмоний тарбия — инсоннинг ҳамма жисмоний хусусиятларини; анатомик, физиологик мажмуларини ҳар томонлама ривожлантириш, соғлом ҳаёт кечиришнинг афзалликларини тарғиб қилиш ва жисмоний маънавиятнинг зарурий асосларини шакллантириш.

Ҳуқуқий тарбия — инсонда ҳуқуқий билимларни ошириш, қонунларни яхши ўзлаштириб, уларга тўлиқ риоя этиш кўникмасини ҳосил қилиш.

Эстетик таълим-тарбия — инсонда завқ уйғотувчи ва уни ҳаракат, шижоат ва қаҳрамонликларга ундовчи барча турдаги кўринишлар, ҳолатлар, ҳодисалар ва бадий-эстетик тафаккурни шакллантириш.

Иқтисодий тарбия — ишлаб чиқаришнинг жамиятда тутган ўрни, ишлаб чиқариш воситалари ва иш қуроқларининг моҳияти, улар орасидаги узвий алоқадорликни ўргатиш ва одамларда шу билимларга кўникма ҳосил қилиш.

Экологик таълим-тарбия — экологик билимларни бериш, уларда ташқи муҳит ва вужуд орасидаги узвий боғлиқлик мавжудлигини ҳис эттириш, табиий ва ижтимоий муҳитга нисбатан оқилона муносабатда бўлиш кўникмаларини ҳосил қилдириш.

Педагогик мулоқот — таълим-тарбия билан боғлиқ мулоқот тури.

Маҳорат — ўзлаштирилган билим ва ҳаётий тажрибалар асосида барча амалий ҳаракатларни (шу жумладан, дарс беришни) кам куч ва кам вақт сарфлаб бажариш.

Малака — киши эгаллаган билимларни кўникма босқичидан ўтиб, доимий (автоматлашган) ҳаракат турига айланиши, маҳорат ҳосил қилиши. Малака — паст, ўрта ва юқори бўлиши мумкин.

Диққат — фаолият кўрсатиш мақсадида танланган объектга (жумладан, муайян фанга) онгнинг жамланиш ҳолати.

Тафаккур — билиш ва англашнинг юқори шакли бўлиб, онгнинг ўзида объектив борлиқдаги нарса ва ҳодисаларни ташкил қилувчи қисмлар ўртасидаги ўзаро алоқадорликларни акс эттириш.

Касбга йўналтириш — жамият эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда, тарбияланувчига маълум бир касб-ҳунар ўргатишнинг маърифий жараёни.

Бундай тушунчалар талқинини яна давом эттираверишимиз мумкин, аммо юқоридаги тушунчалар педагогиканинг умумий тушунчалари бўлиб, унинг алоҳида тармоқларида қабул қилинган тушунчалар билан талабаларга мавзуларни тушунтириш даврида тасниф бериб кетамиз.

Мавзу бўйича назорат саволлари

1. Таълим-тарбия жараёнининг яхлит бир бутунлик қилиб турувчи қисмларини йитиб беринг.
2. Дарс деб нимага айтилади?
3. Дарснинг турларини санаб беринг.
4. Дарсни ташкил қилувчи асосий элементи нима дейилади ва унинг вазифалари нимада?
5. Дарс деган бир бутунликнинг иккинчи асосий элементи нима ва унинг вазифаси нимада?
6. Дарсни амалга оширишнинг тамойиллари нимада ўз ифодасини топган?
7. Дарс жараёнини амалга оширишнинг усул ва услублари қандай гуруҳлаштирилади?
8. Дарсни ташкил этувчи ўқитишнинг техник воситаларига нималар киради?
9. Педагогиканинг асосий тушунчаларига нималар киради?

ПЕДАГОГ ВА УНГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

Дарсликнинг аввалги саҳифаларидан маълум бўлдики, инсон биойжтимоий мавжудот бўлиб, унинг ижтимоий моҳиятини билим ташкил қилар экан. Киши билимлар турини ўз мақсадидан ва танлаган касбидан келиб чиқиб, кучи етган ҳажмда ўзида жамлайди. Умри давомида йиғган билимларининг мажмуи унинг ижтимоий моҳияти дейилар экан.

Инсоннинг ижтимоий моҳиятини жамият талабига мос равишда шакллантирувчи соҳа халқ таълими тизими деб аталиб, уни амалга оширувчи шахс *ўқитувчи ёки муаллим* дейилади.

Ўз олдига ёш авлодни тарбиялашни мақсад қилиб олган кишининг ижтимоий моҳияти, яъни ўқитувчи-муаллимларнинг ижтимоий сифатлари қандай бўлади? деган саволга қуйидагича жавоб қайтаришимиз мумкин.

Ўқитувчи-муаллимларнинг шахсий ижтимоий сифатларига азал-азалдан эътибор қаратиб келинган ва ҳар бир замон талабидан келиб чиқиб, педагогга қўйиладиган талаблар такомиллашиб, мураккаблашиб бораверган.

Зардушт таълимотида, «муаллим — коҳинларнинг бурчлари болаларга билимларни яхшилик йўсинда ўргатиб, уларни яхши билан ёмонни ажратадиган қилиб тарбиялаш ва тўғри йўлга ҳидоят этишдир. Кимда-ким ақлу фаросат билан ёмонликка қарши курашса, у Аҳура-Мазда йўлини тутган бўлади», — дейилган. «Авесто-нинг «яшт»ларида болалар руҳиятига рост сўз, пок ақида, ҳалол ниятни сингдирадиган устоз-муаллимлар пешвоси мадҳ қилинади.

Шунингдек, «Авесто»нинг «яшт»ларида танбаллиги, бефарқлиги, масъулиятсизлиги, лоқайдлиги, фаросатсизлиги, уқувсизлиги, билими ва малакасини такомиллаштирмаслиги оқибатида болалар зеҳнини, уларнинг мустақил тафаккурини ўтмаслаштирадиган, айни чоғда, ёшларнинг ақлини занглатадиган, ҳаётга, меҳнатга муносабатларини сусайтирадиган, имон-этиқодини заифлаштириб, маънавий жиҳатдан қашшоқлаштирадиган «ёмон устозлар» қаттиқ қораланади.

Зардуштнинг Олий Тангри Аҳура-Мазда билан мулоқотида ҳам яхши ва ёмон устозлар ҳақида шундай дейилади: «ношуд, ёмон муаллим ўқувчи қалбидан ҳунармандчиликни йўқотар экан, эй Яздон, ёмон устоздан ўзинг асра».

Талабаларга билим бериш ўқитувчининг масъулиятли бурчидир, деб **Ибн Сино** ўқитувчининг шахсияти қандай бўлиши кераклиги ҳақида қуйидаги фикрларни билдирган:

- болалар билан муомалада босиқ, жиддий бўлиш;
- бериладиган билимни талабалар қандай ўзлаштириб олаётганига эътибор бериш;
- таълимда турли усул ва шакллардан фойдаланиш;
- талабанинг хотираси, билимларни эгаллаш қобилияти, шахсий хусусиятларини билиш;
- фанга қизиқтира олиш;
- берилган билимларнинг энг муҳимини ажратиб ўқитиш;
- билимларни талабаларнинг ёши, ақлий даражасига мос равишда бериш;
- ҳар бир сўзнинг болалар ҳиссиётини уйғоғиш даражасида бўлишига эришиш зарур.

Муҳаммад Тарағай Мирзо Улугбек даврида илм-фан, адабиёт ва санъат, маърифатчилик тез тараққий этган. Шунингдек, ўқитишнинг синф тизимлари, болаларни ёши бўйича табақалаштириб ўқитиш, ўқув-тарбия ишларининг аниқ бир муддатини белгилаб қўйиш каби гоёлар илгари сурилган ва маълум даражада амалга оширилган. Шу билан бирга Улугбек ўқитувчи ва мудarrisларнинг инсоний хислатларига, билими ва маҳоратига катта аҳамият берган. Уларнинг моддий эҳтиёжлари давлат таъминотидан қондирилишини йўлга қўйган, энг маҳоратли устозларни эъзозлаган. Айтиш пайтда, у мудarrisларнинг дарс беришдан ташқари илмий тадқиқотларда иштирок этишларини талаб қилган.

Шунга ўхшаш фикрларни буюк Ғарб педагоглари ҳам айтиб кетишган. Жумладан, Дистерверг: «Яхши ўқитувчи ўзининг тарбия принципларидан ҳеч қачон қайтмайди. Ўқитувчи ўз устида доимо мустақил ишлаши лозим. Ёмон ўқитувчи ҳақиқатни айтиб қўя қолади, яхши ўқитувчи эса болаларга ҳақиқатни топишга ўргатади».

Ўтган Шарқ алломалари-ю, Ғарб педагоглариининг фикри ҳамда кўп йиллар давомида олиб борилган тадқиқотлар ўқитувчи ва педагог, яъни ўзига ёш авлодни тарбиялашни касб қилиб танлаган инсон қуйидаги ижтимоий сифатларга эга бўлиши шарт эканини кўрсатди.

Биринчидан, педагог педагогик касбнинг жамият ҳаётидаги ўрнини, унинг пайдо бўлиш тарихини яхши билиши керак. Педагогика тарихини ўрганиш жараёнида киши педагогик фаолиятнинг инсоният ҳаётидаги ўрнини, педагогикадаги асосий қонун-қоида ва тамойиллар ҳамда асосий тушунчаларнинг шаклланиш тарихини билиб олади.

Умрини ўқитувчиликка бағишлаган киши, педагогика назариясини, яъни **дидактикани** жуда яхши билиши керак. Чунки дидактика ўқитувчини педагогиканинг назарий асослари билан қуроллантириб, билим бериш ва уни ҳаётда қўллашга ўргатиш жараёнини амалга оширишнинг асосий тамойилларига амал қилишликни илмий томондан асослаб беради. Шунингдек, дидактика педагогика касбида қўлланиладиган асосий тушунчаларнинг ишлатилиш ўрни, қондаси, яъни категориялар апаратини тушунтириб беради.

Дидактика билан бир қаторда, педагогик касбни танлаган киши, дидактика тамойилларидан келиб чиқувчи умумий педагогиканинг тадқиқот объекти, предмети ва мақсадини кўрсатиб берувчи ҳамда педагогикага оид барча умумий масалаларни ечиб берувчи «**Умумий педагогика**»ни яхши билиши шарт. Шу билан бир қаторда дидактика тамойилларига суянувчи ва умумий педагогиканинг барча қонун-қоидаларидан келиб чиқувчи **хусусий педагогиканинг** ўзига хосликлари ҳамда дидактика тамойилларини ўзи танлаб олган хусусий фанда қўллашни тўлиқ билиши керак. Болаларга билим

бермоқчи бўлган ўқитувчи дарс бериш усулларининг мажмуини ва тартибга келтирилган дарс бериш йўли (методика)ни мукаммал эгаллаб олган бўлиши лозим. Дарс бериш услублари ва усулларини билмаган педагог дарс ўтолмайди. У дидактиканинг барча тамойилларига суянган ҳолда, умумий педагогиканинг қонун-қоидаларини ўзи ўтаётган фанда қўллашни яхши билиши, педагогикада мавжуд усуллар ичидан ўзига мосларини танлаб олиши, дарс жараёнида ўз ўрнига қўя олиш йўли билан ўз услуби (методикаси)ни туза оладиган киши бўлиши лозим.

Иккинчидан, педагог дидактика, умумий ва хусусий педагогика ҳамда методикалардаги билимни тўлиқ эгаллаб олганидан кейин, муайян фандан билим бериш учун, шу фандаги билимларни пухта эгаллаган бўлиши шарт. Ўз фани бўйича билимларни яхши ўзлаштирмаган киши, педагогика назарияси ва амалиётини қанчалик ёд олган бўлмасин болаларга тўлиқ билим бера олмайди. Ўқитувчи ўқитаётган предметини ва унинг назариясини чуқур билиши, уни қизиқарли қилиб ўқувчи ва талабаларга етказа олиши уларнинг шу предметга бўлган қизиқишини оширади. Бу эса ўқитувчи обрўсини кўтаради.

Учинчидан, ўқитувчи фалсафани яхши билиши шарт. Чунки фалсафа одамга абстракт фикр юритишни ўргатади. Ўқитувчи синф ёки аудиторияга кирганда, унда абстракт тафаккур суэт ривожланган бўлса, ўзини йўқотиб қўяди. Синф ва аудиториядагилар диққатини ўзига қаратиб олиши учун, кишида абстракт тафаккур яхши ривожланган бўлиши керак.

Ундан ташқари, фалсафа дарс пайтида кечадиган билиш жараёнини ўргатади. Билиш жараёнини, яъни гнесологини билмаган ўқитувчи дарс ўтишда бир қатор қийинчиликларга дуч келиб, дарсни амалга ошира олмайди, оширганда ҳам нотўғри дарс ўтади.

Шу билан бир қаторда фалсафанинг асосий қонунлари инсоннинг барча амалий фаолиятида, шу жумладан, педагогик фаолиятида ҳам умумий методологик асос вазифасини ўтайди. Бизда чоп этилган педагогик адабиётларда, айнан шу масалага кам эътибор бериб келинаётганлиги сабабли фалсафанинг асосий қонунларини дарс жараёнида қўллашни таҳлил қилиб чиқамиз. Маълумки, диалектиканинг учта асосий қонуни мавжуд бўлиб, улар ҳар бир жойда, ҳар бир шароитда истисносиз қўлланилади. Диалектиканинг биринчи ва асосий қонуни «Қарама-қарши томонлар бирлиги ва қураши» қонунидир. Бу қонунга кўра ер юзидаги барча нарса ва ҳодисалар ўзининг қарама-қарши томонига, яъни қарама-қарши кучига эга. Масалан: баланд — паст, ўнг — чап, яхши — ёмон, шимол — жануб, манфий — мусбат, эркақ — аёл ва ҳоказо, буларни фалсафа фани орқали яхши биламиз. Уларнинг таълим-тарбия жараёнида намоён бўлишини таҳлил қиладиган бўлсак, дарс

бир бутун бўла туриб, қарама-қарши — таълим оловчи ва таълим берувчи деган, кучлардан ташкил топганлигини кўрамиз. Бу қонун бўйича, улар бир вақтнинг ўзида бир-бирига интилиб, шу вақтнинг ўзида бир-биридан қочадилар. Яъни улар қарама-қарши куч бўла туриб, бир бутунликни ташкил этадилар. Уларнинг бирисиз бошқасининг мавжуд бўлиши мумкин эмас. Мумкин бўлган тақдирда ҳам бошқа сифатда мавжуд бўлиши мумкин. Дарсда эса, уларнинг бири бўлмаса, дарс деган бир бутунлик мавжуд бўлмайди.

Ҳар бир ўқувчи ўқитувчига интилиши баробарида, у айтган сўзларни қилгиси келмай, унинг йўлига юргиси келмай туради. Чунки у қарама-қарши кучни ташкил қилади. Бу қонунни билмаган ва унинг моҳиятини тушуниб етмаган ўқитувчининг диққати ошиб, нега улар айтганимни қилмайди деб, хафа ҳам бўлиши мумкин. Аслида бу ҳолат табиий ҳолдир. Буни бизга фалсафа ўргатади. Диалектиканинг қолган иккки қонуни — «Миқдорнинг сифатга ва сифатнинг миқдорга ўтиши» ҳамда «Инқорни — инкор» қонунлари ҳам шунга ўхшаб, бизнинг ихтиёримиздан ташқари, таълим-тарбия жараёнида иш беради. Болалардаги билмаслик ҳолатини билди ҳолатига келтириш учун, берилаётган билим бир неча бор, камида беш-етти мартаба қайтарилиши шарт бўлади. Шунда миқдор сифатга ўтиб, болалардаги билмаслик ҳолати билди ҳолати билан алмашинади. Билмаслик ҳолати билди ҳолати билан алмашилиш жараёни болалар билмаслик ҳолатини инкор этиб, билди ҳолатига эга бўлишлари учун, «Инқорни — инкор» қонуни ишга тушиши ва берилаётган билимнинг қайтарилиш миқдори керакли миқдорга етиши шарт.

Тўртинчидан, ўқитувчи ва педагог болаларга билим беришни амалга ошираётганда, муайян ёшдаги болалар вужудида содир бўлаётган физиологик ва руҳий ҳодисаларни яхши билиши лозим. Акс ҳолда, ўзини ҳам, болаларни ҳам қийнаб, дарс олдига қўйилган мақсадига ета олмайди. Бунинг учун педагог болалар анатомияси ва физиологияси ҳамда психология фанларидан тўлиқ билимга эга бўлиши керак. Акс ҳолда, болаларнинг асаби бузилишига сабабчи бўлиши мумкин. Мактабда учраб турадиган бундай ҳодисалар, ўқитувчиларнинг бола физиологиясини ёки ёш психологиясини яхши билмаганидан келиб чиқади.

Бешинчидан, Ўзбекистон Конституцияси бўйича дин, давлат ишларига аралашмайди. Шунга қарамай, у ижтимоий ҳаётдан четлатилган эмас. Дин кундалик ҳаётимизда муҳим роль ўйнаб келмоқда. Динни яхши билмаган ёшлар баъзан диний таълимотга зид бўлган, оиласи ҳамда жамият тинчлигини бузувчи турли диний оқимларга кириб қолмоқдалар. Уларни бу йўлдан қайтариб, тўғри йўлга солиб юбориш учун ўқитувчининг ўзи динни яхши билиши шарт. Шунинг учун ҳам педагог диннинг асл мақсади,

унинг қонун-қоидаларини батафсил билмоғи керак. Бунинг учун эса у диншунослик фанини ўқиган бўлиши лозим.

Олтинчидан, ўқитувчи болаларга ўз фанидан билим бериш жараёнида, уларни муайян жамият ва унда олиб борилаётган сиёсат билан таништириб бориши шарт. Шу сабабли ўқитуви ва педагоглар **сиёсатшунослик** билимларини пухта эгаллаб, уларни ҳаётда қўллай олишлари лозим. Энди қисқача бўлса ҳам сиёсат тушунчаси ва уни амалга ошириш йўллари билан сизни таништириб ўтамиз.

Сиёсат — бу ижтимоий жараён бўлиб, ҳоким гуруҳларнинг уларга қарам бўлган ижтимоий гуруҳлар орасидаги, уларни тинчлик ва фаровонликка бошлаш мақсадида қилинган муносабатдир. Ҳоким гуруҳлар деганда оила бошлиғидан тортиб, синф раҳбари, мактаб директори, туман ва вилоят ҳокимлари ҳамда давлатнинг биринчи раҳбаригача бўлган киши ва ижтимоий гуруҳларга нисбатан қўлланилади. Демак, сиёсат, авваламбор, муносабат ва фақат бошқарув ҳамда тинчлик ва фаровонликка бошлаш мақсадида қилинган муносабат экан. Сиёсат муносабат билан боғлиқ эканлигини билдик. Энди бу муносабатлар оддий ижтимоий муносабатлар эмаслигини, яъни бир даражадаги ижтимоий гуруҳлар орасидаги муносабат эмаслигини англасак, ҳақиқий сиёсат тушунчасига яқинлашган бўламиз. Сиёсат — бу жамиятда турли мартабаларга эга бўлган ижтимоий гуруҳлар орасидаги муносабат эканлиги маълум. Энди қандай даражадаги гуруҳлар орасидаги муносабат ҳақида гап бормоқда? деган савол туғилади. Бу саволга жавоб бериш учун, сиёсат нима мақсаддаги муносабат эканлигини билиб олишимиз керак. Маълумки, ҳар қандай сиёсатнинг мақсади бошқаришдир. Шундан келиб чиқиб, сиёсат — бошқаришга қурби етадиган, яъни ҳокимлик қилиш қўлидан келадиган шахс ёки ижтимоий гуруҳнинг бошқа ижтимоий гуруҳлар билан, уларни бошқариш мақсадида қиладиган муносабатидир, десак хато қилмаган бўламиз. Аммо бу ерда қаёққа бошқариш мақсадида? деган яна бир савол туғилади. Ҳар бир инсон, ҳар қандай ижтимоий гуруҳ, бутун жамият, агар улар ижтимоий соғлом бўлсалар, сўзсиз, тинч ва фаровон ҳаётга интиладилар. Ижтимоий носоғ одамлар уруш-тўполонга мойил бўладилар. Шундай қилиб, «сиёсат» тушунчасининг учинчи элементи — «тинч ва фаровон ҳаёт» келиб чиқди. Жамият аъзолари, ўзларининг тинч ва фаровон ҳаётини ташкил қилиб бериш вазифасини тарихан ихтиёрий равишда «давлат» деб номланган ижтимоий устқурмага топширганлар. Давлатнинг қиладиган иши жамиятни бошқариш бўлганлиги туфайли, уни «бошқарув органлари» ёки «ҳоким гуруҳлар» деб юритиладиган бўлган. Ўқитувчи мана шу, сиёсатнинг асл мазмунини, унинг турларини ва муайян сиёсат юритилган жамиятдаги давлат тузумини билиб олиши, ўқувчи ва талабаларга тушунтириб бериши зарур бўлади.

Еггинчидан, педагог муайян жамиятда тарихан шакланган ижтимоий гуруҳлардан ҳам талабаларни хабардор этмоғи лозим. Бунинг учун ўқитувчи ва педагог **социология** билимларидан хабардор бўлиб, улардан педагогик амалиётида фойдалана олиши керак. Шунинг учун ўқитувчи социология фанини пухта эгаллаган бўлиши шарт.

- Шу билан бир қаторда, ўқитувчи болаларга маданият тўғрисида бошланғич тушунчалар бериб, уларда маданият элементларини шакллантириб бориши лозим. Бунинг учун ўқитувчининг ўзи **маданиятшунослик** билимларини эгаллаган ва уларни педагогик амалиётида қўллай оладиган бўлиши керак. Адабиётларда «маданият» тушунчаси ҳам турлича талқин қилинганлиги боис маданият тушунчасига таъриф бериб ўтамиз.

Луғатларда, маданият — жамиятнинг ишлаб чиқариш, ижтимоий ва маънавий ҳаётида қўлга киритилган ютуқлари мажмуи. Бирор ижтимоий гуруҳ, синф ёки халқнинг маълум даврда қўлга киритган шундай ютуқлари даражаси дейилади. Бу таъриф рус тилидаги «культура» тушунчасининг луғавий мазмунига мос. Лотин тилидаги «культура», яъни етиштириш, тарбиялаш, ривожлантириш маъносидан олинган бўлиб, конкрет жамиятнинг муайян даврда эришган маънавиятини, қисқаси, ҳаёт тарзини ифодалайди. Бизнинг фикримизча, ўзбек тилидаги «маданият» тушунчаси рус тилидаги «культура» тушунчасининг мазмунини бермайди. Рус тилидаги «культура» атамаси биздаги ҳаёт тарзи, яъни «маънавият» деган тушунчани кўпроқ ифода этади. *Маданият — инсоннинг эгаллаган билимлари ва ҳосил қилган тажрибаларига асосланган малакали ҳаракатлари ёки меҳнат фаолиятининг маҳсулидан бунёд бўлган нарсалар бошқаларда завқ уйғота оладиган ижтимоий ҳодисадир.* Кишининг ҳар бир ҳаракати ёки фаолиятининг маҳсули маданият даражасига кўтарилиши мумкин. Мисол учун, одамнинг юриш-туриши, сўзлаши ёки рўзғор юритиши бошқаларни завқлантирса, бу унинг шу юмушларни маданият даражасига кўтарганлигини билдиради.

Саккизинчидан, ёш авлодга муайян фан билимларини ўргатувчи педагог, уларни ахлоқ ва одобга ҳам ўргатиши шарт. Бу ўқитувчи ва педагогларнинг бурч ва масъулиятига киради. Бунинг учун, аввало, ўқитувчининг ўзи ахлоқий тарбияланган бўлиши лозим. Ўқитувчининг юксак маънавияти, унинг теран билим доираси, айниқса, Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг халқимиз тарихини, маданиятини ва урф-одатларини чуқур билиши таълим-тарбия ишларининг муваффақиятли кечишига ёрдам беради. Ҳозирги замон ўқитувчиси, айниқса, гуруҳ мураббийси миллий қадриятларимизни билибгина қолмай, кенг ота-оналар жамоатчилиги ичида, синфда унинг оташин тарғиботчиси ҳам бўлиши керак.

Одоб тўғрисида ҳам одамлар турли тушунчага эга бўлганликлари учун, одоб тўғрисида бир оз тўхталиб ўтишни маъқул топдик. Киши

қанчалик билимли бўлмасин, у қанчалик фаол ва ҳалол, қанчалик мард ва саховатли бўлмасин, агар одоби бўлмаса, унинг барча ижобий ижтимоий сифатлари йўққа чиқади. Чунки инсон ижтимоий моҳиятининг устки қобигини унинг одоби ташкил қилади.

Одобли деган ижтимоий сифат инсон фазилатларидан ҳисобланиб, киши умуминсоний қадриятлар билан бирга миллий қадриятларни ҳамда қабул қилинган ахлоқ ва одоб нормаларини яхши билиши ва уларга риоя қилиши тақозо этилади.

Умуминсоний қадриятларга яшаш, меҳнат қилиш, севиш ва севилиш, билим эгаллаш, катталарни ҳурмат қилиш, кичикларга ва аёлларга иззат кўрсатиш, рост сўзлаш ва шунга ўхшаш ҳамма инсон учун ҳаётининг зарур ва қадрли бўлган маънавиятлар кирради.

Муайян бир халқда асрлар давомида шаклланган ва уларнинг қадрияти бўлиб келган маънавиятлар миллий қадриятлар ҳисобланади. Буларга байрам ва тўйларни ўтказиш, қуда-анда ҳамда бошқа меҳмонларни кутиш одоби, рўзғор тутиш, кийиниш, саломлашиш ва ҳоказо муайян миллатга хос қадрли маънавиятлар кирради.

Шунингдек, овқатланиш, сўзлашиш, жамоа жойларида ўзини тута билиш каби бир қатор ижтимоий ҳаётда мавжуд ҳаракат нормаларига амал қилишлик ҳам одоб ҳисобланади.

Одобсизлик эса, бутун инсоният ёки бир миллат қадрият деб қабул қилган нарса ва ҳодисаларга беҳурматлик кўрсатиш, муайян жамиятда урф бўлган ахлоқ ва одоб нормаларига риоя қилмай, уларни менсимай, оёқ ости қилишдир. Масалан, умуминсоний қадрият ҳисобланган меҳнат қилишни инкор этиб, беиш юриш ёки иш бўлганда ҳам, дангасалик қилиб ишламаслик катта одобсизлик ҳисобланади. Ёки билим эгаллаш умуминсоний қадрият. Шароити бўла туриб, ота-онаси ва бошқаларнинг: «Эй инсон, ўқисанг-чи, билим олсанг-чи», — деганига қарамай билим олмаслиги бениҳоя одобсизликдир. Одобсизликнинг кечириб бўлмайдиган ва энг ваҳший кўриниши, севишганларни ғайрилиқ қилиб, уларга қаршилиқ кўрсатиш ёки ундан ҳам жирканчлиси, уларни бадном қилиб, беобрў қилишга уринишдир. Билим оламан деган одамга қаршилиқ кўрсатиш, исломга нисбатан исён бўлибгина қолмай, инсон ҳуқуқини поймол қилиш ҳамдир. Катталарга беҳурматлик, ёш болалар ва аёлларни хафа қилиш ҳам ўта одобсизлик бўлиб, инсоният томонидан ҳеч бир вазиятда кечирилмайди. Шунга ўхшаш миллий қадрият, урф-одат ва анъаналарни беҳурмат қилиш миллатга нисбатан одобсизликдир.

Баъзи ўринда миллий қадриятлар ёки урф-одатлар умуминсоний қадриятларга зид келиб қолиши мумкин. Масалан, мусулмон мамлакатларида хотин-қизлар ишламай, уй бекаси бўлиб ўтириши урф бўлган. Бу муайян халқнинг миллий қадрияти бўлгани билан умуминсоний қадриятга зиддир. Комилликка интилган

киши, албатта, умуминсоний қадриятларни устун қўйиши лозим, гарчи ўз ҳудудида бу одобсизлик бўлиб ҳисобланса ҳам. Умуминсоний қадриятлар минг йиллар давомида бутун инсониятнинг танқид элагидан ўтиб келган маънавиятнинг бир кўриниши эканини унутмаслик керак. Севги масаласида ҳам шундай. Баъзи тор доирага қамалиб қолган халқларда, икки ёшнинг севишиб юриши айб, умуминсоний нуқтаи назаридан эса, бу жуда юқори қадрият. Билим олишда ҳам шуни айтиш мумкин. Гарчи, билим олишга қаршилиқ кўрсатувчи одамнинг ўзи ер юзида қолмаган бўлса ҳам, оз бўлса-да, «қиз боланинг ўқигани қаёққа борарди, бўлди ўқимайсан, сени турмушга бериб юбораман» деган гаплар қулоққа чалинади. Бу ўта одобсизлик ҳисобланиб, нафақат умуминсониятга, нафақат исломга беҳурматлик, балки инсон ҳуқуқларига ҳам очикдан-очик қарши чиқишлиқдир. Бу одобсизлик ҳисобланибгина, қолмай миллатни тубанликка торғади.

Ўқитувчининг асл фазилатларидан яна бири, у кимни, қандай одамни шакллантираётганлигини тўлиқ билибгина қолмай, ўқитаётган боласи шундай ижтимоий сифатларга албатта эга бўлишига чин дилдан ишониши керак. Шу билан бир қаторда, болаларни халқ педагогикаси дурдоналари билан таништириб миллий қадриятларимиз асосида тарбиялаши, нутқи раво, тили бой бўлиши, ифода усули ва тасвир воситаларининг адабий тил услуби ва меъёрини тўла эгаллаган бўлиши зарур.

Ўқитувчилик касбига хос бўлган бундай фазилатларни ундаги педагогик одоб шакллантиради. Педагогик одоб бу ўқитувчининг юксак касбий фазилатидир. У ўқитувчига саботли бўлиш, ўз ҳиссиётини идора қила олиш болаларга педагогик таъсир ўтказиш восита ва меъёрини белгилаш, аниқлашда ёрдам берадиган фазилат ҳисобланади. Юксак педагогик одобга эга бўлган ўқитувчигина синфда мўътадил психологик муҳит ўрната олади, болалар қалбига тез йўл топа олади.

Ўз хизмати хусусиятига кўра ўқитувчи ташкилотчилик фазилатига ҳам эга бўлмоғи лозим. Бунинг учун ўқитувчи ташаббускорлик ва ташкилотчилик қобилиятига эга бўлиб, ҳар доим тетик, ғайратли, ўз кучи ва имкониятига ишонган бўлиши керак. Ташаббускор ва ғайратли ўқитувчигина болаларни ўз ортидан эргаштира олади, ўқувчилар эса унга эргашади.

Ўқитувчилик касби жуда катта руҳий ва жисмоний куч талаб этади, шунинг учун унинг саломатлигига ҳам маълум талаблар қўйилади. Ўқитувчининг овоз пайчалари ривожланган, кўриш қобилияти яхши бўлиши керак, узоқ вақт тикка тура олиш, кўп юриш, эпчил ҳаракат қилиш каби фазилатларга эга бўлмоғи шарт.

Тўққизинчидан, таълим-тарбия билан шуғулланувчи, сўзсиз, эстетик тарбияланган бўлиши шарт. Эстетик тарбиянинг жамият тараққиётида нақадар муҳим роль ўйнаши ҳаммага маълум. Эсте-

тик тарбия маънавий тарбиянинг муҳим ва таркибий қисми эканини унутмаслик керак. Эстетик диднинг пастлиги ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларига салбий таъсир ўтказади. Жумладан: баъзи ёш оилаларда иқтисодий камчилик туфайли эмас, балки маънавий, асосан, эстетик диднинг пастлигидан бузилиб кетиш ҳоллари кам эмас. Туйғуларнинг пастлиги, қашшоқлиги, гўзалликни сеза билмаслик, қадрлай олмаслик каби омиллар эр-хотин ўртасидаги муносабатларга путур етказмоқда.

Эстетик дид деганда ихчам, нафис, чиройли кийинишга ўрганиш, уй-жойни саранжон-сариршта ва озода тутиш, ҳаётдаги гўзалликларни, санъатдаги нафосатни тез илғаб олиш ва унга интилиш, ундан таъсирланиш, юксак, соф туйғуларга тўлиб-тошиб яшаш тушунилади.

Эстетик диднинг шаклланиши давр характери билан боғлиқ. Ҳар бир давр эстетикага қўядиган талабига мос ҳолда эстетик диднинг янги-янги мезонларини вужудга келтиради. Бу янги мезонлар барча кишилар томонидан ўзлаштирилгунча анча вақт ўтади. Бизнинг давримиз ҳам бу жиҳатдан ўз хусусиятларига эга. Давримиз мураккаб, шунга кўра, эстетик тарбиянинг ҳам шаклланиши силлиқ ва осон кечмайди.

Жамият тараққиётида маънавий ва иқтисодий томонлар ҳамма вақт ҳам бир хилда шаклланиб бормайди. Баъзан маънавий томон ўзиб кетса, баъзан иқтисодий томон ўзиб кетади. Ўзбек халқи ўтмишида иқтисодий томонга нисбатан маънавий томонларнинг кўпроқ шаклланиб кетган даврлари кўп бўлган. Жамият аъзоларининг маънавий тарбияланганлик даражасига ўқитувчи ва педагоглар масъулдир.

Эстетик камолот маънавий ҳаётнинг энг нозик, шу билан бирга, мураккаб кўринишларидан бири. Инсон шахсиятида эстетик диднинг шаклланиши аста-секин давом этадиган узоқ жараёндир. Эстетик кўникмалар инсон вужудига сингиб, унинг эътиқодига айлана бориши зарур. Бу борада маълум тадбир асосида иш кўрилмаса, эстетик тарбия соҳасидаги барча ҳаракатлар зое кетади.

Гўзаллик билан яхшилик қондош эгизак, улар доим бир-бирини тақозо этган, бир-бирини тўлдирган. Қадимги юнонларда бу икки тушунча бир бутуннинг икки томони сифатида қаралган. Ҳозирги пайтда ҳам этика билан эстетиканинг бирлиги кишилар ҳаёти учун муҳим аҳамият касб этмоқда. Чин инсоний ахлоқ нормаларини ривожлантириш чин эстетик дидни шакллантиришни талаб этади. Одоби, ахлоқли, виждонли киши эстетик жиҳатдан тарбияланмаган бўлса, бундай кишини етук инсон деб бўлмайди. Одоб-ахлоқли кишида эстетик дид шаклланган бўлса, у ҳар томондан ривожланган шахс ҳисобланади. Ўқитувчи ва педагог фақат ҳар томонлама ривожланган шахс бўлиши керак.

Юқорида тавсифлаб ўтилган билимларнинг асосий тўққиз турини ўзида жамлаб, уларни кўникма ва малака босқичларидан ўтказиб, маънавиятига айлантириб улгурган кишигина ўқитувчилик ва педагоглик амалиёти билан шуғулланишга ҳақли.

Ўқитувчининг касбий шаклланиши олийгоҳ даргоҳида касбий таълим олиш жараёнида бошланади. Педагогика олий ўқув юр்தларининг ўқув-режа ва фанлар бўйича дастурларида бўлажак ўқитувчиларга шу касбнинг сир-асрорларини ўргатиш, илмий билимлар бериш, ўқитувчи касби ҳақида маълумот бериш ва кўникма ҳосил қилиш назарда тутилади.

Таълим жараёнида фанлар бўйича амалга ошириладиган семинар, амалий ва лаборатория машғулотлари назарий билимларни мустаҳкамлашга ҳамда уларни кўникмага айлантиришгагина эмас, балки уларни амалий иш жараёнида қўллашга ҳам имкон беради. Бундай машғулотлар танлаган касби тўғри эканига ишонч ҳиссини уйғотади.

Олийгоҳдан кейинги даврдаги ўқитувчининг касбий шаклланиш жараёнида мактаб раҳбарияти, айниқса, илмий мудир ҳамда педагогик жамоатчилик катта роль ўйнайди. Ёш ўқитувчиларга тажрибали ўқитувчиларни бириктириб қўйиш, уларнинг дарсларини кузатиш, услубий ишларга жалб этиш мактаб раҳбариятининг вазифасидир. Ўқитувчи ўз касбини секин-аста ўзлаштириб бориши билан бирга ота-оналар ўртасида педагогик билимларни тарғиб этади. Шу йўл орқали ҳам касбий шаклланиши такомиллашиб боради.

Ўқитувчилик касбини ва педагогик маҳоратни эгаллаш жараёни, уни мактаб ўқитувчилар жамоасига киришиб, унда ўз ўрнини топиб кета олишига боғлиқ. Жамоанинг ёрдамидан юз ўғирмаслик, қийинчиликларга дуч келганда руҳан тушмай, ўз хатоларини кўра билиш ва уни бартараф этиш учун ҳаракат қилиш унинг ўқитувчи бўлиб шаклланишидан дарак беради.

Шу билан бирга, ўқитувчининг касбий шаклланиши ўз-ўзини тарбиялаб боришга, ўз устида тинмай ишлашга ва ўз вақтида малакасини ошириб боришга узвий боғлиқ. Буларнинг ҳаммаси касбий фазилатларнинг ажралмас қисми ҳисобланади.

«Ўзбекистон Республикаси Давлат таълими муассасалари педагог кадрларининг аттестацияси тўғрисида» Низом ишлаб чиқилган ва бу Низом 1993 йил 12 августда Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланган. Бу аттестация ўқитувчилар, тарбиячилар ва бошқа педагогларга меҳнатининг пировард натижасига кўра иш ҳақи олиш имконини, агар педагог таълим ва тарбия жараёнида яхши ишласа, унинг меҳнати эътибордан четда қолмаслигига кафолат беради.

Маеву бўйича назорат саволлари

1. Ўқитувчининг ижтимоий сифатларига қачондан бошлаб эътибор берила бошлаган?

2. Зардушт таълимотида ўқитувчи-қоҳинлар ижтимоий сифатлари тўғрисида нима дейилган?
3. Ибн Сино дарс берувчининг сифатлари тўғрисида нима деган?
4. Улуғбек мударрисларга қандай талаб қўйган?
5. Педагог бўламан деган инсон биринчи навбатда қандай билимга эга бўлиши шарт?
6. Ўқитувчи ва педагог учун зарур бўлган билимлар турининг иккинчи ва учинчилари қандай?
7. Таълим-тарбия билан шуғулланувчи шахс тўртинчи ва бешинчи ўринда қандай билимларни билиши керак?
8. Ёшлар тарбияси билан шуғулланадиган киши олтинчи ва еттинчи ўринда қайси билимларни эгаллаши лозим?
9. Ўзини бола тарбияси учун бағишлаган инсон саккизинчи ва тўққизинчи ўринда қандай билимларга эга бўлиши керак?

ЎҚУВЧИ ВА ТАЛАБАЛАРДА ШАКЛЛАНТИРИЛИШИ ЛОЗИМ БЎЛГАН ИЖТИМОЙ СИФАТЛАР

Узлуксиз таълим-тарбия якунида тарбияланувчиларда жамият талабига мос бўлган ижобий ижтимоий сифатлар, яъни фазилатлар шаклланган бўлиши шарт. Бу таълим-тарбия соҳаси олдида қўйилган ижтимоий буюртма бўлиб, бу буюртма давлат томонидан молиялаштирилганидан кейин давлат буюртмасига айланади. Ўзига педагогик фаолиятни касб қилиб танлаган ҳар бир киши бу буюртмани бажариши шарт.

Тарихан таълим-тарбия махсус инсон фаолияти сифатида шаклланиб бориши баробарида, таълим-тарбия якунида тарбияланувчининг сифатлари, яъни таълимий мақсадлар ҳам аниқланиб борди.

Геродотнинг «Тарих» китобида: «Қадимги сақлар, форслар ва массагетлар инсондаги энг шарафлайдиган сифат — жасурлик», — дейилган. Шунга кўра, улар ўғил болаларни беш ёшдан йигирма ёшгача фақат уч нарсага: отда юриш, камондан отиш ва адолатли бўлишга ўргатишган.

Хитойнинг Самарқанддаги элчиси Вэй-Цзининг ҳисоботларида: «Самарқанд аҳолиси моҳир савдогарлардир. Ўғил бола беш ёшга тўлар экан, унга савод ўргата бошлайдилар», — деб қайд қилинган.

Зардуштлик динининг муқаддас китоби «Авесто»да ҳам таълим-тарбия масалаларига катта аҳамият берилган. Унда «Тарбия ҳаётнинг энг муҳим тиргаги, таянчи бўлиб ҳисобланиши лозим. Ҳар бир ёшни шундай тарбиялаш лозимки, у, аввало, яхши ўқишни, кейин эса ёзишни ўрганиши билан энг юксак поғонага кўтарилинсин»¹, — дейилган.

Ўрта Осиёга ислом кириб келганидан кейин ерли халқларда ислом маънавияти шаклланиб, мустаҳкамланиб борган. Қуръонда имоннинг ўзига ҳос мезони саналган қуйидаги ижтимоий сифатлар тарғиб қилинади: саховат, меҳмоннавозлик, жасорат, сабр-

¹ А.О. Миковельский. Авесто. Боку. «Азербайжан», 1960, 18-бет.

қаноат, тўғрилиқ вафодорлик, адолат, тенглик, тинчлик ва бошқа ижобий сифатлар.

Имом ал-Бухорийнинг тарбия ҳақидаги қарашларида жаҳолат кишига ўлим келтирувчи фожиа сифатида қораланади. У одамларни тўғри сўзли бўлишга, ваъдага вафо қилишга даъват этиб, мунофиқ кишининг учта белгиси борлигини кўрсатади, улар: ёлғон гапириш, ваъдага вафо қилмаслик ва омонатга хиёнат қилишдан иборатлигини айтади. У инсоннинг куч-қудрати жисмонан лаҳлавонликда эмас, балки жаҳл чиққанда ўзини тия олишда, деб ҳисоблайди. Имом ал-Бухорийнинг таълим-тарбия хусусидаги таълимотида ахлоқий қарашлар муҳим ўринда туради. Унинг уқтиришича, баланд товуш билан ўринсиз кўп қулиш бошқалар дилига озор берувчи хислатдир. Халққа ёқимли ва эҳтиромли бўлиб, унинг муҳаббатига сазовор бўлишни гўзал ахлоқлик, деб билади аллома. Мутафаккир асарларида кичикларга шафқатли, катталарга ҳурматда бўлиш зарурлиги алоҳида таъкидланади.

Абу Исо ат-Термизий «Соғлом танда соғ фикр бўлади» деган халқ мақолидан келиб чиқиб, ёшлиқдан оқ соғлиқни сақлашга, вақтни бекор ўтказмасликка даъват этади: «Икки нарса борким, кўпчилик уларнинг қадрига етмайди: бири соғлиқ, иккинчиси бўш вақт». Имом ат-Термизий тўплаган ҳадислар орасида болаларни ахлоқ-олоб, марҳумларга ҳурмат руҳида тарбиялаш тарғиб этилади.

Ўрта аср ижтимоий-фалсафий фикр тараққиёти мутафаккир Абу Наср Форобий номи билан боғлиқ бўлиб, унинг инсон камолоти ҳақидаги таълимоти таълим-тарбия соҳасида катта аҳамиятга эга. Форобий таълим-тарбиянинг асосий вазифаси жамият талабларига жавоб бера оладиган ва шу жамият учун хизмат қиладиган етук инсонни тарбиялашдан иборат, деб билган ва тарбияланганликнинг ўзига хос мезонини ишлаб чиққан.

Форобийдан кейин Ибн Сино, Беруний, Маҳмуд Кошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Кайковус, Умар Хайём ва бошқалар тарбия якунида эришиладиган ижтимоий сифатлар тўғрисида фикр юритганлар.

Буюк мутафаккир Алишер Навоий ўзининг бадиий асарларида камил инсон образларини яратиб, таълим-тарбия тўғрисидаги фикрларини ифодалаган бўлса, маърифий асарларида ҳар бир инсон ақлли, ахлоқли, билимдон, оқил, доно, софдил, саховатли, сабр-қаноатли, адолатли, мурувватли, камтар, мард ва жасур бўлмоғи лозим деб таъкидлаган.

Шахснинг шаклланишида оила жамиятнинг асосий бўғини сифатида катта роль ўйнайди. Шахснинг ижобий ёки салбий хислатлари асосан оилада таркиб топади ва умрининг охиригача унинг руҳиятида сақланади.

Мактабгача тарбия янги жамоада вужудга келган хислатлар билан бойитилади. Мактаб, академик лицей ва касб-ҳунар кол-

лежларида етуклик кўламида билим ва кўникмалар шаклланиши билан бирга ижобий фазилатлар сайқал топади.

Олий ўқув юрти ва ундан кейинги юқори ўқув юртлари (аспирантура ва докторантура)да барча ижобий ижтимоий сифатлар макромига етказилиб, фазилат даражасига кўтарилади.

Расмий таълим-тарбия тизимидан ташқари маданий-маърифий муассасалар — радио, телевидение ва оммавий ахборот воситалари таъсирида шахсий хислатлар жамиятга, атроф-муҳитга мувофиқлаштирилади.

Маълум мақсадга йўналтирилган тарбия фаолиятида санъат, адабиёт, маданият муассасалари, ижтимоий ташкилотлар ва уюшмаларнинг фаолиятларидан фойдаланилади.

Бунда мақсадга йўналтирилган расмий таълим-тарбия шахс ривожланишида ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Ўзбекистонда олиб борилган кўп йиллик тадқиқотлар ва мумтоз адабиётлар таҳлили шуни кўрсатдики, эркин ва фуқаролик жамияти ҳамда ҳуқуқли ва демократик давлат фуқаролари қуйидаги ижтимоий сифатларга эга бўлишлари керак:

Ақллилик. Бу тушунчанинг дугавий маъноси — фикр юритмоқ, билмоқ деган мазмунни билдиради. Шундай экан, киши қанчалик кўп фикр юритиб, кўп билимга эга бўлса, шунчалик ақлли ҳисобланади. Лекин одам чуқур фикр юритмай бошқалардан кўрган, эшитганларини, китоблардан ўқиганларини ҳамда устоз муаллимлар айтганини эсда сақлаб қолиб, шу йўллар билан олинган билимларга амал қилиб юриши ҳам мумкин. Бунда ҳам ақл иштирок этади, аммо бу ҳолда ақл ёрдамчи вазифани бажариб, киши кўп ҳам интеллектуал кучини сарфламайди. Доим шундай ҳаёт кечириб юрган одамни ақлли деб бўлмайди.

Лекин баъзи кишилар, ўқитувчи ва педагогларнинг айтганига ва китобларда ёзилганига қарамай, ҳар бир нарсанинг негизига ўзлари етиб боришни истайдилар ва тайёр андозалар турганда, уларга амал қилмай, ҳар бир нарсага ўзлари мустақил фикр юритиб етишга ҳаракат қиладилар. Бундай кишилар ақлли ҳисобланади. Улар мустақил билим топиш жараёнида анчагина ақлий қувват ва вақтларини сарфлайдилар.

Бундай ақлий ҳаракат кўпчиликка малол келгани учун аксарият одамлар ақлий куч-қувват ва маълум вақт сарфлашдан қочиб, тайёр билимларни ўрганиб олиб кўя қоладилар. Натижада анча билимга эга киши бўлиб ҳисобланадилар. Баъзида фан номзоди ва гоҳо фан доктори ҳам бўладилар. Бироқ бу билан улар ақлли бўлиб қолмайдилар.

Ақлли бўлиш учун киши ўз зиммасига анча қийинчиликларни олиб, ҳар бир нарса устида мустақил фикр юритиб, мустақил тадқиқотлар олиб бориш йўлида ҳаракат қилади.

Онадан киши ақли бўлиб туғилмайди. Ҳамма одамлар бирдай, ақлини ишлатишга мойиллиги бор бўлиб туғилади, холос. Бир кишида бу мойиллик юқори, бошқасида у кам бўлиши мумкин, бу табиий ҳол. Одам туғилганидан сўнг, ақлини қанчалик кўп ёки кам ишлатиши, даставвал, унинг ота-онаси, ака-опалари, қариндош-уруғлари, сўнг мураббий ва ўқитувчиларнинг саъй-ҳаракатига боғлиқ.

Кундалик ҳаётда бола ақлини ишлатиши учун шароит қуйидагича: ота ва оналар (баъзилар бундан мустасно) боласининг тўғри йўлдан оғиб кетмаслиги учун, ундан айтганларини оғишмай бажаришни талаб қиладилар. Гурури кучли бола, ташқаридан қилинган бундай «ғайри тарбиявий» таъсирга қаршилиқ кўрсатади. Ювош бола бўлса, бир неча йиллар мобайнида унга ўтказилган бундай тарбиявий тазйиқ натижасида, мўмин ва итоаткор бўлиб етишади. Бундай болани «яхши бола» деб ҳам юритилади. Бола мактабга борганида ўқитувчилар ҳам ундан, ўзларига сўзсиз бўйсунгани, берган билимини мулоҳазасиз қабул қилишини, ўқитувчининг айтганини бажаришини талаб қиладилар (баъзи ўқитувчилар бундан мустасно). Натижада ота-онаси ва ўқитувчиларининг сўзига кирган бола кўп билим ҳамда ахлоққа эга бўлиб етишади. Аммо ақлли бўлмайди. Унинг акси, гурури бор бола, ўз шахсини муҳофаза қилиб, катталарнинг сўзига кирмай, билимга ҳам, одобга ҳам эга бўлмай, «ёмон бола» бўлиб қолади. Аммо иккаласи ҳам ақлини ишлатга олмайдиган бўлиб етишади. Уларнинг фарқи нимада? Биринчиси, умр бўйи яхши фарзанд бўлиб, ақлсиз ўтиб кетади, чунки унинг ақли кишанланган. Иккинчисининг ақли бўлишга имкони қолган бўлади, чунки у ўз шахсини сақлаб қолган ва унинг ақли кишанланмаган бўлади.

Таълим ва тарбия билан шуғулланувчи кишилар болаларга билимни бериб қўяқолмай, билимни мустақил излаб топishга ўргатишлари керак.

Одоблилик — ижтимоий сифат бўлиб, инсон фазилатларидан ҳисобланади. Одобли киши умуминсоний қадриятлар билан бирга миллий қадриятларни яхши билган ва уларни эъзозлаган ҳамда жамият ичида қабул қилинган барча ахлоқ нормаларига риоя қиладиган одамдир.

Одобсизлик — бутун инсоният ёки бир миллат қадрият деб қабул қилган нарса ва воқеликларга беҳурматлик кўрсатиш, муайян жамиятда қабул қилинган урф-одат ва анъаналарга риоя қилмай, уларни менсимасликдир. Таълим-тарбия билан шуғулланувчи кишилар, болаларга одоб нима эканини, унинг моҳиятини тушунтириб бериб, уларда умуминсоний ва миллий қадриятларни ҳурмат қилиш, уларни ўрганиш ва ҳаётда амал қилишга ўргатишлари керак.

Билимлилик. Билимли киши кўп билим соҳибни ҳисобланади. Баъзан «билимли» тушунчаси «ақлли» тушунчаси билан синоним сифатида қўлланилади. Яна қайтариб айтганимизки, ақлли одам мустақил фикр юрита олади, билимли одам эса, мустақил фикр юртиб ёки китоб ва устозлардан олган билимларни ёд олиш натижасида, етарлича билимга эга бўлган киши.

Чин маънодаги билимли деганда, нарса ва ҳодисаларнинг том маъно ва мазмунига тушуниб етиб, уларни ташкил қилувчи қонунийларини (билимларини) билиб, ўз тафаккурдан ўтказиб, таҳайюлида сақлаб, уларни бир неча бор ҳаётда синаб кўриб, кўникма ва малақасига айлантирган кишига айтилади. Киши ўзида қанчалик кўп билим тўпласа, шунчалик билимли деб ҳисобланади.

Одам билим тўплаганда уни маълум бир тартибда амалга ошириши, катта аҳамиятга эга. Чунки тартибсиз йиғилган билимнинг фойдаси бўлмай, инсон ижтимоий моҳиятини оширмай, аксинча, пасайтириши муқаррар. Эгалланган узук-юлуқ билимлар, инсон хотира сандигидан ўрин тополмай мияда айланиб юриб, мия қобиғидаги босимнинг ошишига ва бош оғриғига олиб келади.

Меҳнатсеварлик тарбияланувчи ёшларнинг эришиши зарур бўлган ижтимоий сифатлардан биридир. Меҳнатсеварлик деб, меҳнатнинг туридан — оғир меҳнатми ё енгилми; ақлийми ё жисмонийми, бундан қатъи назар, киши уни бажаришга жон-жаҳди билан киришишлигига айтилади. Меҳнат — мақсадга йўналтирилган фаолият эканини эслатиб ўтамиз. Инсонда ҳаёт кечириши жараёнида, бир қатор моддий ва маънавий эҳтиёжлар пайдо бўлиши табиий. Бу эҳтиёжларни қондириш учун у шунга мос равишда, ўз олдига мақсад қўяди ва унга эришиш учун, маълум бир тартибда ҳаракат қилади. Шунда у анчагина жисмоний ва ақлий куч сарфлайди. Буни меҳнат дейилади. Инсон ўз олдига билим олишни мақсад қилиб қўйган бўлса, унга эришиш учун, асосан, ақлини ишлатиб, жуда кўп интеллектуал қувват сарфлайди. Кўпчилик билим олиш машаққатларини билмай, китоб ўқиш, билим эгаллаш ҳам меҳнатми деб ўйлайди. Илм билан шуғулланмаган одамга бу иш ташқаридан осондек туюлади. Аслида ақлий меҳнат жуда оғир бўлиб, халқимиз «Дехқонлар қудуқни кетмон билан, чеварлар игна билан, олимлар кийриги билан қазийди», деб бекорга айтмаган.

Ҳар қандай меҳнат билан шуғулланиш оғир бўлганлиги туфайли киши меҳнатсеварлик сифатига осонликча эришавермайди, Бунинг учун инсон ёшликдан, меҳнат туридан қатъи назар, ўзини узоқ йиллар давомида меҳнатга ўргатиши керак бўлади. «Меҳнат қочмас, катта бўлгандан кейин ишлаб улгурар», — деган баъзи ота-оналарнинг фикрлари, инсон шахси ривожини учун ўта зарарли ҳисобланади. Ўзини меҳнатга ўргатиш учун, ҳар бир одам авваламбор, меҳнат якунида келадиган натижани аниқ кўз олдига кел-

тириши ва унга меҳр қўйиши керак. Билмаган ва суймаган ишига одам кўп ҳам интилавермайди. Интилмадими, меҳнат унинг учун азоб-уқубатга айланади.

Муайян бир киши меҳнат қилмаса туролмайдиган бўлиб қолганда, билинги, меҳнат қилиш унинг руҳига сингиб ҳаёт тарзига, яъни маънавиятига айланган деб ҳисобланади.

Саломатлик ҳам инсон ижобий ижтимоий сифатларидан бири бўлиб, унинг ижтимоий моҳиятининг ажралмас қисмидир. Мутлоқ соғлом киши деб, ҳам жисмонан, ҳам ақдан, ҳам руҳан саломат бўлган кишига нисбатан айтилади.

Жисмоний саломатлик деганда, фақат бақувват, мушаклари бўлиқ ва кучи кўп одамни тушунилмайди. Жисмоний соғлом одам, ўз танасининг эгаси бўлади. Яъни, жисмоний соғлом одам, барча аъзоларини ўзига бўйсундириб, истаган жисмоний иш ва машқларни осонликча бажара олади. Жисмоний саломатликнинг биринчи белгиси, киши эрта билан турганда ўзида ланжлик сезмай, унда жисмоний ҳаракатлар қилиш эҳтиёжи мавжуд бўлади. Жисмоний соғлом бўлиш учун одам танаси ва вужудини тоза тутиши ҳамда шамоллашдан сақланиши керак. Кўп биологик касалликларнинг бош сабабчиси ифлослик билан шамоллашдир. Шу билан биргаликда вужуд тозалиги инсоннинг емоқ, ичмоқ, ётмоқ, турмоқлик тартиби (режими) билан боғлиқ.

Ақлий ва ижтимоий соғлом киши, эрта билан туриб, юз қўлини ювиб, батамом уйғонганидан кейин беихтиёр бир нарсаларни ўйлагиси келиб, ўй-тафаккурини ишга солади. Бундай одам ҳар қандай муаммони ақл билан еча олади. Бу эса, мақсадга етишишда катта омил ҳисобланади. Инсон мақсадга эришишда, аввал бошдан мақсадга етиш режасини тузиб олади.

Ижтимоий соғлом бўлган инсон, тинмай ўз устида ишлаб, доим ижтимоий фойдали меҳнат билан машғул бўлади. Дангасаликни ва нафсини енга олган одамгина ижтимоий соғломдир.

Руҳий саломатлик киши ҳаётида етакчи ўрин эгаллайди. Киши руҳи саломат бўлса, ҳар қандай қиладиган эзгу ишини поёнига етказди. Руҳий саломатлик — кишининг қилган ниятлари ва олдига қўйган мақсадлари билан белгиланади. Инсон яхши ниятлар қилиб, ният қилган яхшилигини амалга ошириш режасини тузиб қўйганининг ўзида дили яйраб, руҳи таскин топиб, қиладиган ишларининг ҳам унуми бўлади. Агар шу қилган яхши ниятини амалга оширса, кўнгли яйраб меҳнат унумдорлиги бир неча бор ошиб, бошқаларга қилган яхшилигига сарфланган куч ва маблағ, бир неча бор ортиғи билан унга қайтиб келади. Аммо «яхшилиқ қиламан», деб ният қилиб қўйиб, уни амалга оширмаса, руҳ безовта бўлиб, кишининг руҳий азоб чекишига сабаб бўлади.

Ҳар бир киши ўзининг руҳини тоза, бегубор ва феълени кенг тутишида қуйидагилар эътиборга молик. Руҳий саломат одам эрта билан турганда мусиқа эшитгиси келиб, билса-билмаса, бир куйни хиргойи қилиб юради. Кўчага чиққанда ва ишга борганда, чеҳраси очик бўлиб, ҳаммани ёқтиради, уларга саломлар айтиб, яхши ниятлар билдириб юради.

Руҳий носоғ одам эрта билан ўрнидан тиришиб туради, бўлар-бўлмасга уйдагиларни ҳақоратлайди, бир иш қилса, жаҳл билан қилиб, кўчага чиққанда ва ишга борганда одамларга хўмрайиб юради. Бу ҳол узоқ давом этаверса, бундай одам, албатта, руҳий хасталиклар касалхонасига аъзо бўлиб қолади.

Миллий гурур — инсониятнинг ҳар қандай фаолият жараёнига рағбат вазифасини ўтайдиган ижтимоий сифат. Миллий гурури йўқ одам ҳар бир ишда лоқайд бўлиб, унинг қилган ишининг унуми бўлмайди. Миллий гурурга эга инсон эса, мақсад кўйдими, бутун вужудини ишга солиб, бу мақсадга эришиш учун ғайрат қилади ва тезликда унга етади.

Миллий гурур деб, яшаб турган мамлакатининг тарихини, маънавият ва маданиятини яхши билиб, унинг олим-у фозиллари ва қаҳрамонлари билан ич-ичидан мағрурланувчи ҳамда шу мамлакат ривожига ўз ҳиссасини фаол кўшиб келаётган киши қалбидаги умуминсоний гурур негизда пайдо бўлган руҳий кайфиятга айтилади.

Аммо миллий гурурни миллий мақтанчоқликдан фарқлаш лозим. *Миллий мақтанчоқ* деб, бошқа миллатларни камситиш мақсадида ўз миллат тарихини, олим-у қаҳрамонларини билиб олиб, мана биз қандай мамлакатда яшаймиз, мана бизнинг авлод қандай деб мақтаниб, ўзи бу миллат равнақига ҳеч қандай улуш кўшмайдиган, сафсатабоз кишига нисбатан айтилади. Уни миллатчи деб ҳам юритилади. Миллий гурур фазилат бўлса, миллатчилик ижтимоий қусурдир.

Одамларда миллий гурурни шакллантириш учун уларга муайян миллатнинг тарихий қаҳрамонлари, олим-у фозиллари, уларнинг дунё маънавий хазинасига, илм-фанга қўшган ҳиссалари ҳақидаги маълумотларни бериш зарур. Шунда кимнинг виждони тоза, ўзи эса меҳнатга чанқоқ бўлса, унинг қалбида миллати юзасидан фахр пайдо бўлиб, миллатининг маънавий ва иқтисодий салоҳиятини оширишга бел боғлайди. Одам миллатининг маънавий бойлигини оширишга бел боғлабдими, билингки, унда миллий гурур пайдо бўлган.

Ватанпарварлик хислати — миллий гурурнинг тараққий этган варианты бўлиб, ватан равнақи учун рағбат пайдо қилувчи асосий омиллардан ҳисобланади. Миллий гурур негизда одамларда ватанини севиш кайфияти пайдо бўлиб, миллати учун, юрти учун, яъни ватани учун фидойиларча меҳнат қилиб, зарур бўлганда

жонини ҳам фидо қилишга тайёр бўлади. Буни ҳақиқий ватанпарварлик дейилади.

Одамларда ватанпарварлик руҳини шакллантириш учун, даставвал, уларда миллий гурурни пайдо қилиш керак. Миллий гурур бўлмаган кишида ватанпарварлик туйғусини лайдо қилиб бўлмайди. Бу исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат. Аммо яқин ўтмишимизда, миллий гурурни миллатчиликка йўйиб, болаларда миллий гурурни пайдо қилмай туриб, ватанпарварлик туйғусини шакллантирмоқчи бўлганлар.

Ватанпарварликнинг акси, ватан тақдирига лоқайдликдир. Ундан ҳам ёмон кўриниши сотқинлик. Ота-боболари ва ўзи тугилиб ўсган Ватанни бадном қилиб, хорижий мамлакатларда ўз мамлакатининг камчиликларини кўз-кўз қилиб юривчи кишиларни ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди.

Байналмилаллик ижтимоий сифати ватанпарварлик руҳи асосида шаклланиб, энг юқори фазилатлардан ҳисобланади. Одам миллатини ва ватанини севиш билан бирга бошқа миллат тарихини, маънавият ва қадриятларини ўргана бошлайди. Одам бошқа халқлар маданиятини ўрганиш жараёнида, уларда ҳам жуда кўп қадриятлар, адабиёт ва санъатлари бор эканини билиб олади. Шундан кейин яқин ва узоқ хориждаги халқлар маънавияти ва маданиятини чуқурроқ ўргана бошлайди. Ўрганиш жараёнида, уларга меҳри ошиб, секин-аста уларни ҳам, ўз миллати қаторида яхши кўрадиган бўлади. Байналмилал туйғуга эга одам комилликка етишган ҳисобланади.

Бу ижтимоий сифат, ер юзида ҳақиқий тинчлик ва тотувликни ўрнатиш, умумжаҳон иқтисодиётини тараққий эттириш, пировард натижада дунёда фаровон ҳаёт ўрнатилишининг асосий омили ва гарови бўлиб хизмат қилади.

Байналмилалликнинг акси миллатчиликдир. Бу ўта салбий инсоний сифат бўлиб, дунёда миллатлараро можарони, барча турдаги урушларни келтириб чиқаради. Жаҳонда бўлиб ўтган минглаб урушлар, миллиардлаб қурбонлар сабабчиси миллатлараро, яъни давлатлараро урушлардир. Миллий гурур фазилат бўлса, миллатчилик разолатдир. Бунга мисоллар жуда кўп. Яқин Шарқдаги Фаластин билан Исроил, Ливан билан Сурия, Жанубий Осиёдаги Ҳиндистон билан Покистон орасидаги ва Шимолий Кавказдаги урушлар миллатчилик натижасида юзага келган.

Инсонпарварлик (гуманизм). Бу ижтимоий сифатга эга одам ҳам умуминсоний қадриятларни тан олибгина қолмай, уларни бор кучи билан муҳофаза қилади. Умуминсоний қадриятларга: ҳар бир инсонни шахс сифатида тан олишлик, унга яшаш, меҳнат қилиш, севиш ва севилиш, ўз иқтидорларини истаганича намоён қилиш ҳуқуқлари киради. Инсонпарвар киши одамдаги ушбу инсоний ҳуқуқларни тан олиб, уларнинг бузилишига йўл қўймайди.

Инсонпарвар одам бутун инсониятни, шу билан бирга, ҳар бир инсонни, унинг ирқи, миллати, ёши ва келиб чиқишидан қатъи назар, чин дилидан севади, унга нисбатан фақат эзгу ниятда бўлиб, яхшилик қилишга шошилади.

Жасурлик. Кишида юқорида санаб ўтилган барча фазилатлар бўлса-ю, жасурлик бўлмаса, бу фазилатлардан ҳеч кимга наф тегмайди. Чунки киши қанчалик ақлини ишлатмасин, қанчалик одобли, билимли, меҳнатсевар, соғлом, ватанпарвар ва бошқа ижобий ижтимоий сифатларга эга бўлмасин, қўрқоқлиги туфайли уларни амалда қўллай олмайди. Ишлатган тақдирда ҳам, қўрқиб, эҳтиёткорлик билан қилган ижобий ишларининг унуми ҳам, самараси ҳам бўлмайди. Қўрқоқлик имон заифлигини ҳам билдиради.

Инсон ҳар ишни бажаришда, унга қўрқмай киришса, қилган ҳаракати яхши самара беради. Шунинг учун жасурлик инсоннинг барча ижобий ижтимоий сифатлари учун ҳаракатлантирувчи омил вазифасини ўтайди.

Қўрқоқлик кишининг барча фазилатларини йўққа чиқариши билан бирга, инсон зотига номуносиб бўлган салбий ижтимоий сифатдир.

Ҳаётда бундайлар кўплаб учрайди, бундай кишиларнинг сони кўпайган сари жамият ижтимоий инқироз сари юз тутади. Бу эса жуда ачинарли ҳол. «Бошни кесса ҳам, мард кессин», деган халқ мақоли буни яхши ифодалаб турибди.

Киши ақлини ишлатиб, муайян бир мақсадга етиш режасини туздими, қўрқмасдан уни дарров амалга оширишга ҳаракат қилиши керак. Акс ҳолда, қиладиган ишингиз ё битмайди, ёки сусткашлик билан бажарилган иш ҳеч кимга керак бўлмай қолади.

Шиддатлилик. Бу тушунча жасурлик тушунчаси билан ҳамоҳанг бўлиб, киши бир ишни бошласа, унга қўрқмасдан, ғайрат ва шиддат билан киришиб, охирига етгунга қадар астойдил ҳаракат қилади. Одамда барча ижобий ижтимоий сифатлар, шу жумладан, жасурлик ҳам бўлса-ю, ғайрати етмаса, бошлаган иши ўлда-жўлда қолиб, иш ниҳоясига етмаслиги мумкин. Битмаган ишнинг ҳеч кимга фойдаси йўқ. «Битган ишга бек етмас», деган халқ мақоли ҳам бор. Аҳоли ичида ғайратли ва шиддатли кишилар кўпчиликни ташкил қилади. Баъзи ақли ва билимли инсонлар ҳам халқига ва ватанига хизмат қилиш мақсадида, меҳнатдан қочмасдан, миллий ғурур ғояси асосида шахд билан бир ишни бошлайдилар-да, иш ярмига етганда ёки охирлаб қолганда, кейин бўлар деб, шиддати етмасдан ташлаб қўядилар. Сўнг бу ишни эсдан ҳам чиқариб юборадилар. Ўқувчи-талабаларни, бир иш бошлагандан кейин сусткашлик қилмасдан, ҳаракат суръатини пасайтирмай шиддат билан охиригача етказишга, кўзланган мақсадга етишга ўргатмоқ лозим.

Сабр-қаноат инсоннинг юқори ижтимоий сифати бўлиб, инсон руҳининг юксак даражага эришганидан далолат беради. Одам фаровон ҳаёт кечириши учун бошпанали бўлиши, ейиш-ичиши, кийиниши, бола-чақа боқиши керак бўлади. Ҳаётий зарур бу нарсаларнинг тури ва саноғи жуда кўп бўлиб, одам ўзининг эҳтиёж тизгинини кўйиб юборса, бу нарсаларнинг ҳаммасига тўлалигича ҳеч қачон эришолмайди. Шунинг учун ақли расо инсон бу нарсаларнинг энг камига қаноат қилади. Бундай одамни қаноатли инсон дейилади ва унинг обрўси халқ ичида юқори бўлади.

Ундан ташқари, ҳаёт мураккаб нарса бўлиб, киши ҳаёти давомида етишмовчиликлар, кутилмаган қийинчиликлар ёки ундан ҳам ёмони, турли фалокатлар рўй бериб туриши мумкин. Шунда инсон фақат сабр-қаноат ва чидам билан «қуннинг ярми қоронғу бўлса, ярми ёруғ бўлади» деб, бу қийинчиликларни енгиши мумкин. Бундай инсонни сабр-тоқатли дейилади. Бу ижтимоий сифат, мақсадга омон-эсон элтувчи бирдан-бир омилдир. Кўпчилик сабр-тоқат қилмай, кўзлаган эзгу мақсадларига етолмай йўлда қолиб кетадилар.

Ҳар қандай қийинчиликларга сабр қилиб, энг оз миқдорга қаноат қилиб юришни, ўзининг ҳаёт тарзи қилиб олган одам бахтлидир.

Саховатлилик. Бу хислат инсоният эришган энг юқори ижтимоий сифат бўлиб, у юқорида қайд қилинган барча фазилатларга эришган одамда намоён бўлади. Саховатли киши ҳамма одамларни миллатидан, ёши, ирқи ва келиб чиқишидан қатъи назар, чин дилдан севиб, яхшиликлар қилиш мақсадида, уларни тўғри йўлга етаклайди, ўзидаги билим ва топган мол-дунёсини бошқалар билан баҳам кўради. Бу эса инсоннинг ўта ақллилик ва одоб белгиси бўлибгина қолмай, унинг билими кўп, тани-жони соғ ва мард одам эканлигидан далолат беради. Саховатли одам тўлиқ бахт эгасидир.

Саховатлиликнинг акси зиқналикдир. Зиқна одам, ўзида бор бўлган ва ўзидан ортиб-тортиб турган нарсаларни ҳам, бошқаларга раво кўрмайди. Аксар ҳолларда, бундай одам ақли ноқис, инчунун билими оз, шунинг учун ҳам одобсиз, касалманд, инсоний ва миллий ғурури йўқ, кўрқоқ ва номард бўлади. Бундай хислатга эга одам бахтиқаро ҳисобланади.

Яхши ижтимоий сифатлар ўзаро чамбарчас бўлгани каби ёмон хислатлар ҳам бир-бири билан боғлиқ. Битта ёмон қилиққа ўрганилдимми, кетидан албатта бошқасини ҳам қилишга мажбур бўлинади. Чунки улар бир-бирини етаклаб юради. Ёмон хислатни эгаллагандан яхшисини эгаллаган кўп маротаба фойдали бўлгани учун, фақат яхши ижтимоий сифатларга эга бўлган минг маротаба афзал.

Ушбу мавзунини тугатар эканмиз, эътиборингизни бир нарсага қаратмоқчимиз. Юқорида кўрсатиб ўтилган фазилатли инсоннинг ўн уч сифати, тарбияланаётган ёшлар учун йўлчи юлдуз бўлиб хизмаг қилади.

Маззу бўйича назорат саволлари

1. Сак, форс ва массагетларнинг инсон сифатларига қўйган талаблари тўғрисида Геродотнинг «Тарих» китобида нима дейилган?
2. «Авесто»да инсоннинг қандай фазилатлари улуғланган?
3. Ислом таълимотида киши ижтимоий сифатларига қўйиладиган талабларни санаб беринг.
4. Ақлли ва билимли деган тушунчаларни шарҳланг.
5. Одобли ва меҳнатсевар киши қандай бўлади?
6. Соғ ва саломат одам деб, қандай кишига айтилади?
7. Миллий гурур ва ватанпарварлик хислатларининг узвийлиги ва фарқлари?
8. Байналмилал ва инсонларвар кишини таърифлаб беринг.
9. Жасур ва шиддатли киши қандай бўлади?
10. Сабр-қаноатлилик ва саховатлилик фазилатларини тушунтириб беринг.

ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ЖАРАЁНИНИНГ ШАКЛ ВА МАЗМУНИНИ ҲАМДА УСЛУБЛАРИНИ ТАДҚИҚ ЭТУВЧИ ИЛМ-ФАН. ДИДАКТИКА

Дидактика — таълим назарияси тушунчасини англатади. Таълим назарияси таълим-тарбия жараёнида амал қилиниши шарт бўлган тамойиллар, таълим усуллари, таълим-тарбия шакллари ва педагогикадаги асосий тушунчаларни ўз ичига олади.

Демак, дидактика ёш авлодни «нимага ўқитиш?», «нимани ўқитиш?» ва «қандай ўқитиш?» каби саволларга жавоб беради. Дидактика ўқитишнинг умумий қонун ва қонуниятларини аниқлаб бериш билан бирга, ҳар бир ўқув фанининг ўқитиш усуллари учун асос бўлиб хизмат қилади.

Дидактика бутун педагогик фаолият учун, яъни таълим-тарбия билан шуғулланувчиларнинг назарий ва амалий ҳаракатлари учун методологик асос вазифасини ўтайди.

Шундай экан, дидактиканинг тадқиқот объекти, предмети, мақсади ва усуллари нимадан иборат? деган саволларга жавоб топамиз.

Умуман, ҳар қандай илмнинг тадқиқот объекти деганда, муайян илм соҳаси ўз тадқиқотларини нимага қаратган? деган саволга жавоб топиш талаб қилинади. **Дидактиканинг тадқиқот объекти таълим-тарбия жараёнидир.**

Ҳар қандай илмнинг тадқиқот предмети деганда, муайян илм ўз тадқиқотларини йўналтирган объектининг нимасини ўрганади? деган саволга жавоб беради. Чунки ҳар қандай оддий бир объектнинг ҳам жабҳалари бўлади. Тадқиқот объекти нимани ўрганади? деган саволга жавоб берилса, тадқиқот предмети, шу ниманинг нимасини, яъни қайси жабҳасини ўрганади? деган саволга жавоб бериши шарт. Бу илмшуносликда қабул қилинган тартиб бўлиб, ундан чиқиб кетишлик мумкин эмас.

Дидактиканинг тадқиқот предмети таълим-тарбия жараёнини ташкил этувчи — «таълим-тарбия олувчи», «таълим-тарбия берувчи», «ўқув дастур, дарслик ва бошқа дидактик материаллар» ҳамда «ўқитишнинг усул ва услублари», «ўқитишнинг техник воситалари» орасидаги функционал алоқадорликлардир.

Мақсади, шу алоқадорликларнинг мавжудлиги таълим-тарбия жараёнининг ички қонуниятидан келиб чиққанлигини исботлаш ва уларни бир-бирига мутаносиб равишда тараққий эттиришдир.

Бу дегани, таълим-тарбия жараёнида қатнашувчи бирон-бир элемент ўзгарса, унинг бошқа қисмларини ҳам шунга мослаштириш зарур эканини исботлаб беришдир. Масалан, таълим-тарбия жараёни кечадиган синф ёки аудиториядаги педагог ўзгарса, таълим-тарбия жараёнини шакллантирувчи ўқитишнинг усул ва услублари, техник воситалардан фойдаланиш усуллари ҳам ўзгариши мумкин. Ёки ўқитишнинг дастури ўзгарса, дарслик ва бошқа дидактик материалларни ҳамда ўқитувчи дарс бериш усулларини бир оз бўлсада ўзгартиришга мажбур. Чунки улар ўзаро функционал боғлиқ. Дидактиканинг мақсади мана шу ўзгаришларни асослаб, таълим-тарбия жараёнини муайян қонуниятлар асосида кечишини илмий-назарий томондан асослаб беришдир.

Дидактика ўз тадқиқотларини олиб бориш жараёнида қуйидаги анъанавий тадқиқот усулларидан фойдаланади: тарихий ва илмий адабиётларни таҳлил қилиш, ўқув-услубий ҳужжатларни ўрганиш, фанлардан билим бериш амалиётини синтезлаш, статик усуллар, мақсадли суҳбат, қиёсий тасниф, таққослаш ва ҳоказо. Шу билан бирга, дидактикада нисбатан янги ҳисобланувчи — мажму ёндашув, графоаналитик, математик моделлаштириш, социологик тадқиқот усулларидан ҳам фойдаланилади.

Яхлит таълим-тарбия жараёнида дидактика фанининг вазифалари:

Биринчиси — билим эгаллаш ҳамда уларни кўникма ва малакага айлантириш қонуниятларини аниқлаб бериш. Бу борада дидактика анча ютуқларга эришган бўлиб, таълим-тарбия жараёнини амалга оширишнинг қуйидаги қонуниятларини, яъни тамойилларини аниқлаган. Буларга: *билимни узатишда илмий асослаб бериш, таълим олувчилар имконияти ва ёш хусусиятларидан келиб чиқиш, кўргазмаллик, мунтазамлик, таълим ва амалиёт бирлиги, онглилик ва фаоллик, тизимлилик ва изчиллик, таълим ва тарбиянинг бирлиги* тамойиллари киради. Булар дарсликнинг кейинги саҳифаларида батафсил баён этилади.

Иккинчиси — таълим мазмунининг тузилиши ва ҳажмини белгилаш.

Учинчиси — таълим ва тарбия беришнинг шакллари ва усулларини такомиллаштириш.

Тўртинчиси — яхлит таълим-тарбия жараёнини ўқувчи ва талабаларнинг тарбияланганлик ҳолатига ижобий таъсирни таъминлаш. Қуйида айнан шу ҳақда баён қиламиз.

Билим ва кўникмаларни таркиб топтириш нақадар зарур бўлсада, ҳозирги дидактика ана шу соҳа билангина чекланиб қолмайди.

Эндиликда ўқувчиларни камол топтиришда керакли натижалар берадиган ўқиш жараёнининг илмий асосларини ишлаб чиқиш зарурияти туғилди. Ўқувчи ва талабаларнинг камол топиши таълим-тарбия жараёнида амалга ошириши сабабли билим ва кўникмаларни шакллантиришга қаратилган дидактик принциплар маълум натижани беради. Аммо вазифа фақат қандайдир натижаларга эришиш эмас, балки талабаларни камол топтириш учун ўқитишнинг энг юқори самарадорлигини таъминлашдан иборатдир. Бунинг учун эса ўқув жараёнининг янги тузилишини ишлаб чиқиш керак. Мана шундай муҳим масаланинг кўриб чиқилиши ўқув муассасасидаги таълим-тарбиянинг бирлигини таъминлашга хизмат қилади. Ўз-ўзидан аёнки, мазкур вазифани амалга ошириш зарурий илмий асосларни яратиш соҳаси бўлган дидактика, яъни таълим-тарбия назариясига тааллуқлидир.

Ўқитиш назарияси билимлар, маълумотлар ва далилларнинг катта захирасига эга, уларнинг бир қисми тизимлаштирилган, бир қисми мажму асосида тартибга солинган, бир қисми ҳали англаб етиш жараёнидадир.

Ўқитиш жараёнидаги ички тузилишнинг таркибий қисмлари — мақсадли рағбатлантириш, мазмунли ўқитишнинг шакл ва услубларининг ажратилиши алоҳида аҳамият касб этади.

Педагогик ечимларнинг танлаш назариясини ишлаб чиқишнинг методологик асоси — ўқитиш жараёнида мавжуд барча қонуниятларни ҳисобга олиш билан мунтазам алоқада бўлади. Бошқача айтганда, ўқитиш жараёнининг мавжуд ҳамма қонуниятларини биргаликда ҳисобга олиш билангина таълим масалаларини тўғри ҳал қилиш мумкин.

Ўқитиш қоидадагидек бўлиши учун ҳар бир талаба билимларни ўзининг ҳақиқий ўқиш имкониятларига мувофиқ даражада ўзлаштириши ва тарбияланиши керак бўлади.

Ўқитиш рисоладагидек бўлиши учун талаба ва педагоглар аудитория ва уйдаги ишлар вақтининг ўзлари учун гигиеник ва физиологик жиҳатдан белгиланган нормаларига эга бўлишлари керак.

Режалаштиришни оптималлаштиришнинг асосий йўллари ўқитишнинг вазифаларини, яъни таълим бериш ва тарбиялаш жараёнини лойиҳалашда мажму ёндашиш тамойилини ҳисобга олиш ҳолда амалга оширилади.

Педагогик жараёни режалаштиришда қуйидаги усуллардан фойдаланилади: *ўқитиш мазмунининг қўйилган вазифаларини таъминлаш қиятли ҳал қилишни таъминлайдиган ўзига мос вариантнинг таъини*

*ўқитишнинг қўйилган вазифаларни белгиланган вақт ичида муваффақиятли ҳал қилишни таъминлайдиган усуллари ва услубларини танлаш; масалаларни муваффақиятли ҳал қилишни, шу жумладан, ўқувчиларга табақали ёндашшни таъминлайдиган ташкилий шакллари*ни танлаш.

Ҳозирги пайтда таълимнинг муҳим жиҳатлари — таълим мазмунини бошқатдан ишлаб чиқиш, муаммоли камол топтирувчи ўқитиш, талабаларнинг ўқишини янада фаоллаштириш, янги ўқитиш усулларини яратиш, ўқув материални ташкил қилиш ва уни структуралаштириш каби муаммолар жадал ўрганилмоқда.

Таълим мазмунининг ишлаб чиқилган назариясида қуйидаги қоидалар талқин қилинган.

Таълим мазмунида жамиятнинг маънавий ва моддий элементлари, шу жумладан, табиат, жамият ва инсон ҳақидаги билимлар, ижодий фаолият тажрибалари, инсоннинг ўзаро муносабатлари, уларнинг бошқариш фаолияти, ҳаёти ифодаланиши лозим.

Таълимнинг мазмуни умумий, политехник ва касбкорлик компонентларининг бирлигини акс эттириши керак.

Таълим мазмуни муайян ёшга қаратилган бўлади ва жамиятнинг ривожланиш даражасидан келиб чиқади.

Таълим мазмунидаги ажратилган тўрт компонент ҳажми ва мазмунига кўра ўзаро айнан мувофиқ бўлиши керак.

Таълим назариясидан муаммоли ўқитишни жорий этиш, шунингдек, ўқув жараёнини табақалаштириш ва индивидуаллаштириш йўллари

ни излаш бўйича фаол ишлар олиб борилмоқда.

Муаммоли ўқитишнинг назарияда ишлаб чиқилган асосий ғояларини қуйидагича таърифлаш мумкин:

Таълимий билишни илмий билишга мувофиқ моделлаштириш ғояси, яъни муаммоли вазиятни вужудга келтириш — гипотезани олға суриш — гипотезани концепцияга айлантириш — концепцияни ҳал қилиш — уни тасдиқлаш ёки рад этишдек зарур ҳалқаларни ўз ичига олган.

Талабаларнинг ижодий имкониятлари ва қобилиятларини ривожлантириш, уларда тадқиқотчиликка оид кўникма ва малакаларни тарбиялаш ғояси.

Муаммоли ўқитиш назариясида қатор қонуниятлар ифодаланади ва тажриба йўли билан асосланадики, улардан муаммоли дарс ўтиш билан муаммоли ўргатишнинг бирлиги ва бир-бирини тақозо этиши, талабаларнинг гайёрлик даражаси билан муаммоли ўргатиш даражасининг мувофиқлиги каби қонуниятларни ажратиш мумкин.

Дидактикада ишлаб чиқилган талабаларнинг билиш фаоллигини фаоллаштириш назарияси муаммоли ўқитиш назариясига жуда яқин.

Фаоллик назариясининг асосий ғояси ҳам махсус ташкил этилган таълим муҳитида талабаларнинг фаоллигини тобора ошириб боришдан иборат.

Ишлаб чиқилган фаоллик назарияси ўқув жараёнида билимларни ўзлаштириш, уларни қайта ишлаш ва қўллаш (муаммоли ва репродуктив) усулларини ўрганиш бўйича ташкил этиладиган ўз-ўзини бошқариладиган фаолликдан иборат.

Мазкур қонуниятлар асосида амалий жиҳатдан муҳим аҳамиятга молик қуйидаги назарий қоидаларни ифодалаш мумкин.

Фаоллаштириш воситалари мажмуи, таълимнинг мазмуни, ўқитишнинг шакли ва услублари, мақсадга мувофиқ ўз-ўзини бошқарадиган жараён сифатида ташкил қилишни таъминлаши учун улар қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

— таълимнинг ҳамма босқичларида талабаларда ўқитишнинг ички мотивларини қўзғатиш ва ривожлантириш;

— талабаларнинг ўз олдларига тегишли мақсадларни қўйиш ва келгусидаги фаолиятларини режалаштиришга рағбатлантириш механизmlарини такомиллаштириш;

— талабаларда ахборотларни қайта ишлашга доир таълимий ва ақлий кўникмаларнинг шаклланишини таъминлаш;

— ўқувчи-талабаларнинг ўрганиш-билиш мақсадларига эришиш учун жисмоний, ахлоқий ва ирода кучларини ошириш;

— таълим-тарбия жараёнида назорат ва ўз-ўзини бошқариш орқали талабалар ўзларининг ўқув-билиш фаоллигини баҳолашни таъминлаш. Шу қоидаларга риоя қилинса, таълим-тарбия самарадорлиги янада ошади.

Таълим-тарбия жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий даражаси ва маданияти, унинг сиёсий ва мафкуравий тузилиши мазмунини белгилайдиган масалаларни ҳал қилади. Шунинг учун оиладаги ёки жамоадаги, ёки мактаб ва ишлаб чиқаришдаги мақсадга мувофиқ ёки тасодифий тарбия ўз моҳиятига кўра ижтимоий бўлади, чунки ҳар қандай тарбия ижтимоий муносабатларнинг субъекти ҳисобланади ва кишининг ижтимоий моҳиятини оширишга йўналтирилган бўлади.

«Ижтимоий тарбия» иборасидан анча тор маънода — шахсга таъсир кўрсатишнинг махсус тузилган ижтимоий институтларда амалга ошириладиган, оиладаги ва яқин атроф-муҳитдаги тарбиядан фарқли жараённи ифодалаш учун фойдаланилади.

«Таълим» ва «тарбия» тушунчаларининг қайси бири кенгроқ маънога эга эканлиги хусусидаги фикрлар, бу атамаларнинг қайси маънода ишлатилишига боғлиқ. Адабиётларда кўп учрайдиган «таълим» ва «тарбия» тушунчаларининг педагогик жараённинг қарама-қарши томонларини ифодалаш учун қўлланиш ҳоллари ҳам мавжуд. Бинобарин, таълим билим беришнинг мақсадга мувофиқ жараёни сифатида доимо муайян шахсларни тарбиялашни ўз ичига олади. Тарбиянинг йўналиши эса, ҳатто, таълим мазмуни ва савияси билан расман бир хил бўлса ҳам, принцип жиҳатдан турлича.

Таълим-тарбия муассасаларида амалга ошириладиган чуқур педагогик жараён сифатидаги тарбия ҳақида гапириш унинг фақат бир томонини — касбий жиҳатини кўрсатишни билдиради.

Тарбия ҳамма вақт халқ орасидаги ҳодиса, ижтимоий ҳаётнинг доимий категорияси ҳисобланган. Тарбия шахсни мақсадга мувофиқ йўсинда шакллантириш, унда фазилатларни таркиб топтириш жараёнидир. Тарбия тарбияни амалга оширувчилар кутадиган натижа мавжудлигини талаб қилади. У икки турдаги фаолиятни, яъни шаклландурувчи ва шакллантирувчи фаолиятни тақозо этади. Бажарувчилар тарбиянинг ташкилотчилари, шаклландурувчи фаолиятни бажарувчилар эса тарбиянинг ёлғиз ёки жамоавий объектлари ҳисобланади.

Тарбиянинг ўзига хос хусусиятлари унинг икки томони — объект ва субъект жиҳатлари мавжудлигидир. Унинг шакллантирувчи фаолиятларини бажарувчилар ўзлари хоҳласа-хоҳламаса тарбиянинг объекти эканлигида кўринади. Юқорида таъкидланганидек, объектли шаклландурувчи ва шакллантирувчи фаолиятлар ҳамда уларнинг элементлари ўртасида, шунингдек, ҳар бир фаолиятнинг элементлари ўртасида узвий боғланиш мавжудлигида намоён бўлади.

Шакллантирувчи ва шаклландурувчи фаолиятнинг субъектив томони у ёки бу фаолиятни бажарувчи субъектлар ҳисобланади ва тарбиянинг натижалари уларнинг ички ҳолатига, эгаллаган шахсий хусусиятлари, қизиқишлари, эҳтиёжлари ҳамда қобилиятларига боғлиқ бўлади.

Тарбия баъзан эгалланган билимларни, фаолият тажрибаларини ёш авлодга беришнинг йўли сифатида, баъзан эришилган маънавий маданиятни қайта тиклаш ва ривожлантиришнинг омили сифатида ва баъзан ижтимоий муносабатларнинг алоҳида шакли сифатида таърифланади.

Тарбиянинг мақсади — унинг кўзланган натижасидир. У жамият ривожланишининг эҳтиёжларини ўзида акс эттиради ва жамоатчилик ҳамда давлат ҳужжатларида ифодаланади, педагогик таълимотлар ва назарияларда муайянлаштирилади ҳамда батафсил ёритилади.

Тарбиянинг мақсади — шахсни ҳар томонлама ва уйғун камол топтириш, унинг маънавий, ахлоқий, эстетик қадриятларини шакллантириш, юксак даражада уюшган ва шаклланган жамоаларни вужудга келтиришдир. Тарбиянинг мақсадларини охириги ва оралиқ, умумий ва муайян, асосий ва йўл-йўлакай мақсадларга таснифлаш мумкин. Мақсад билан бир қаторда ҳал қилиниши мақсадга эришишни таъминлайдиган вазифалар ҳам туради.

«Шахсни шакллантириш ва камол топтириш» тушунчаси — шахснинг ўсиши, қандайдир янги хусусият ва фазилатларга эга бўлиши жараёнидир. **«Шакллантириш»** тушунчаси **«тарбиялаш»** тушунчасига нисбатан кенгроқ бўлиб, у шахс ва жамоанинг таркиб топишига

таъсир кўрсатадиган ҳамма нарсани, шу жумладан, мақсадга мувофиқ жараёнларни ҳам, мақсадга номувофиқ жараёнларни ҳам ўз ичига олади. «Шакллантириш» ва «тарбиялаш» тушунчалари жиддий чегараланса, инсонни табиат ҳодисалари тарбиялайди, деб бўлмайди. Инсонни фақат кишилар тарбиялайди, табиат ҳодисалари шахсни шакллантириши мумкин, аммо уни тарбиялай олмайди.

Шахс ижтимоий муносабатлар, шу жумладан, тарбия омили, ижтимоий ишлаб чиқариш, маданий, психологик омиллардан иборат ички омилларнинг таъсири натижасида шаклланади.

Шахс шаклланишининг асоси унинг фаолияти бўлиб, бу фаолият доимо ўзини вужудга келтирган ёки ташкил этган шахсга нисбатан шаклланувчи бўлади.

Жамоанинг шаклланиши ҳам ташқи омиллар — ижтимоий муносабатлар, тарбия воситалари ва ижтимоий муҳит ҳамда ички ижтимоий муносабатлар таъсири натижасида амалга ошади.

Тарбиялаш сингари шакллантиришда ҳам доим шахсни ва жамоани такомиллаштириш назарда тутилади.

«**Такомиллашув**» — қарама-қаршиликларнинг бирлиги ва курашини тақозо этади, ана шу бирлик ҳамда кураш натижасида рўй берадиган кучланиш, ўз-ўзидан ҳаракатланишни келтириб чиқаради.

Шахс ва жамоа такомиллашувининг самараси уларнинг ҳолатидаги сифат ўзгаришида намоён бўлади.

Шахс такомиллашувининг манбаи эҳтиёжлар ва уларни қондириш йўллари орасидаги зиддиятлардир. Жамоа такомиллашувининг манбаи ҳам зиддиятлар ҳисобланади. Психологлар жуда кўп зиддиятларни, шу жумладан, шахслар ва жамоаларнинг манфаатлари ўртасидаги, раҳбарларнинг жамоага қўядиган талаблари билан жамоанинг ана шу талабларни бажариш орасидаги зиддиятларни аниқлаганлар. Ана шу зиддиятлар ҳал қилинганда ривожланиш ва такомиллашиш содир бўлади.

«**Ўқитиш**» ва «**ўқиш**» тушунчалари. Ўқиш сўзини дидактлар ва психологлар илгаритдан, ҳозир ҳам турлича шарҳлайдилар. Ўқиш мақсад, мазмун ва ҳаракатлар билан боғлиқ бўлиб, улар ёрдамида талабалар маълум билимларни ўзлаштирадилар, ўқиш талабанинг фаоллиги натижасида ривожланади, характер касб этади, у турли шаклларда (меҳнат, жамоатчилик фаолияти, китобхонлик, ўйин ва ҳоказо тариқасида) амалга ошиши мумкин, билишга таянади ҳамда индивидуал тажрибада шахснинг ҳулқида ўзгаришни вужудга келтиради.

Ана шу тушунтиришлардан кейин «ўқиш» деган тушунчанинг таърифини келтириш мумкин. Биз *ўқиш деганда, талабалар воқеликни бевосита ва билвосита билиш давомида маълум билимлар, кўникмалар ва малакалар — режали ўзлаштиришининг мақсадга мувофиқ жа-*

раёнини тушунамиз. Бунда ўқиш жараёни маълум даражада кучли мотивлаштиришдан вужудга келади ва унинг натижаси шахснинг қарашлари, эътиқоди, хатти-ҳаракатлари, умумий камолотига, қисқаси, унинг хулқига таъсир кўрсатадиган мавжуд билимлар ва кўникмалар захирасининг ортишида намоён бўлади, деб биламиз.

Ўқиш ибораси тасодифий жараён маъносида ҳам, ўқиш жараёнига мунтазам, режали ва бевосита раҳбарлик қилиш маъносида ҳам қўлланилади. Ана шу иккинчи маънодаги ўқиш жараёни нисбатан узоқ вақт, баъзан кўп йиллар мобайнида ўқитиш жараёни билан чамбарчас боғлиқ бўлади. Шунини ҳисобга олиб мазкур иккала жараённи кўпинча умумий ном билан таърифлаймиз ва ўқитиш-ўқиш жараёнларини таълим-тарбия жараёни, деймиз. Бу жараёнда фақат ўқиш билан талабаларнинг маълум миқдордаги билим ва кўникмаларини ўзлаштиришга ёрдам берадиган шароитларни яратиш билан боғлиқ ҳаракатлар эмас, балки ана шу шароитлардан тўғри фойдаланишни назорат қилиш элементлари ҳам намоён бўлиб, улар бир бутунликни ҳосил қилади.

Педагог талабалар ишининг-боришини кузатиш ва улар эришган натижаларни баҳолаш асосида ўзининг кўрсатмалари, йўналтирувчи саволлари, тегишли тушунтиришлари ва ҳоказолар билан уларнинг ўқув фаолияти жараёнига тузатишлар киритади. Шунга кўра таълим биринчидан — ўқишни, иккинчидан — ўқитишни, яъни ўқишни ва шу билан бирга уни назорат қилиш ҳамда тузатиш тадбирларини ўз ичига олади, дейиш мумкин.

Ўқитиш ғоятда мураккаб иш, бунинг далили сифатида шунини айтиш жоизки, педагогнинг таълим жараёнидаги раҳбарлик ролини таъминлашга уриниши ва ҳаракатларини сақлашга интилиши ўртасидаги таълимга хос диалектик зиддият аслида юксалишнинг манбаидир. Шунингдек, ўқитишда деярли ҳамма вақт унинг тарбиявий жиҳатлари яққол билиниб туради.

Таълим мақсад, мазмун, ўқитувчининг шахси, талабалардаги дастлабки билимларнинг характери, ўқитишнинг моддий-техник базаси ва бошқа омиллар билан белгиланади.

Фаробий ўзининг «Идеал шаҳар аҳолисининг маслағи» номли рисоласида таъкидлаганидек, фан ўқитиш орқали ўзлаштирилса, фазилатлар тарбия ёрдамида эгалланади. Ўқитиш фақат ақлнинг чиниқиши учун эмас, балки умумий маънавий, шу жумладан, ахлоқий камол топиш учун ҳам асосдир. Ўқитиш ва тарбиялаш ўзаро узвий боғлиқ бўлиб, шахсни маънавий камол топтиришнинг турли йўллари дир.

Халқ педагогикасида инсон ақлан баркамол бўлишининг энг муҳим шартини уни болалигида ўқитиш ва тарбиялаш деб ҳисоблайди.

Ўқитиш маълум қонуниятларга бўйсунди ва умумфалсафий методологияга мувофиқ бу қонуниятлар таълим жараёни билан

анча кенгроқ ижтимоий жараёнлар ўртасидаги умумий, муҳим, зарур, барқарор алоқалардан, шунингдек, таълимнинг алоҳида компонентлари, яъни унинг мақсади, мазмуни, шакли, усуллари ва услублари ўртасидаги ички боғланишлардан иборат. Аниқланган дидактик қонуниятлардан қатор асосий талаблар келиб чиқади, уларга риоя қилиш ўқитишнинг сифатли ва самарали амалга ошувини таъминлайди.

Таълим жараёнининг натижаси баъзан фақат талабаларнинг маълум билимлар ва кўникмалар тизимини ўзлаштиришидан иборат бўлади. Лекин бу жараён талабаларни ҳар томонлама камол топтиришга жиддий ижобий таъсир кўрсатиши мумкин.

Таълим жараёни — мураккаб ва кўп қиррали жараёндир. Расмий таълим-тарбиянинг назарияси, умуман, ана шу жараённи, унинг таркибий қисмларини ва уларнинг компонентларини ёритади. Тушунчалар, мазмун ёрдамида ана шу яхлит жараённинг мавжудлиги сабабини ёки усулларини баён қилади.

«Ўқув жараёни» тушунчаси таълимнинг барча компонентларини: ўқитиш ва унда фойдаланиладиган воситаларни ҳам, муайян вазифаларни ҳал қилиш учун таълимнинг усулларини ҳам, унда мустақил ишлайдиган талабани ҳам, ўқув жараёнида кўргазмали ва техник воситалар билан жиҳозлашни ҳам ўз ичига олади. Шунинг натижасида таълимнинг қуйидаги қонуниятлари аниқланган:

— таълим жараёни қонуний равишда ижтимоий жараёнлардан ва жамиятнинг эҳтиёжларидан келиб чиққан;

— таълим жараёни яхлит педагогик жараёнга кирадиган ўқиш, тарбиялаш ва камол топтириш жараёнлари билан қонуний равишда боғлиқ;

— таълим талабалар имкониятига қонуний равишда боғлиқ;

— таълим ўзи амалга оширадиган ташқи ижтимоий шароитларга боғлиқ;

— ўқитиш ва ўқиш жараёнлари яхлит таълим жараёнига қонуний равишда боғлиқ;

— таълим мазмуни қонуний равишда жамият эҳтиёжларини, фан ривожланишининг даража ва мантиқини, талабалар ўқув имкониятлари ва таълим учун ташқи ижтимоий шароитларни акс эттирадиган вазифаларга боғлиқ;

— ўқув фаолиятини кучайтириш, ташкил этиш ва назорат қилиш, қонуний равишда таълим вазифалари ва мазмунига боғлиқ;

— таълимнинг ташкилий шакллари қонуний равишда унинг вазифаларига, мазмуни ва усулларига боғлиқ;

— тегишли шароитларда ўқув жараёнининг барча компонентлари қонуний равишда ўзаро боғланиши таълимнинг пухта анланган ва амалий натижаларини таъминлайди.

Таълимнинг қонуниятларини педагогиканинг умумий асосларида ифодаланган қонуниятлар билан таққосланса, улар ўртасида боғланиш яққол кўринади. Таълимнинг қатор қонуниятлари мантиқан педагогик жараённинг умумий қонуниятларидан келиб чиқади. Таълим қонуниятларига амал қилишлик дидактика принципларига амал қилишлик демакдир.

Мавзу бўйича назорат саволлари

1. Дидактика деганда нимани тушунамиз?
2. Дидактиканинг педагогик фаолиятда тутган ўрнини белгиланг.
3. Дидактиканинг тадқиқот объекти, предмети ва мақсадини аниқланг.
4. Дидактика фанининг вазифаларини кўрсатинг.
5. Ижтимоий тарбияни тушунтириб беринг.
6. Таълим ва тарбия тушунчаларини шарҳлаб беринг.
7. Шахснинг шаклланиши ва камол топиш жараёнини тушунтириб беринг.
8. Тақомиллаштириш нима?
9. Ўқитиш ва ўқиш тушунчаларини шарҳланг.
10. Ўқув жараёнини тушунтириб беринг.

ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ҚОНУН ВА ҚОИДАЛАРИ ҲАМДА ТАМОЙИЛЛАРИ

Дарсликнинг аввалги саҳифаларидан дидактиканинг ўзи тўғрисида етарли маълумотга эга бўлдик. Дидактиканинг асосий вазифаси таълим-тарбия жараёнида объектив ҳукм сурувчи қонуниятларни аниқлаб, улар асосида таълим-тарбия жараёнини амалга оширишнинг қонун ва қоидалари ҳамда тамойилларини тузиб беришдан иборат экан. Дидактика ўз вазифасини бажариб, таълим-тарбия жараёнида амал қилиниши шарт бўлган қонун ва қоидаларни ҳамда тамойилларни ишлаб чиққан. Қуйида шулар баёнига ўтамиз.

Аввал бошдан «қонуният», «қонун», «тамойил», «қоида» деган тушунчаларнинг том маъносини билиб олайлик.

Қонуният — бизнинг ихтиёримиздан ташқари объектив мавжуд бўлган нарса ва ҳодисалар ўртасидаги, уларнинг тадрижий ривож (эволюцияси) заруриятдан келиб чиққан боғланиш. Табиий фанларда, у қонун деб ҳам номланади. Масалан, Ернинг тортилиш қонуни, Марказдан қочма куч қонуни, Жоул-Ленц қонуни ва ҳоказо.

Таълим-тарбия жараёнининг қонуниятларини тушунтирадиган бўлсак, улар таълим-тарбия жараёнининг тадрижий ривож заруриятдан келиб чиқувчи таълим-тарбияни бир бутун қилиб турган қисмлари орасидаги зарурий боғлиқликлардир. Чунончи, таълим берувчи ва таълим олувчи орасидаги зарурий боғлиқлик ёки таълим берувчи билан ўқув дастур орасидаги зарурий боғлиқлик ва ҳоказо.

Қонун атамаси аслида инсоният томонидан яратилган тартиб ва қоидаларга нисбатан ишлатилади. Аммо табиий фанларда, уларни

ўрганиш жараёнида аниқланган тартибларни Худо томонидан ишлаб чиқилган тартиб деган мазмунда, уни қонун деб номланиб кетган. Изоҳли луғатларда бу атамалар синоним сифатида қўлланилган. Илмий нуқтаи назардан қаралганда, табиий фанлардаги табиат қонунларидан ташқари, барча бизнинг ихтиёримиздан ташқарида мавжуд бўлган ва уларнинг тадрижий ривожини натижасида пайдо бўлган боғлиқликларни қонуният дейилади. Ижтимоий ҳаётдаги инсон ва нарсалар орасидаги гоҳ зарурий, гоҳ нозарурий (бировнинг фойдасини кўзлаб) ўрнатилган боғлиқликлар қонун дейилади.

Тамойил (принцип) — бу объектив мавжуд қонуниятлардан, яъни бутунни бир бутун қилиб турувчи қисмлари орасидаги зарурий боғлиқликлардан келиб чиқиб, амал қилиниши лозим бўлган ҳаракатлар тушунилади.

Таълим-тарбиянинг тамойиллари ўқиш ва ўқитиш жараёнида объектив мавжуд бўлган ва уни бутун қилиб турган қисмлари орасидаги зарурий боғлиқликлардан келиб чиқиб, одамлар томонидан ишлаб чиқилган ва таълим-тарбия жараёнида амал қилишликка тавсия этилган ҳаракатлар тартибининг мойиллигидир.

Қоида — *бу инсон фаолият тартибининг сўнги босқичи бўлиб, объектив қонуниятлар асосида ишлаб чиқилган тамойилларнинг у ёки бу ҳаракатларини чуқурлаштириб, конкретлаштириб берувчи чора ва тадбир тартибидир.* Қоидалар назария билан амалиёт орасини боғлаб турувчи воситадир.

Уни педагогик жараён мисолида кўрадиган бўлсак, у ўқитиш қоидаларида намён бўлади. Ўқитиш қоидаларининг типик вазиятларда ўқитувчиларнинг типик ҳаракати ифода этилган. Бошқача қилиб айтганда, дидактик қоидалар типик педагогик вазиятда ўқитувчи ва ўқувчи ўзини қандай тутиши кераклигини кўрсатиб беради. Шунинг учун улар амалиётга яқин туради.

Педагогик адабиётда педагогик қоидаларга икки хилдаги қараш мавжуд. Бири, амалиётчи ўқитувчиларга дидактика қонуниятлари ва тамойилларини билиш шарт эмас, улар олимлар томонидан ишлаб чиқилган дарс ўтиш қоидаларини ўзлаштириб олсалар, шунинг ўзи kifоя, дейдилар. Шу кунда хорижий мамлакатларда ва Октябр инқилобидан олдинги рус педагогикасида бу фикр устунлик қилган. Бу масалага иккинчи турдаги қараш ҳам бор, улар амалиётчи ўқитувчиларни фақат тайёр ўқитиш қоидаларига боғлаб қўйсақ, уларнинг ташаббускорлигини чеклаб қўйган бўламиз, дейдилар. Уларнинг иккаласининг фикрларида ҳам мантқиқ бор. Ҳақиқат, ҳар доимгидек, иккаласининг ўртасида ётади. Ўқитувчиларни педагогик қоидаларга қаттиқ боғлаб қўйиб, уларнинг эркини чеклаш ёмон бўлгани каби, амалиётдан узилган ва жуда ҳам назарийлашган педагогик тамойиллар ва қонуниятларни педагоглардан талаб қилиш ва педагогик жараённи эркин ҳаракатларга айлантириб қўйиш ҳам

ноўрин. Таълим-тарбияда, бошқа меҳнат турларидагидек, стандарт ҳолатлар жуда кўп. Бу ҳолда ўқитувчи учун кўп ҳам ташаббус кўрсатиши шарт эмас, аке ҳолларда, ўқитувчининг ташаббускорлиги дарсни муваффақиятли ўтишига ҳалал ҳам беради. Бу ҳолда, дарс ўтганда айнан қоидаларга риоя қилиш талаб қилинади.

Қоидалар дидактика тамойилларидан келиб чиққани каби, дидактика тамойиллари ўз ифодасини педагогик қоидаларда топади. Бироқ қоидалар ўз ичига яна кўп сонли ўқитувчи ва педагогларнинг кўп йиллик тажрибасини ҳам қамраб олган бўлади.

Дарс ўтиш қоидалари қанча деган саволга К.Д. Ушинскийнинг сўзларини келтириш ўринлидир. У: «Барча педагогик қоидаларни бир варақча сифдириш ҳам мумкин, улардан бир неча жилдли китоблар ҳам яратиш мумкин», — деган экан.

Одатда, улар тавсиянома, қўлланма ва эслатмалар сифатида берилади.

Таълим қонунлари. Таълим қонунлари тўғрисида гап борганда, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига кирувчи мамлакатларда гоҳо таълим тамойилларини ҳам, гоҳо таълим қоидаларини ҳам қонун деб юритилиши кузатилади. Шунинг учун, қонун деб аниқ айтилган америкалик Торндайк мактаби бўйича қуйидаги қонунларни қайд қилиш билан чекланамиз.

Ўзаро боғлиқлик қонуни — таълим-тарбия жараёнида иккита руҳий ҳаракатнинг ўзаро боғлиқликдаги ривожланиш қонуни. Бу қонун бўйича таълим-тарбия жараёни таълим берувчи ва таълим олувчи руҳининг бир йўналишдаги ҳаракатини тақозо этади. Бу қонунга биноан, агар таълим-тарбия жараёнини ташкил қилувчи икки шахсдан бирининг руҳ ҳаракати иккинчисиники билан мос тушмаса, таълим-тарбия жараёни содир бўлмайди. Билим бериш жараёни содир бўлиши мумкин, тазйиқ йўли билан, аммо ҳақиқий таълим-тарбия жараёни амалга ошмайди. Бу қонунга биноан дарсни ташкил қилиш ва уни амалга ошириш учун педагог синфда ёки аудиторияда бир хилдаги руҳий ҳолатни, яъни билим бериш ва билим олиш ҳолатини шакллантириши керак.

Машқ қонуни — бу қонун бўйича, эгалланган билимни кўникма, сўнг малакага айлантириш учун, машқ қанчалик тез бўлса, қайтар реакция ҳам шунчалик тез бўлиб, билим ўзлаштирилиши ҳам тез ўтади, бу билимнинг хотирада узоқ муддатга сақланиши ҳам таъминланади. Бу қонун бўйича, билим эгаллаганда ҳар ким ўзининг қабул қилиш тезлиги қобилиятига биноан эгалласа ҳам, уни кўникма ва малакага айлантиришда, машқни иложи борича тез амалга оширишни тақозо этади.

Интенсивлик қонуни — бу қонун бўйича ҳам, машқлар жавоби қанчалик интенсив равишда бўлса, у шунчалик тез ўзлаштирилади.

Ассимиляция қонуни бўйича — ҳар бир янги «туртки» қайтар реакцияни вужудга келтиради, дейилади. Шунинг учун эгаллаган билимни қайтариш йўли билан «туртиб» туриш керак, дейилади.

Нативий қонунда — реакция ижобий бўлса, билим мустаҳкамланади, агар салбий бўлса, хотира уни ўчириб ташлайди, дейилади.

Ҳақиқатан ҳам бу қонунлар ҳаётдан олинган бўлиб, амалиётда минглаб маротаба синалиб кўрилган. Шунинг учун педагогик амалиётда булардан келиб чиқишлик педагогик жараённинг самарадорлигини оширади.

Дидактика тамойиллари (принциплари). Дидактика тамойилларининг тарихи шунини кўрсатадики, ўқитувчилар дарс олдидан кўзлаган мақсадларига кўп куч ва вақт сарфламай аниқ етишлари учун, бир неча авлод олимлари тинимсиз изланишлар олиб бориб, дидактика принциплар мажмуи яратилишига сабабчи бўлганлар.

Аввал ҳам айтганимиздек, яқин вақтларгача педагогикадаги қонун, қонуният ва тамойил деган тушунчалар синоним сифатида ишлатилиб ёки буларнинг биттасига — ё қонун, ё қонуният, ё принципга устунлик берилиб келинган.

Аммо кўп йиллик тажрибалар ва бу соҳадаги изланишлар шунини кўрсатадики, қонуният турғун бўлиб, улар асосида яратилган қонун ва тамойиллар ўзгариб ҳам туриши мумкин экан. Баъзи эски тамойиллар, масалан, табиатга мос равишда ривожлантириш тамойили йўқ бўлиб кетиб, ўрнига янги тамойиллар киритилган.

Тамойиллар тўғрисида дидактикада шундай қоида ўрнашиб қолганки, улар тарихий вазиятдан келиб чиқиб конкрет жамиятнинг эҳтиёжларини ифода этар экан. Ижтимоий тараққиёт ва илм-фаннинг ривожланиши ҳамда таълим-тарбия жараёнида янги қонуниятларнинг аниқланиши, шунингдек, илғор педагогик тажрибалар натижасида педагогик тамойиллар тизими бойиб бораверар экан.

Кўп йиллик изланишлар ва баҳслар натижасида педагогикада қуйидаги дарс ўтишнинг умумий тамойиллар тизими ишлаб чиқилган:

1) **онглик ва фаоллик** — билимни талабалар томонидан онгли равишда ва фаол қатнашиб эгаллашлик;

2) **кўргазмалик** — «юз маротаба эшитгандан бир маротаба кўрган яхши» тамойилидан келиб чиқиб, билим беришда турлитуман кўргазма қуроллардан самарали фойдаланиш;

3) **тизимлилик ва мунтазамлилик** — билимни маълум бир тизимда ва узлуксиз равишда бериб бориш;

4) **мустаҳкамлик** — билимни тушунарли тилда қайта-қайта такрорлаш йўли билан бериш;

5) **тушунарлилик** — билимни ҳаммага тушунарли ва ҳаммабоп қилиб бериш;

6) **илмийлик** — билимни болаларда аввалдан мавжуд билимларга асосланиб ва улардан келиб чиққан ҳолда бериш;

7) назария ва амалиёт бирлиги — билим беришда назарий билимларнинг амалиётда ишлашини, яъни уни ҳаёт билан, амалиёт билан боғлиқлигини кўрсатиб бериш.

Бу тамойиллар педагогик жамоатчилик томонидан умумий тамойиллар деб қабул қилинган.

Онглилик ва фаоллик тамойили. Бу тамойил асосида илм томонидан аниқланган, инсоннинг ҳақиқий билим эгаллаши учун, у — бу билимларни чуқур англаб етган ҳолда ақлий қувватини интенсив ишлатиши натижасида етиши мумкин, деган қонуният ётади. Билимларни англаганлик ҳолати қуйидаги омиллардан келиб чиқади: ўқишнинг сабаби; талабанинг билиш фаоллиги даражаси; ўқувчи ва талабаларнинг билиш фаоллигининг бошқарилиши ва билим беришни ташкил қилиш ҳамда бошқа омиллар. Талабанинг шахсий билиш фаоллиги билиб олишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Онглилик тамойилини амалиётда қўллаш қуйидаги қондаларга риоя қилишни тақозо этади:

1. Бу билимнинг ҳаётдаги зарурлиги ва аҳамиятини талабаёшларга тушунтириб, унинг истиқболини равшан қилиб кўрсатиб бериш йўли билан, таълим олувчиларда аниқ мақсад ва вазифаларни шакллантириш қондаси.

2. Талабаларга қандай йўл билан билим олишни тушунтириб, уларда шундай ишонч ҳосил қилиш керакки, улар ҳеч қачон олинмаган билимни чуқур англаб етмай механик ҳолда эгалламасинлар.

3. Ўқитганда барча билиш шаклларида: таҳлил ва синтез; дедуктив ва индуктив; таққослаш ва қарама-қарши қўйиш ва ҳоказолардан фойдаланиш қондаси.

4. Болалардаги мавжуд билим ва кўникмаларига таяниб, образли таққослаш усулидан фойдаланиб, ҳар бир сўз ва гапнинг том маъносини очиб бериш қондаси.

5. Ўқувчиларнинг ўзаро ўқитиш кучидан унумли фойдаланиб, қўйилган саволларга жамоа бўлиб жавоб топиш қондаси.

6. Бугунги фаол талаба, эртанги фаол ишчи ва хизматчи эканлигини яққол билган ҳолда, уларни фаоллаштиришга ҳеч қандай кучни аямаслик қондаси.

7. Болалардаги мавжуд билимлар билан берилаётган билим орасидаги мантиқий боғланиш йўқ жойда онглилик бўлмаслигини эсда туган ҳолда, уларнинг ақли етмай турган жойларни, улардаги бор билим билан мантиқий боғлаб бериш қондаси.

8. Ўқув фанини ҳеч қачон дарс марказига қўймай, дарс марказида доимо ўқувчи туришини, унинг шахси шаклланаётганини билган ҳолда талабага таълимий таъсир ўтказиш қондаси.

9. Талабалар фикрини, ҳаёт билан назарий билимлар орасидаги фарқлар борлигига қаратиш йўли билан, уларнинг тафаккурини фаоллаштириш қондаси.

10. Ўқитиш жараёни янада муваффақиятли ўтиши учун, ҳар бир тушунча берилганидан кейин, уни бир неча мисоллар билан мустаҳкамлаш қоидаси.

11. Ўқитилаётган фанда асосий ва иккинчи даражали жойларини ажратиш йўли билан, талабаларда берилган билим ичидаги асосий ўринларини ажрата олишга ўргатиш қоидаси.

12. Ҳеч қачон қуруқ обрўга таяниб ўқитмай, фақат ақл ва ҳиссиётдан келиб чиқувчи далилларга таяниб ўқитиш қоидаси.

13. Болаларни ўқишга ўргатиш қоидаси.

14. Таълим-тарбия жараёнига салбий таъсир ўтказувчи ички ва ташқи омилларни доимо бартараф этиб бориш қоидаси.

15. Талабаларга «нега?» деган саволни тинмай бериш йўли билан, уларда сабаб ва оқибат орасидаги боғланишни билдириб бориш қоидаси.

16. Берилаётган билимнинг тўғрилигига, болаларда ҳеч қандай шубҳа-гумон қолмаслиги ва уни эсдан чиқмаслиги учун билимни асос ва далиллар билан бериш қоидаси.

17. Ҳақиқий билимга эга бўлган деб, уни қайтариб айтиб берганга эмас, балки бу билимни амалиётда қўллай олганга айтилди, деган қоида.

18. Доимо талабалар қизиқиш ва эҳтиёжларини ўрганиб бориб, уларни жамият эҳтиёжига мослаштириб бориш.

19. Болалардаги кузатувчанликни ривожлантириб, ҳаётдаги воқеликларни илмий асослаб бериш йўли билан уларда онглиликни камол топтириш қоидаси.

20. Талабаларга шундай билим бериш керакки, бу билимлар уларда қатъий ишонч ҳосил қилиб, ҳаракат учун дастур вазифасини ўташ қоидаси.

21. Ҳеч қачон ўқитувчи айтганларини қайтариш, бировлардан кўчириш ва айтиб туриш ҳолларига йўл қўймаслик билан, ўқувчи-талабаларни мустақил фикрлашга ва ҳаракат қилишга ўргатиш қоидаси.

22. Берилаётган билимни ҳар томонлама таҳлил қилиб бериш йўли билан болаларда ижодий тафаккурни ривожлантириш қоидаси.

23. Талабаларни фаоллаштириш ва рағбатлантириш учун доимо саволлар бериб, уларга жавобни чидам билан тинглаш қоидаси.

Кўргазмалilik тамойили. Бу энг ҳаммага маълум ва тушунарли бўладиган тамойиллардан бири бўлиб, у қадимий замонлардан қўлланилиб келинган. Бунинг асосида қуйидаги қонуниятлар ётади: биринчидан, кўриш ва эшитиш орқали олинган ахборотлар мияга турлича таъсир этиб, турлича хотирада сақланади. Қисқача қилиб айтганда, кўз билан кўрганда қулоқ билан эшитгандагига нисбатан беш баробар кўп ахборот олинди, унинг мияда сақланиш даражаси ҳам юқори. Иккинчидан, кўздан борган ахборот қайта ишлашга муҳтож эмас.

Таълим амалиёти бу тамойилни амалга оширишнинг бир қатор қоидаларини ишлаб чиққан.

1. Ўқитиш жараёнида, кўрган нарса эшитганга нисбатан бир неча баробар тез ўзлаштирилиб, узоқ муддатга эсда сақланиб қолишлигини доимо ёдда тутиш қоидаси.

2. Болалар шакл, ранг, ҳис қилиш ва товуш орқали фикр юри-тишларини билиш қоидаси.

3. Ўқувчиларнинг, киши нимаики нарсани тасаввурига келти-риш мумкин бўлса, кўра олса, эслаб кўрса, эшита олса тафаккур қилинади деган олгин қоидасини билиш.

4. Ҳеч қачон кўрғазмани асосий мақсад қилиб олмаслик, кўрғаз-ма мақсад эмас, мақсадга етиш воситаси сифатида билиш қоидаси.

5. Билим бериш ва бу билимларни болалар кўникмасига ай-лантириш жараёнида, барча тушунча ва мавҳумликлар, улар та-факкурига фақат асос, далил, мисол, тимсол ва қиёфалар орқали тез етиб боришини англаш қоидаси.

6. Кўрғазмалардан, фақат нарсаларни кўрсатиш учун фойда-ланмай, улардан муаммоли вазиятларни шакллантиришда ҳам фой-даланиш қоидаси.

7. Кўрғазма фақат ахборот берибгина қолмай, ўрганилаётган нарса ва ҳодиса тўғрисида тўғри тасаввур ҳосил қилишлигини би-лиш қоидаси.

8. Кўрғазмани кўрсатаётганда маълум бир тартиб билан кўрса-тиш яхши натижа беришини тушуниб етиш қоидаси.

9. Кўрғазмани кўрсатаётганда аввал бутунлай, сўнг уларни қисм-ларга бўлиб кўрсатиб, ундан кейин яна бутунлай кўрсатишга эъти-бор бериш қоидаси.

10. Турли кўрғазмали қуроллардан фойдаланиш яхши, аммо уларнинг миқдори ҳаддан зиёд бўлиб кетса, болалар хаёлини ёйиб юборишлигини билиш қоидаси.

11. Кўрғазмани кўрсатаётганда болаларнинг аввалдан эгалла-ган ҳиссий билимларидан унумли фойдаланиш қоидаси.

12. Энг яхши кўрғазма болалар ўзи тайёрлаган кўрғазма экан-лигини билган ҳолда кўрғазмани иложи борича болалар билан бирга тайёрлаш қоидаси.

13. Ўзингиз яхши билмаган нарсани ҳеч қачон болаларга кўрсат-маслик қоидаси.

14. Янги техник воситалар — ўқув телевиденияси, видео, ком-пьютер ва бошқалардан фойдаланилаётганда, аввал ўқитувчининг ўзи уни яхши ўзлаштириб олишлик қоидаси.

15. Кўрғазмали қуроллардан фойдаланилаётганда, болалар диқ-қатини, фикрлаш маданиятини, конструктив фикрини ва ўқишга қизиқишини тарбиялаш қоидаси.

16. Кўргазмани, назарий билимни ҳаёт билан боғлашда фойдаланиш қоидаси.

17. Кабинет тизимидан фойдаланилаётганда кўргазма усулидан фойдаланиш имкони кенгайди, шунинг учун кўргазмаларни кўрсатиш тартибини албатта режалаштириш қоидаси.

18. Кўргазмали қуроллардан фойдаланилаётганда, болаларнинг ёш хусусиятларидан келиб чиқиш қоидаси.

19. Кўргазма жуда ҳам кучли таъсир этувчи восита бўлиб, у болалар ҳаёлини ўзига қаттиқ жалб қилиб, дарс мавзунинг асосий мақсадидан чалғитиши мумкинлигини англаш қоидаси.

20. Кўргазмадан ҳаддан зиёд фойдаланиш, болаларда абстракт тафаккур ривожига тўсиқ ҳам бўлиши мумкинлигини билиш қоидаси.

Тизимлилик ва мунтазамлилик тамойили. Бу тамойил қуйидаги объектив қонуниятларга суянади:

— инсон, фақат ташқи дунёни ўз тафаккурида аниқ акс эттиргандагина, ҳақиқий ва фаол билимларга эга бўла олади;

— киши тафаккурида илмий билимлар тизимини шакллантиришнинг асосий усули, мақсадга йўналтирилган расмий таълимнинг ташкил қилиниши;

— расмий таълимнинг ташкил қилиниш тартиби, ўқувчилар имконияти ва бериладиган билимнинг ички мантиқий тузилишидан келиб чиққанлиги;

— билим бериш жараёни босқичма-босқич амалга оширилганлиги туфайли, билим бериш самараси, бу босқичлар орасидаги вақтнинг қанчалик қисқа бўлишлигига боғлиқ, босқичлар орасидаги масофа вақт жиҳатдан ҳаддан ошиб кетса, билим бериш самара бермайди;

— агар билим ва унинг негизида шаклланган кўникмалар машқ орқали такрорланиб турилмаса, билим ва кўникма йўқолиб кетади;

— болаларни мантиқий фикрлашга ўргатилган бўлмаса, улар доимо фикр юритишда қийинчиликларга дуч келадилар;

— ўқитишда тизимлилик ва мунтазамликка амал қилинмаса, таълим-тарбия жараёни сусаяди.

Педагогик амалиётда бу тамойилнинг ишлаши қуйидаги қонунлар орқали амалга оширилади.

1. Ўқувчилар томонидан билимлар тизими тўлиқ ўзлаштириб олинishi учун бериладиган билимларни мантиқий тугалланган билим бўлақларига ажратиб ўқитиш.

2. Мазмунини тўлиқ очиб беришга кўзингиз етмаган бирон-бир савол ва муаммони дарс режасига киритмаслик.

3. Мантиқийликни ҳеч қачон бузмаслик, бузилган тақдирда ўзлаштирилмасликнинг олдини олиш учун уни дарров бартараф этишлик.

4. Ўқув фани — катта бир фаннинг кичрайтирилган модели эканини тушунтириб, фанлараро боғлиқликни кўрсатиб беришлик.

5. Назарий билимларнинг ўзлаштирилиши тўғри кетаётганини доимо текшириб боришлик: ўрганилаётган объекти, предмети, назарий асослари, асосий тушунчалари, назарияси ва унинг қўлланиш чегараларини доимо эслатиб, уларнинг бажарилишини текшириш.

6. Доимо эсда тутиш лозимки, кунда эшитиб, гўёки яхши билган нарсани тушунтириб, илмий асослаб бериш қийин бўлади. Шунинг учун болалардаги аввалги билимлари ва мантиқ усулларидан доимо фойдаланиш зарурлиги.

7. Бошланғич, умумтаълим ва олий таълим босқичларидаги билим мазмуни ва уни бериш усуллари орасидаги мувофиқликни сақлаш.

8. Ўқитишнинг илғор усулларидан доимо фойдаланиш.

9. Ўқитишда тизимлиликни ва мунтазамлиликни сақлаш учун, аввал ўтилган билимларни доимо қайтариб туриш.

10. Ўтган билимларни қайтариш усулидан, фақат дарс бошида ва уни якунлаётганда фойдаланиб қолмай, ҳар бир билимни тушунтираётганда ҳам ундан фойдаланиш.

11. Ўтган билимлар билан тез киришиб кетувчи янги гаплардан бошқа янги фикрларни билдирмаслик.

12. Ўқувчилар тил саводхонлигини фақат тил ўқитувчилари кузатиб борибгина қолмай, барча ўқитувчилар ҳам бу ишни бажаришлари лозимлиги.

13. Сабр ва чидам билан ҳамда узлуксиз равишда болаларни мустақил фикр юритишга ва билимларни меҳнат қилиб топишга ўргатиш.

14. Болаларга ўқишнинг истиқболини доимо эслатиб туриш.

15. Ҳар бир бўлим охирида, албатта, умумлаштирувчи машғулотларни амалга ошириш.

16. Болалар жавобида учраб турадиган хатоларни доимо тузатиб бориш.

17. Чарчаб қолган болалар фаолиятини ҳеч қачон сунъий равишда фаоллаштиришга ҳаракат қилмаслик, фаоллаштиришда болалар жисмоний ва ақлий имкониятидан келиб чиқиш.

18. Болалардан эгаллаган билимига кўникма ва малака ҳосил қилишни талаб қилиш.

19. Эсда сақлаш лозимки, мажмуга тушган билим эсдан чиқмайди. Эсдан чиқиб қолса, мажму орқали уни дарров эсга тушириш осон.

20. Я.А. Коменскийнинг — ҳамма нарса узлуксиз кетма-кетликда олиб борилиши керак, бугунги айтганларингиз кечагисини мустаҳкамлаши ва эртанги айтганингизга йўл очиб бериши керак — деган насиҳатини унутмаслик қоидаси.

Мустаҳкамлик тамойили. Бу тамойилда барча илғор ўқитувчилар ва педагог олимларнинг кўп йиллик изланишлари ўз ифодасини топган. Унда назарий билимлар билан эмперик билимлар бирлашиб мустаҳкамланган.

Билимларни мустаҳкам эгаллаш жараёни жуда мураккаб бўлиб, кейинги йиллардаги тадқиқотлар бу жараёнга ўзгаришлар киритди. Билимни мустаҳкам эгаллаш жараёнини шу кундаги тушунилиши, бу жараёнга қуйидаги янги қоидаларни киритишни тақозо этди.

1. Бугунги кунги таълимда фикр юритиш эслаб қолишдан усунлик қилиши исботланган. Шунинг учун болалар ақлий қувватини тежаш мақсадида, улардан кераксиз ва кам эътиборли нарсаларни эслаб қолишига камроқ эътибор бериб, унинг ҳисобига фикр юритишига кўпроқ куч сарфлашига ёрдам бериш.

2. Болалар тушуниб етмаган ёки нотўғри тушуниб қолган нарсаларни эслаб қолмасликларига эътибор бериш лозим. Бола фақат яхши тушуниб етиб, унинг тўғрилигига ишонч ҳосил қилган нарсасини хотирасида сақлаш.

3. Бола хотирасини кам эътиборли ахборотларни эслаб қолишдан холи қилиш мақсадида, уларни турли луғат ва энциклопедиялардан фойдаланишга ўргатиш.

4. Эслаб қолинадиган нарсаларни ниҳоятда қисқа қилиб, ёд олишга осон бўлиши учун, равон, иложи бўлса шеър вазнига солиб туриб эсда сақлашга болаларни ўргатиш.

5. Эсдан чиқариш билимни эгаллаб олгандан кейин тез кечишини ҳисобга олган ҳолда, уларни психология фанининг эсда сақлаш қоидаси асосида хотирада сақлашга ёшларни ўргатиш.

6. Ёд олишни уйга вазифа қилиб бермай, уни шу нарсага қизиқтириб қўйиш ва вақти-вақти билан бу қизиқишни янгилаб туриш.

7. Такрорлаш машқларини бола янги билимни эгаллаган пайдан бошлаш. Чунки бу нарсалар кейин эсдан чиқиб кетиши аниқ.

8. Бола диққатини сусайтирувчи ички ва ташқи омиллар фаолиятига йўл қўймаслик. Дангасалик касали билан тинмай кураш олиб бориш, билим олиш суръатини пасайтирмаслик.

9. Бериладиган билимга қизиқиш ва ижобий муносабатни шакллантирмасдан туриб, янги билим беришни бошламаслик. Зўрлаб берилган билим бола хотирасида узоқ сақланмаслигини унутмаслик.

10. Билимни эгаллаш суръати пасая бошлаши билан унинг сабабини аниқлаш ва баргараф этиш. Одатда, билим олиш суръатининг пасайиши чарчагандан кейин пайдо бўлади.

11. Ўқувчилар томонидан мустақил равишда дарсни қайтариш эслаб қолишнинг муҳим омили эканини унутмаслик ва ўзини ўзи тарбиялашга катта эътибор қаратиш.

12. Қайтариш дарсларини шундай ташкил қилиш керакки, у фақат билимни хотирада тиклашга хизмат қилмай, фикр юритишга ҳам

фойдаси бўлсин. Шунинг учун қайтариш дарсларини асосий дарс тизимида ўтмай, унинг ҳажмини ё кўпайтириш, ёки камайтириш.

13. Берилган билим хотирада мустаҳкам сақланиши учун, уни қизиқarli қилиб, кўргазмали қуроллардан фойдаланиб туриб бериш.

14. Янги бериладиган билим хотирада мустаҳкам қолиши учун, уни аввалги билим билан боғлаб бериш.

15. Билимни мантиқан бир бутун қилиб беришга ўрганиш.

16. Осон ва бир турдаги топшириқ беришдан тийилиш, улар болаларга қизиқ бўлмай уларни толиқтиради.

17. Машқлар ўтказишдан олдин, уларнинг бажарилиш тартиби ва натижаси тўғрисида маълумот бериш.

18. Машқ даврида болаларни чарчаб қолишдан сақлаш.

19. Ҳозирги замон назорат усулларида тўғри фойдаланиш.

20. Болаларни ўз меҳнатини назорат қилиш ва баҳолашга ўргатиш.

Тушунарлилик тамойили. Бу тамойил бир томондан, дидактиканинг бошқа тамойилларининг талабларидан, иккинчи томондан, талабалар ёш хусусиятидан, учинчи томондан, кўп йиллик педагогик тажриба асосида яратилган.

Бу тамойил замида тезаурус қонуни ётади. Бу қонун бўйича — кишига билим фақат унинг тезаурусига мос келганигина тушунарли бўлади. Тазаурус лотинчада «хазина»ни билдиради. Маъноси, *кишининг тўплаган билими, кўникма ва фикрлаш услуби унинг тезаурусини ташкил қилади.*

Бошқа қонуниятларни ҳам кўрсатишимиз мумкин: бериладиган билимнинг тушунарлилиги, уни эгаллаётган боланинг ёши индивидуал хусусиятларига боғлиқ; тушунарлилик билим бериш-ни ташкил қилишга ва унда қўлланиладиган билим бериш усул ва услубларига боғлиқ; билимнинг тушунарлилиги ўқувчининг савиясига ва билим сифатига боғлиқлиги; билимни тушунарлилиги уни берилиш суръатига боғлиқлиги ва ҳоказо.

Я. А. Коменский шакллантирган қуйидаги қоидалар мавжуд: осондан қийинга, маълумдан номаълумга ва оддийдан мураккабга. Шу замоннинг педагогик назария ва амалиёти тушунарлилик тамойилини қўлланиш қоидаларини кенгайтди ва бойитди. Улар қуйидагилар:

1. Билимни боланинг ёшига қараб бериш.

2. Бола тафаккури берилётган билимга тайёрланган бўлиши шарт.

3. Ўқитаётганда боланинг тайёргарлик ва ривожланганлик даражасига қараб билим бериш.

4. Боланинг индивидуал қобилиятидан келиб чиқиб билим бериш.

5. Билим бериш суръати ўртача олиб борилиши шарт.
 6. Билим беришда, муайян кучланишнинг ҳосил бўлишини эсда сақлаш. Бу кучланиш ошиб кетса, болалар толиқиб, кучланиш пасайиб кетса, болалар зеркиб қолишини билиш.
 7. Психология ва педагогиканинг янги кашфиётларидан унумли фойдаланиш, кичик қадамлардан аста-секин катта қадамларга ўтиш йўли билан таълим жараёнини интенсивлаштириш.
 8. Янги дарс ўқишда билими кучли талабалардан ва дарсни мустақамлаётганда билими ўрта ва кучсиз талабалардан фойдаланиш.
 9. Берилаётган билимларнинг қарама-қарши томонларини ҳам тушунтириб, талабаларнинг билим олишини осонлаштириш.
 10. Талабаларга энг қийин сингадиган билимлар табиат ва жамият тараққиётининг умумий қонунларидир. Шунинг учун муайян фанни ўтаётганда усталик билан уларни қўшиб тушунтириб кетиш.
 11. Секинлик билан шошиш! Таълим-тарбия жараёнини асоссиз тезлаштирмаслик ва сусайтириб юбормаслик.
 12. Талабаларнинг оралиқ якуний фикрларини «билди»га йўймасдан, улардан фикрни давом эттириш учун фойдаланиш.
 13. Тушунарлилик ўқитувчининг сўзларини юқори ҳиссиёт ва ҳар бир сўзни асослаб берилганлиги билан ҳам белгиланганлиги.
 14. Узоқ маърузалардан қочиш.
 15. Ўқитишнинг бош қисмида фақат асосийларини айтиб ўтиш билан кифояланиш.
 16. «Ёмон ўқитувчи ҳақиқатни айтиб қўя қолади, яхши ўқитувчи бу ҳақиқатни топишни ўқувчиларга ўргатади» иборасини унутмаслик.
 17. Тушунарли қилиб дарс ўқиш, бутун билимни талабаларга содда тилда тушунтириб бериш ёки бу билимларни топишни тушунарли қилиб айтиб беришда эмас, балки калаванинг учини ушлаб қўйиб, билимни секин-аста чиқиб келишини кўрсатиш, уларни рағбатлантириб туриш ва ҳоказо тадбирларга айтилади.
- Илмийлик тамойили.** Бу тамойил асосида бир қатор қонуниятлар ётади. Жумладан:
- дунёни ўрганиб бўлади ва инсоният аниқлаган ва амалиётда синаб кўрилган қонуниятларни ўрганса бўлади;
 - таълим-тарбия жараёни — илмий фаолият орқали тўпланган, объектив олам тўғрисидаги маълумот тизимини ўсиб келаётган авлодга билдиради;
 - илмийлик — бериладиган билимлар маълум бир кетма-кетликда берилишини тақозо этади;
 - илмийлик яна берилаётган билимнинг ҳозирги замон ижтимоий ва илмий-тараққиёт даражасига мослиги билан ҳамда тузилган дастур ва ишчи режага мос бўлишлиги билан ҳам белгиланади.
- Дидактика бу тамойилни амалиётга қўллашликнинг бир қатор қондаларини ишлаб чиққан.

1. Педагогик амалиёт билан шуғулланганда педагогика, психология ҳамда дарс беришнинг усул ва услубларининг энг илғорларидан фойдаланиш.

2. Ҳозирги замон дидактика ва психология фанларининг кўрсатмалари бўйича дарс берганда, мантиқнинг фақат индуктив усулидан фойдаланибгина қолмай, дедуктив усулидан ҳам бемалол фойдаланиш.

3. Бошданоқ ўқув фанининг ички мантиғини очиб беришга интилиш.

4. Талабаларда нарса ва ҳодисаларга диалектик ёндашувни шакллантириш мақсадида, ҳар бир билимни беришда унинг ички диалектикасига аҳамият бериш.

5. «Қайтарилмаса эсдан чиқади», деган қоидадан келиб чиқиб, ҳар бир дарсда янги билимни тақрорлаб туриш.

6. Қонуниятларни тушунтираётганда, уларни ташқи — муҳит, вақт, эскилик ва янгилик орасидаги тафовут ҳамда ички шароитларга боғлиқликда тушунтириш.

7. Ўқитганда изланувчанлик ҳиссиётини ривожлантириш.

8. Муайян қонуниятни тушунтиришда, уни кашф этган олимнинг қисқача таржимаи ҳолини гапириб бериш.

9. Билим беришда, унинг тадқиқ қилинган усуллари ҳам айтиб, болаларда тадқиқот усулларидан фойдаланиш кўникмасини шакллантириш.

10. Дарс ўтганда атама, таъриф ва тушунчаларнинг эскиларига танқидий ёндашиб, энг янгиларидан фойдаланиш.

11. Билим беришда тарихийлик қоидасидан келиб чиқиб, берилаётган билимнинг кашф қилиниш тарихини айтиш.

12. Фан билимларини беришда, улар ичидан асосийларини ажратиб, фандаги устувор йўналишларини ҳам кўрсатиб ўтиш.

13. Юқори синф, академик лицей, коллеж, ва айниқса, олий ўқув юртларида фандаги баҳсли ўринларини айланиб ўтмаслик.

14. Болаларнинг тадқиқотчилик фаолиятини рағбатлантириб бориш.

15. Янгилик топишга кенг имконият яратиб бериш.

Назария ва амалиёт бирлиги тамойили. Бу тамойил фалсафанинг билиш назариясининг марказий қоидасига асосланади. Унда, билишнинг биринчи ва асосий нуқтаи назари — бу ҳаётнинг ва амалиётнинг нуқтаи назаридир, дейилади. У қуйидаги қонуниятлардан келиб чиқади:

— ҳар қандай билимнинг тўғрилиги амалиётда синалиб, тасдиқланади;

— амалиёт — ҳақиқат мезони, билишнинг манбаи ва тадқиқот натижаларининг қўлланиш кўлами;

— тўғри ташкил қилинган таълим-тарбия ҳаётдан келиб чиқади;

— таълим-тарбиянинг самарадорлиги унинг амалиёт билан қанчалик боғлиқлиги билан белгиланади;

— билим беришнинг самарадорлиги, унинг политехник таълим билан боғлиқлиги билан белгиланади;

— берилаётган билим ҳаёт билан қанчалик боғланса, болалардаги билим эгаллаш шунчалик оңгли кечади.

Буларнинг амалиётда қўлланиши қуйидаги қоидалар орқали кечади.

1. Билим ва тарбия беришда, бола уларнинг, ўз ҳаётига нақадар зарур эканини билиб бориши.

2. Билим беришда ҳаётдан билимга ёки билимдан ҳаётга қараб бориш.

3. Билим беришда, бу билим ҳаётда зарур бўлгани учун кашф қилинганлигини таъкидлаш.

4. Болаларни энг янги меҳнат қуроллари ва меҳнат муносабатлари билан таништириб бориш.

5. Болаларнинг олган билимларини амалиётда албатта синаб кўришларини талаб қилиш.

6. Мактабнинг ишлаб чиқариш билан боғлиқлигини амалда кўрсатиш.

7. Билим бериш жараёнини ишлаб чиқариш ютуқларидан мисоллар келтириш йўли орқали билимни амалиёт билан боғлаш.

8. Дарс беришда, болаларнинг меҳнат тажрибаларидан келиб чиқиш.

9. Ижтимоий меҳнат фақат дарс жараёнидаги олинган билимлар асосида амалга оширилиши.

10. Ақлий меҳнатни жисмоний меҳнат билан олиб бориш.

Мавзу бўйича назорат саволлари

1. Педагогикадаги қонуниятларни айтиб беринг.
2. Педагогик қонунларни айтиб беринг.
3. Педагогик тамойиллар ва қоидалар деб нималарга айтамыз?
4. Оңглик ва фаоллик тамойилини шарҳланг.
5. Кўргазмаллик тамойилини тушунтириб беринг.
6. Тизимлилик ва мунтазамлилик тамойили нимани талаб қилади?
7. Мустақамлик тамойилини тушунтиринг.
8. Тушунарлилик тамойили нима ва унда қанча қоидалар бор?
9. Илмийлик тамойилининг асосини нима ташкил қилади?
10. Назария ва амалиёт бирлиги тамойилини тушунтириб беринг.

ТАЪЛИМНИНГ УСУЛИ ВА УСЛУБЛАРИ ҲАМДА ДАРСНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ИШТИРОК ЭТАДИГАН ТЕХНИК ВОСИТАЛАР

Инсоннинг бошқа мавжудотлардан фарқи, у олдига маълум мақсад қўйиб, сўнг унга томон ҳаракат қилишлигини биламиз. Киши

мақсад сари қиладиган ҳаракати жараёнида муайян табиий ва сунъий тўсиқларни, яъни қаршиликларни енгиб ўтади. Бу тўсиқларни бар-тараф этиш учун, у бир қатор тадбир ва чоралардан фойдаланади. Демак, **мақсадга этишишда қўлланиладиган тадбир ва чоралар усул дейилади**, деб қабул қилсак бўлади. Луғатларда ҳам шундай.

Мақсадга этишда муайян тўсиқни енгиб ўтиш учун қўлланиладиган усуллар бир қанча бўлиши ва улар маълум бир тартибда қўлланиши ҳам бизга маълум. Шундан келиб чиқиб, **мақсадга этишда қўлланиладиган усуллар тартибини йўл — услуб**, десак мантиққа тўғри бўлади. Барча луғатларда ҳам бу таъриф шундай берилган. Аммо педагогик адабиётларда усул, услуб, метод ва методика тушунчалари тартибга келтирилган бўлмай жуда эркин қўлланилмоқда.

Таълим-тарбия услуб (методика) ларини таъриф қиладиган бўлсак, у ўқитувчи билан ўқувчи ҳамда ўқув дастури ва дарслик, шунингдек, ўқитиш воситалари орасида билим бериш ва билим олишни амалга оширадиган ўзаро муносабатларни тизимга солувчи педагогик тадбирдир.

Ўқитиш услублари ўқув жараёнининг ташкил қилишнинг асосий қисми ҳисобланади. Тегишли услубларсиз педагогик фаолиятни амалга ошириб бўлмайди.

Услублар билимларни узатиш ва қабул қилиш характерига қараб учга бўлинади: сўз орқали ифодалаш, кўрғазмали ва амалий. Таълим мазмунини ўзлаштиришда ўқувчиларнинг билиш фаоллигига муносиб равишда қуйидаги услублар қўлланиши мумкин: тушунтириш — иллюстратив (ахборотли рецепт), репродуктив, муаммоли баён, хусусий изланиш ёки эвристик ҳамда ярим тадқиқот услублари.

Таълим фаолиятини ташкил қилиш ва амалга ошириш жараёни билимни узатиш, уни қабул қилиш, англаш, эса сақлаш ва амалда қўллай олишни назарда тутаяди.

Таълимнинг оғзаки услублари: ҳикоя, маъруза, суҳбат ва бошқалар. Бу услубларни қўллашда ўқитувчи сўз воситасида ўқув материални баён қилади, тушунтиради, ўқувчилар эса тинглаш, эслаб қолиш орқали қабул қиладилар.

Ҳикоя. Ушбу услубда ўқувчиларга бериладиган билим мазмунини оғзаки баён қилиш назарда тутилади.

Ҳикоянинг бир неча тури мавжуд: ҳикоя-муқаддима, ҳикоя-баён, ҳикоя-хулоса. Биринчисининг мақсади — ўқувчиларни суҳбат орқали янги билимни қабул қилишга тайёрлаш. Ҳикоянинг бу тури нисбатан қисқалиги, ёрқинлиги, қизиқарлилиги ва ҳиссиётга бойлиги билан ажралиб туради, янги билим олишга қизиқиш уни фаол ўзлаштиришга эҳтиёж уйғотади, дарсга бефарқлик, лоқайдликни йўқотиб, билим олиш мақсадини ҳосил қилади. Ҳикоя-муқаддима вақтида ўқувчи фаолиятининг вазифалари тўғрисида тушунарли шаклда хабар берилади.

Ҳикоя-баён даврида ўқитувчи янги мавзу мазмунини очиб беради, муайян ривожланувчи режа асосида билим бериб, ичидан муҳимларини ажратиб, кўргазмали ва ишонarli мисоллар билан изчил баён қилади.

Ҳикоя-хулоса, одатда, машғулотнинг охирида келтирилади. Ўқитувчи бу услуб орқали асосий фикрни якунлайди, хулосалайди ва умумлаштиради, мазкур мавзу юзасидан мустақил ишлаш учун топшириқлар беради. Ҳикоя услубини қўллашда муайян педагогик усуллардан маълум бир тартибда фойдаланилади. Буларга: диққатни фолаштириш, баён қилиш, таққослаш, асосийларини ажратиш, якунлаш ва ҳоказолар киради.

Ҳикоя услубининг самарадорлигининг шартлари: режани ёки лойиҳани қунт билан ўйлаб тузиш, мавзунинг изчил ёритилишини таъминлаш, мисол, кўргазма ва бошқа дидактик материалларни муваффақиятли танлаш, баёнда керакли ҳиссиётга эришиш.

Маъруза — билимни сўз билан ифодалаш услубларидан бири сифатида бериладиган билимларни оғзаки баён қилишни кўзда тутиб, ўз ҳажмининг катталиги, мантиқий қурилиши, образли исботлаш, таснифлаш, таърифлар бериш, тизимга келтириш, умумлаштириш каби педагогик усуллардан фойдаланилади.

Маъруза услуби, асосан, умумтаълим мактабларининг юқори синфларида, академик лицей, коллеж ва олий ўқув юрларида қўлланилади.

Маъруза режасини аниқ ўйлаш ёки педагогик технология зами-нида лойиҳалаш талаб қилинади. Режа бандлари модулларининг барчасида уларнинг ҳар бирининг мақсад ва хулосаларини изчил баён қилишда мантиқий уйғунлик бўлмоғи керак. Маъруза шундай суръатда ўқиладики, ўқувчилар унинг муҳим жойларини ёза олсинлар. Шунинг учун ҳам маърузанинг ёзиб олинадиган жойларини аниқ ажратиш, зарур бўлса ёзиб олишни енгиллаштириш учун ҳамда ўқувчилар фикрини фолаштириш мақсадида маъруза давомида муам-моли вазиятларни шакллантириш яхши педагогик самара беради.

Суҳбат услуби атрофлича ўйланган саволлар ёрдамида ўқитувчи билан ўқувчилар орасидаги суҳбатни кўзда тутиб, у ўқувчиларнинг фикрлаш тизимини янги тушунчалар ва қонуниятларни ўзлаштиришга олиб келади.

Суҳбат услубини қўллашда саволлар қўйиш (асосий, қўшимча, йўловчи ва ҳ.к.), ўқувчиларнинг жавоб ва мулоҳазаларини муҳокама қилиш, суҳбатдан хулосаларни шакллантириш, жавобларни тузатиш усулларидан фойдаланилади.

Саволлар яхши қабул қилиниши учун етарли даражада ҳажмга эга бўлиши лозим. Мавзунинг ҳаддан ташқари майда саволларга бўлиб юбориш мантиқий бутунликни бузса, ниҳоятда катта саволлар мавзунинг мавҳумлаштириб, муҳокама учун тушунарсиз қилиб қўяди.

Сухбат услуби ва унга таркибий қисм бўлиб кирувчи усуллардан фойдаланишда ўқитувчиларнинг самимийлиги, чеҳрасининг очиқлиги, руҳининг кўтаринкилиги, овозининг ёқимлилиги ва самимийлиги етакчилик қилади.

Таълимнинг кўргазмали услубини шартли равишда икки катта гуруҳга ажратиш мумкин: кўргазмали ва намойиш қилиш услублари.

Кўргазмали услуб — ўқувчиларга кўрсатилган қўлланмалар — харита, плакат, доскадаги чизма ва расмлар, алломаларнинг сурати ва бошқаларни кўзда тутади.

Намойиш қилиш услуби, одатда, қурилма асбоблар, тажрибалар, турли типдаги мосламалар ва препаратларни намойиш қилиш билан боғлиқ. Намойиш қилиш услубига, шунингдек, кинофильм, диафильм ва бошқа техник воситалар орқали кўрсатиш ҳам киритилган. Кўргазмали услубларни қўллашда қуйидаги усуллардан фойдаланилади: кўрсатиш, яхши кўриниш таъминлаш, техник воситалар кўмагидан фойдаланиш, чизиш, ўтказилган кўрсатувлар натижаларини муҳокама қилиш ва ҳоказо.

Таълимнинг кўргазмали услубларининг ўзига хос хусусияти шундаки, улар ёлғиз ўзи қўлланмай, сўз билан ифодалаш услуби билан у ёки бу даражада уйғунлашиб кетади. Сўз ва кўргазмалиликнинг чамбарчас боғлиқлиги шундаки, объектив борлиқдаги қонуният ва хусусиятлар амалиётда биргаликда қўлланилишини тақозо этади.

Шундай қилиб, сўз ва кўргазмалилик услублари алоқадорлигининг хилма-хил шакллари мавжуд. Уларнинг биронтасига устунлик бериш хато бўлар эди, чунки таълим вазифасининг ўзига хос хусусияти, мавзунинг мазмуни, мавжуд кўргазма воситаларининг характери, ўқувчилар тайёргарлиги даражасидан келиб чиқиб, ҳар бир конкрет ҳолатда уларнинг оқилона қўшиливи танланади.

Амалий услублар тарбия (ўргатиш) фаолиятининг хилма-хил турларининг кенг доирасини қамраб олади. Унда таълим орқали олинган билимлар ҳаётда қўллаш йўли билан кўникмага айлантирилади.

Амалда қуйидаги усуллар қўлланилади: вазифа (мақсад)ни қўйиш, уни бажариш услубларини танлаш, бажариш жараёнини бошқариш, таҳлил қилиш, камчиликлар сабабини аниқлаш, мақсадга тўлиқ эришиш учун тарбия жараёнига тузатишлар киритиш.

Амалий услубларга ёзма машқлар — она ва чет тили, математика ва бошқа фанлар бўйича топшириқни бажариш машқлари киради. Машқ давомида ўқувчи бўлажак хатти-ҳаракатини фаол мушоҳада қилади, ўзига ўзи гапирди, бўлажак воқеани шарҳлайди. Ҳаракатни шарҳлаш ўқувчига ўзининг типик хатосини англашга ва ҳаракатга тузатишлар киритишга кўмаклашади.

Амалий услубларнинг иккинчи гуруҳини лаборатория тажрибалари ташкил қилади. Шунингдек, амалий услубларга устахоналарда, ўқув-ишлаб чиқариш цехи, ўқувчилар бригадасида меҳнат топ-

шириқларини бажариш ҳам киради. Бу топшириқлар сурункасига бўлмай, ўқув-машқ характерига эга бўлиши лозим. Тарбиянинг шундай услублари қўлланиладики, бунда ўқув жараёнида конкрет бир корхонанинг ишлаб чиқариш топшириғи бажарилади.

Амалий услубларга ўргатувчи машиналар, тренажор ҳамда репетитор машиналар ёрдамида машқлар ҳам киради.

Амалий услублар сўз орқали ифодалаш ва уни кўргазмали услублар орқали мустақамлаш жараёни билан чамбарчас боғлиқликда қўлланилади. Машқ, тарбия, меҳнат операциясини бажаришдан олдин ўқитувчи таълимий тадбир ўтказиб, сўз билан тунтиради ва кўрсатади.

Юқорида келтирилган услублардан ташқари, уларнинг йиғиндисидан ташкил топган услублар ҳам мавжуд. Қуйида уларнинг баъзиларини мисол тариқасида келтирамиз.

Муаммоли изланиш услуби муаммоли таълим жараёнида қўлланилади. Бу услубдан фойдаланишда ўқитувчи, аввало, муаммоли вазият яратади, саволлар қўяди, масалаларни, намунавий топшириқларни таклиф қилади, муаммоли вазиятни ечишга қаратилган муҳокамани уюштиради, хулосаларнинг тўғри ёки нотўғрилигини таҳлил қилиб беради.

Ўқувчиларнинг олдинги билим ва кўникмаларига асосланиб, муаммоли вазиятни ҳал қилиш йўллари тўғрисида таклифларни айтади, муаммоли вазиятни ечишнинг энг оқилона йўлини танлайди. Бу услуб ўқувчиларнинг билимга қизиқишини оширибгина қолмай, уларда фикрлаш ва ўз фикрини айтиш қобилиятларини ҳам ривожлантиради.

Таълимнинг муаммоли изланиш услуби амалда билимни сўзда ифодалаб, кўргазмали ва амалий услублар орқали тасдиқлайди. Шу билан бирга, билим олишнинг муаммоли изланиш услубини қўллаш, амалда тадқиқот ишларини бажариш, ҳатто мустақил тадқиқот типидagi амалларни олиб бориш тўғрисида ҳам сўз юритиш мумкин. Ўқув жараёнини муаммоли қидирув услуби ёрдамида ташкил қилиш, муаммоли тузилган маъруза услуби орқали билим баёни давомида мулоҳаза юритиш, исботлаш, умумлаштириш, фактларни таҳлил қилиш каби усуллардан фойдаланишни кўзда тутати.

Таълимнинг муаммоли қидирув услубида кўргазмали қўлланималар эса сақланишни фаолаштириш билан бир қаторда, дарсда муаммоли вазиятни яратадиган намунавий масалаларни қўйиш учун ҳам ишлатилади. Муаммоли қидирув услуби кўпроқ ижодий билим фаолияти кўникмаларини ривожлантириш мақсадида қўлланилади. Шу нуқтаи назардан бу услуб ўзини тадқиқот ишига бағишлаган ёшларга билим беришда ас қотади.

Услубларнинг энг янгиси ва энг самарадорлиси, бугунги кунда педагогик технология ҳисобланмоқда. Бу услубни қўллаганда дарс

лойиҳаси тузиб олинади. Дарс берувчи лойиҳага қаттиқ риоя қилиши шарт.

Педагогик технология асосида дарс лойиҳасини тузишда, унинг беш тамойилига риоя қилинади.

Педагогик технология тамойилларининг **биринчиси** — муайян ўқув предмети, катта модул ёки дарс мавзусида қутилган асосий мақсадни шакллантириб олиш.

Иккинчи тамойил — дарснинг умумий мақсадидан ва мавзунинг ички мазмунидан келиб чиқиб, дарсни кичик «модулларга» ажратиб, ҳар бир модулнинг мақсадини ҳамда модулар ичида ҳал қилинадиган асосий масалалар тизимини аниқлаб олишдир.

Учинчи тамойил — модулар ичида кўриладиган масалаларнинг ичидан асосийларини танлаб олиб, улардан тест саволлари ва улар асосида сўров варақасини тузиб чиқиш.

Мавзулар асосан беш модулдан иборат бўлиб, биринчи ва тўртинчи модул дарсни ташкил қилиш ва хулосалаш қисмларини ташкил қилса, бешинчи модул дарс самарадорлигини аниқлашдир. Шунда янги билимларни бериш 2 ва 3 модулар зиммасига тушмоқда. Ушбу модулардаги билимлар ичидан муҳимроқларини ажратиб олиб, тест саволлари тузилади.

Тўртинчи тамойил — мақсадга етиш услуб ва усулларини танлаб, жойини белгилаб олиш. Педагогика фани мисолидаги мавзулар ўзининг умумийлиги билан ажралиб турганлиги сабабли, унда асосан сўз билан тушунтириш ва қисман иллюстратив услублардан, шунингдек, кези келганда, муаммоли-изланиш усулидан ҳам фойдаланилади. Муайян мавзу олдига қўйилган мақсадларга етишиш учун юқорида қайд қилинган услублар ишлатиладиган аниқ жойини аниқлаб қўйишдир.

Бешинчи тамойилда дарс ичидаги модулар орасидаги узвий боғлиқликларга ҳамда дарс мазмунининг фанлараро алоқалар асосида тузилишига эътибор қаратилиши шарт.

Ўқитиш усуллари. Педагогика амалиётида ўқитиш усулларининг жуда катта бой мероси тўпланган. Уларни танлашда турли шароитлар, ўқитиладиган фаннинг характери, болаларнинг ёш хусусиятлари, олдинги тайёргарлик даражаси ва ҳоказолар ҳисобга олинади.

Фаробийнинг «Фан ва санъатнинг афзаллиги ҳақида»ги рисо-ласида ўқув жараёнини ташкил этишга ва ўқитиш усулларига қўйилган талаблар ифодаланган. Олим ўзининг ўқитиш усуллари ҳақидаги тушунтиришларида ўқувчиларга турли билимлар бериш билан бирга, мустақил ҳолда билим олиш йўлларини ҳам кўрсатиш, уларни билимларнинг зарурлигига шак-шубҳасиз ишонтириш кераклигини уқтиради.

Барча аллома олимлар фойдаланган ўқитиш усулларини бир неча гуруҳга ажратиш мумкин. Булар: кўрғазмали тажриба усул-

лари (Ибн Сино), билимларни баён қилишнинг савол-жавоб усуллари (Абу Райҳон Беруний, Ал-Хоразмий), кўникма ва малакаларни шакллантириш усуллари (Фаробий, Ал-Хоразмий) ва бошқалардан иборат.

Ўқитиш усулларини танлаш ўқитувчи дарсда ҳал қилиши мўлжалланган масалага боғлиқ бўлади. Чунончи, янги материални баён этишда бир хил усуллар қўлланса, уни мустаҳкамлашда иккинчи ва мавзунини умумлаштиришда яна бошқа хил усуллар қўлланилади. Дарснинг турли босқичларида пухта ўйлаш ва самарали усулларни қўллаш жуда муҳим. Ўқитувчи дарснинг энг бошида 4—5 дақиқа умумий сўрашни амалга оширади ва ўқувчиларнинг қайси гуруҳи ўтган дарс бўйича етарли даражада ўзлаштирмаганини аниқлайди ва кейинги сўрашда синфнинг диққат-эътиборини энг аввал ана шу масалага қаратади. Дастлаб, саволларга батафсил жавоб бера оладиган талабалардан сўрайди. Натижада синфнинг бир қисми учун мураккаблик қилган материал тушунарли бўлади. Бу усул ўқувчиларнинг машғулотлардаги нуқсонларини пайқаш ва шу заҳоти баргараф этишда ёрдам беради. Мазкур усулнинг самарадорлиги ҳам айни шунда.

Гарчи ҳар бир педагогнинг ишида анчагина усул ва услублар мавжуд бўлса-да, уларни қўллашдан кўзланадиган мақсад тарбияланувчининг таълимий ишларини фаоллаштириш бўлмоғи лозим. Ўқитувчи-педагогнинг вазифаси самарали усуллардан фойдаланиб, талабаларда фаоллик сифатларини таркиб топтириш ва қийинчиликларни енгишга ўргатишдир. Бу жуда муҳим бўлиб, ўқувчиларда ўқитилаётган фанга бўлган, ундан эса амалий фаолиятга айлантиради ва ўқитиш жараёнининг ишини осонлаштиради.

Ҳозирги ўқитиш жараёнида қўйиладиган талаблар ва ўқувчиларда дарсга қизиқувчанликни оширадиган, уни янгилик элементлари билан бойитиш учун нима қилиш керак?

Ҳозирги замон таълим-тарбия тизими фақат инсоният аниқлаган билимларни ўзлаштиришнинггина эмас, балки жамият энди ҳал қилиши ҳамда бунда бугунги талаба ва ўқувчилар қатнашиши лозим бўлган масалалар билан танишишни ҳам талаб қилади. Бундай масалалар қосмосни ўзлаштириш, атом энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш, чўлларни ҳосилдор ерларга ва боғроғларга айлантириш, қишлоқ хўжалигини интенсивлаштириш ва ҳоказолардан иборат бўлиши мумкин. Халқ хўжалиги ва фаннинг ҳамма соҳаларида жуда катта бурилишлар рўй бермоқда ва ҳар бир ўқитувчи ўзининг тарбияланувчиларини ўзи ўқитадиган фан соҳаси бўйича навбатдаги қайта қурилишлар ва эришилган ютуқлар билан кенг таништириши керак. Бу ишни ўқувчиларга мос усулда ва ўқув дастурига мувофиқ амалга ошириши лозим.

Мазкур талабнинг иккинчи хусусияти педагогнинг талабалар фикр доирасини кенгайтириш тўғрисидаги доимо ғамхўрлик қилишидир.

Шундай қилиб, ўқитиш усуллари педагог ва талабалар назарий ҳамда амалий билиш фаолиятининг таълимий вазифаларини бажаришга қаратилган тадбирдир. Унга қуйидаги муайян талаблар қўйилади.

1. Ўқув материални ўрганишнинг ўқитувчи тавсия этган усули ўқувчиларнинг диалектик қарашлари, ижобий хусусиятлари ва хулқининг шаклланишига олиб бориши керак. Ана шу талаб нуқтаи назаридан усул тарбиявий тусда бўлиши лозим.

2. Ўқитиш усулининг илмий асоси яққол ва аниқ бўлиши зарур. Шундагина ўқитувчи мазкур усул орқали қандай масалалар қўйилиши ва ҳал қилиниши мумкинлигини, қандай масалаларни ҳал қилиб бўлмаслигини кўра олади.

3. Ўқитишнинг тизимлилиги унинг самарадорлигини белгилайди.

4. Ўқитиш усулининг тушунарлилиги: ўқитишнинг усули ўқувчи учун қабул қилиниши ва қўлланиши, ўқув материални ўрганишнинг усули эса билимларни ўзлаштиришнинг имкониятларига мувофиқ бўлиши шарт.

5. Ўқитишнинг онглилик ва фаоллик зарурияти ниҳоятда жиддий талабдир.

6. Билимларнинг пухталиги ва асослилиги ҳам ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

7. Ўқитиш усулида назарий ва амалий ҳодисаларнинг мувофиқлигига эришмай ҳам дарс ўтиб бўлмайди.

Ҳар қандай усулдан бирор мақсадга эришиш кўзда тутилади ва шунинг учун у қандайдир мақсад қўйишни, унга эришиш бўйича фаолият усулини, ана шу фаолиятни амалга оширишда ёрдам берадиган воситаларни билишни тақозо этади. Ҳар қандай фаолият унинг объектини билишни талаб қилади. Ниҳоят, усул мақсадга олиб бориши керак, акс ҳолда, у қўйган мақсад учун яроқсизлигини ё бўлмаса, бу ҳолатда унинг умуман нотўғри қўлланганлигини эътироф этиш лозим. Шундай қилиб, ҳар қандай усул уни қўлладан қўзланган мақсадни, шу мақсадни амалга ошириш фаолиятини ва фаолиятнинг бажариш воситаларини талаб қилади. Бу воситалар фаолият объекти тўғрисидаги предметли ёки ақлий билимлар, қўйилган мақсадга албатта эришишдан иборат бўлиши мумкин. Буларнинг ҳаммаси ҳар қандай усулга нисбатан мақсадга мувофиқдир, лекин ўқитиш усуллари учун етарли эмас.

Ўқитиш усуллари қуйидагиларга бўлиш мумкин:

— тафаккур, хотира, диққат ва хаёлнинг алоҳида операцияларини таркиб топтирадиган ва фаоллаштирадиган усуллар;

— фикрлаш фаолиятида муаммоли ва изланишли вазиятларни вужудга келтирадиган усуллар;

— талабаларнинг ўқув материални ўзлаштириш билан боғлиқ кечинмалари ва ҳиссиётларини фаоллаштирадиган усуллар;

- назорат ва ўқувчиларнинг ўзини ўзи назорат усуллари;
- ўқитиш жараёнида ўқувчиларнинг жамоавий ва шахсий ўзаро муносабатларини бошқариш усуллари.

Сўнгги йилларда педагогика фани ва педагогик амалиётда ўқитиш усуллари муаммосига алоҳида эътибор берилмоқда. Шу муаммо бўйича анчагина тадқиқотлар олиб борилмоқда, илғор педагогик амалиётда ўқитишнинг самарадор усуллари ва уларнинг тизимларини қўллашнинг талайгина йўллари топилди. Аммо таълим-тарбия жараёнига қўйилаётган янги талаблар ўқитишнинг усуллари янада такомиллаштиришни талаб қилмоқда.

Юқорида қайд этилганидек, таълимнинг мазмунига қўйилаётган янги талаблар — ёш авлодга хусусий фанларнинг асослари бўйича юксак илмий назарий билимлар беришдан иборат бўлиб, бу иш назарий билиш усуллари, шу жумладан, ўқувчиларни мантиқий фикрлаш, мантиқий операцияларни бажариш усуллари билан қуроллантиришни тобора кучайтиришни тақозо этмоқда.

Ўқитиш усуллари турлари жуда кўп, уларнинг сонини аниқ белгилаб бўлмайди. Улар педагогик амалиёт даврида тинмай бoйиб бoравeради. Усуллар ўқитишнинг мантиқий томонларига, компонентлари ва вазифаларига қараб таснифланади.

Педагогикада ўқитиш усуллари таснифлашга ягона ёндашиш мавжуд эмас. Ҳозирги дидактикада ўқитиш усуллари билимлар манбаи бўйича, дидактик мақсадлар бўйича, билиш фаолиятининг савияси бўйича фарқлаш энг кўп тарқалган.

Маъзу бўйича назорат саволлари

1. Усул дeб нимага айтилади?
2. Усул дeгaндa нимани тушунамиз?
3. Таълимнинг oғaки услубларига қайсылар киради?
4. Ҳикоя услубининг турлари?
5. Маъруза услуби қандай ва у қасрларда ишлатилади?
6. Кўрғазмали услубларни таърифлаб беринг.
7. Амалий услубларнинг тури?
8. Педагогик технологиянинг тaмoйиллари?
9. Ўқитиш усуллари қандай гуруҳларга ажралади?
10. Ўқитиш усулларига қўйиладиган талаблар?

Фойдаланилган адабиётлар

1. И.А. Каримов Истиқлол ва маънавият. Т.: Ўзбекистон, 1994.
2. И.А. Каримов Ўзбекистон — иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Т.: Ўзбекистон, 1995.
3. И.А. Каримов Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболнинг асосий тамойиллари. Т.: Ўзбекистон, 1995.
4. И.А. Каримов Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Т., 1997.
5. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т.: Ўзбекистон, 1992.
6. «Таълим тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Т., 1992.
7. Ўзбекистоннинг миллий истиқлол мафкуриси. Т.: Ўзбекистон, 1993.
8. «Таълим тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Қонуни. Т., 1997.
9. Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури», Т. 1997.
10. «Маънавият ва маърифат» ижтимоий марказлари ишларини такомиллаштириш ҳақидаги Президент Фармони. Т., 1996.
11. Абдулла Авлоний. «Туркий гулистон ёхуд». Т.: Фафур Фулом номли Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991.
12. Ал-Фараби. О разуме и науке. Алма-Ата: АН Қазахстана., 1995, 230-бет.
13. Ал-Бухорий. Ҳадис. Қомуслар Бош таҳририяти. 1-жилд. Т., 1991, 560-бет.
14. Алишер Навоий. «Маҳбуб ул-қулуб». Т.: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1986.
15. Аҳмад Яссавий. Девони ҳикмат. Т.: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1982.
16. М. Абдурашулов. Ўзбек маърифатпарвар шоирлари илм-маърифат ҳақида. Т.: Ўқитувчи, 1967.
17. Бобохонов А. Ўзбекистонда педагогик фикр тараққиёти тарихидан. Т.: Ўқитувчи, 1967.
18. Б. Зиёмуҳаммадов. Экология ва маънавият. Т.: Меҳнат, 1997, 101-бет.
19. Б. Зиёмуҳаммадов. Маърифат асослари. Т.: Чинор ЭНК, 1998, 123-бет.
20. Б. Зиёмуҳаммадов, Ш. Абдуллаева. Педагогика. Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2000, 126-бет.
21. Ж.Ф. Йўлдошев. Таълимимиз истиқлоли йўлида. Т.: Шарқ, 1996, 224-бет.
22. Ж.Ф. Йўлдошев, С.А. Усмонов. Педагогик технология асослари. Т.: Ўқитувчи, 2004, 102-бет.
23. Кайковус. Қобуснома. Т.: Ўқитувчи, 1994.
24. Я.А. Коменский. Буюк дидактика. Т.: Ўқитувчи, 1970, 430-бет.
25. А.К. Миноваров. Педагогика. Т.: Ўқитувчи, 1996, 199-бет.
26. З. Миртурсунов. Ҳамза Ҳакимзода Нисёнийнинг халқ маорифи ва тарбия ҳақидаги фикрлари. Т., 1961.
27. Р. Мавлонова, О. Тўраева, К. Холиқбердиев. Педагогика. Т.: Ўқитувчи, 2001, 510-бет.
28. М. Собиров. Фурқатнинг мактаб, маориф ва тарбия ҳақидаги фикрлари. Т.: Ўрта ва олий мактаб, 1961, 24-бет.
29. И.Й. Турсунов, У.Н. Ницоналиев. Педагогика курси. Т.: Ўқитувчи, 1997, 230-бет.
30. М.М. Хайруллаев. Форобий. Т.: Ўзбекистон, 1991.

М У Н Д А Р И Ж А

| | |
|-------------|---|
| КИРИШ | 3 |
|-------------|---|

1-бўлим. ПЕДАГОГИКАНИНГ ТАРИХИ ВА НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

| | |
|--|----|
| Буюк Шарқ мутафаккирлари ҳамда Ғарб педагогларининг таълим-тарбияга қўшган ҳиссалари | 5 |
| Педагогиканиннг инсон ва жамият тараққиётидаги ўрни | 17 |
| Педагогик фанлар мажмуи ва педагогиканиннг бошқа фанлар билан алоқадорлиги | 26 |
| Педагогиканиннг методологик асослари | 36 |

2-бўлим. ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ЖАРАЁНИ

| | |
|--|-----|
| Узлуксиз таълим-тарбия жараёни ва педагогиканиннг асосий тушунчалари | 45 |
| Педагог ва унга қўйиладиган талаблар | 58 |
| Ўқувчи ва талабаларда шакллантирилиши лозим бўлган ижтимоий сифатлар | 69 |
| Таълим-тарбия жараёнининг шакл ва мазмунини ҳамда услубларини тадқиқ этувчи илм-фан. Дидактика | 79 |
| Таълим-тарбия қонун ва қоидалари ҳамда тамойиллари | 88 |
| Таълимниинг усул ва услублари ҳамда дарсни амалга оширишда иштирок этадиган техник воситалар | 101 |
| Фойдаланилган адабиётлар | 110 |

Бўри Зиёмухаммадов

ПЕДАГОГИКА

Понпедагогик олий ўқув юртлари учун ўқув қўламакма

Мухаррир *А. Зиёдов*
Балий муҳаррир *Ж. Гурина*
Техник муҳаррир *Т. Смирнова*
Мусахҳиҳ *Ҳ. Закирова*
Компьютерда саҳифаловчи *А. Юлдашева*

*Босишга да рухсат этилди. Бичими 60×90^{1/16}. «Таймс» гарнитурасида.
Офсет босма усулида босилди. Шартли б.т. 7,0. Нашр.т. 8,2. Адади 1000 нусха.
Буюртма № 170.*

*«Агпарпринт» МЧЖ босмаҳонасида чоп этилди.
700182, Тошкент ш., Ҳ. Бойқаро кўчаси, 41.*

3900-00

74.58
3596

ISBN 978-9943-14-003-5